



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ХУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ**

**ПАТИЕВ ХОЛДОР ИКРОМОВИЧНИНГ**

**5141500-Миллий истиқлол ғояси: маънавият асослари ва ҳуқуқ  
таълими йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**“ЮКСАК МАЪНАВИЯТ САНЪАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ  
ОМИЛИ (И.А.КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ-ЕНГИЛМАС  
КУЧ ” АСАРИ АСОСИДА )” МАВЗУСИДАГИ**

**Биттирув мазақавий иши.**

**Раҳбар:**

**ўқит. Мажидов М**

**Термиз-2012**

**Мавзу: ЮКСАК МАЪНАВИЯТ САНЪАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
МУҲИМ ОМИЛИ (И.А.КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ-  
ЕНГИЛМАС КУЧ ” АСАРИ АСОСИДА).**

**I.Кириш.**

**II.Адабиётлар таҳлили.**

**III.Асосий қисм:**

**1-БОБ.** Санъат тараққиётида маънавият омили ва унинг назарий методологик асослари.

**1.1.** Санъат – ижтимоий-маънавий ва эстетик ҳодиса

**1.2.** Маънавият ва санъат. уларнинг ўзаро нисбати

**2-БОБ.** Маънавият такомил босқичларида санъат тараққиёти.

**2.1.** Маънавиятнинг тасвирий санъат такомил босқичларидаги аҳамияти. (қадимдан XX асрнинг 90-йилларигача).

**2.2.** Маънавиятнинг амалий безак санъатини ривожлантиришдаги ўрни.

**2.3.** Маънавиятнинг санъатнинг бошқа турлари ривожлантиришдаги аҳамияти.

**III. БОБ.** Миллий – маънавий тикланиш ва санъат.

**3.1.** Мустақиллик йилларида маънавият ва санъатга муносабат.

**3.2.** Маънавий камолот ва унинг санъатдаги инъикоси.

**IV.Хулоса**

**V.Фойдаланилган адабиётлар**

**Битирув малакавий ишининг долзарблиги:** Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши – замонамизнинг энг муҳим воқеасидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани билан белгиланади”. Айнан жамият тафаккуридаги жиддий ўзгаришлар, миллий маънавий юксалиш унинг санъатдаги инъикосини тадқиқ этиш эҳтиёжи замон талабига айланмоқда.

Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарини ўрганиш, шу асар асосида юксак маънавиятнинг санъат тараққиётига қўшадиган ҳиссасини илмий асосда таҳлил этиш, санъатнинг инсон онги ва шуурига эмоционал таъсир кўрсатиш усулидан самарали фойдаланиш орқали ёшларни маънавий камолотига эришиш бизга, хусусан жамиятга, давлатга садаоқатли. Ватанпарвар, миллатпарвар, миллий анъана ва қадриятларга содиқ, маънавияти юксак инсонларни тарбиялаш имконини беради.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблигини яна қуйидагилар билан белгилаш мумкин:**

**Биринчидан,** мустақилликнинг дастлабки йилларидан Маънавият ва маърифат масалалари энг устивор йўналишлардан ҳисобланди. Биз буни Президентнинг 1994 йил 23-апрелда “Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида” 1996 йил 9-сентябр “Маънавият ва маърифат” маркази фаолитяини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” 1999 йил 3-сентябрда “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонларида ва 1996 йил 9-сентябрдаги фармонда “маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши, деб ҳисоблансин” деб белгиланишида кўрамиз. Юқоридаги ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ҳам мавзу долзарблигини оширади.

**Иккинчидан,** ўзбек халқи санъати тарихнинг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Биз буни Зараутсой қоятош тасвирларида кўрамиз. Бундай даражадаги санъат намунасини яратиш албатта ўша давр инсонидан юксак онг, тафаккур, маънавий салоҳият талаб этади. Аждодларимиз яратган нафис ганчкорлик намуналари, юксак дид билан яратилган хайкалтарошлик асарлари мавзу долзарблигини оширади. Шунингдек, Далварзинтепадан топилган заргарлик буюмлари ва Амударё хазинаси мавзу долзарблигини яна бир карра кучайтиради.

**Учинчидан,** миллий-маънавий тикланиш жараёнларида юртимизда санъатга янгича муносабатнинг шаклланиши, шу жумладан бир қатор санъат турларининг айнан шу даврда ривож топиши(монументал санъат), баъзи санъат турларининг қайта тикланиши(ганч ва ёғоч ўймакорлиги) ҳам шу даврга хос хусусият эканлиги мавзу долзарблигининг омилидир.

Халқимиз тарихининг илмий холислик асосида қайта ёритилиши натижасида аждодлар мероси қайта тикланиши, шаҳарлар юбилейининг ўтказилиши, буюк бобокалонларимиз илмий меросининг ўрганилиши, уларга атаб ўзида тарихий санъат анъаналарини акс эттирган меъморий мажмуаларнинг барпо этилиши юқоридаги фикрларимиз исботидир.

**“Олтин мерос”** хайрия жамғаримасининг ташкил этилиши, анъанавий **Шарқ тароналари** мусиқа фестивалининг ўтказилиши, 2008 йилдан **Асрлар садоси** анъанавий маданият фестивалининг ўтказилаётгани ҳам мустақиллик даврида санъатга муносабатни янгича кўриниш касб этганлигидан далолат беради.

### **Муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси.**

Ўзбек халқининг маънавий салоҳияти, унинг санъат тараққиётидаги аҳамияти мавзуси республикаимиз олимлари тамонидан махсус ўрганилмаган бўлсада, мавзунинг алоҳида йўналишлари бўйича маълумотларни кўплаб файласуф олимларимиз асарларидан олишимиз мумкин;

Биринчи навбатда эътироф этиш керакки, назарий методологик асос бўлиб хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида маънавият, унинг мезонлари, санъатга таъсири тўғрисида кўплаб долзарб фикрлар билдирилган. Жумладан, “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида Президент И.Каримов таъкидлаганидек, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар** маънавиятни шакллантирадиган асосий омиллар бўлиб хизмат қилади.

Маънавият, унинг таърифи ва хусусиятларини илмий таҳлил қилган, ўрганган олимларни биринчи гуруҳга киритамиз.

И.А.Каримовнинг асарларида Маънавиятнинг таърифи, у ҳақидаги илмий хулосалар, уни ривожлантирувчи мезонлар, халқ онгига сингдириш масалалари, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги, миллий ва диний қадриятлар алоқадорлиги, маънавий баркамол, соғлом авлод, комил инсон ғоялари ва унинг фазилатлари ўзига хос тарзда ёритилган<sup>1</sup>.

Эркаев А. нинг “Тафаккур эркинлиги” ва “Маънавият миллат нишони” асарларида миллий тафаккуримизнинг илғор ҳамда қолоқ жиҳатлари кўрсатилган. Бу асарда ўзбек халқи маънавий қиёфасидаги ўзгаришларни амалга оширишда қандай хусусиятлар устувор бўлиши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган<sup>2</sup>. “Миллий ғоя ва маънавият” асарида миллий маънавий қиёфамизнинг такомил босқичлари очиб берилган. Маънавият тушунчасига ўзига хос таърифлар келтирилган. Шунингдек бу асарда маргинал маданиятнинг қарор топиши ва унинг ўзбек маънавий қиёфасидаги салбий жиҳатлари ҳақида фикрлар билдирилган<sup>3</sup>.

Қуронов М. нинг “Ўзбек характери ва миллий ғоя” рисоласида ўзбек характеридаги ўзгаришларнинг ислохотлар даври учун аҳамияти ва ўзбек миллий характерининг бошқа халқлар билан қиёсий таҳлили берилган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар жилдлари 1-19.

<sup>2</sup> Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Т.: Маънавият, 2008 й. Маънавият миллат нишони.-Т.,Ў.,1997.

<sup>3</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002 й.

“Миллий тарбия” асарида эса буюк келажакни пойдевори бўлмиш ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш миллий ривожланишнинг асоси эканлиги асосланган.<sup>4</sup>

Отамуродов С. нинг “Глобаллашув ва миллат” асарида миллий маънавий қиёфанинг ҳимояловчи функцияси ва маънавий-руҳий салоҳиятни шакллантириш йўналишлари ҳақида ўзига хос фикрлар билдирилган.

“Маънавият асослари” асарида эса маънавият таърифи, категориялари, такомил босқичлари, ривожлантириш омиллари ва воситалари, комил инсон фазилатлари илмий таҳлил қилинган<sup>5</sup>.

Қодиров С. Н нинг “Илм ва маънавият” асарида маънавият масалалари ва баркамол авлод тарбияси ҳақида фикрлар берилган<sup>6</sup>

Имомназаров М. нинг “Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари”, “Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар”, “Миллий маънавиятимиз асослари” асарларида маънавият масалалари, унинг тавсифи, мезонлари, такомил босқичлари, комил инсон ғояси, маънавиятнинг алоқадорлик хусусиятлари ёритилган<sup>7</sup>.

Ортиқхўжаев М. нинг “Маънавий уйғунлик” асарида табиат, жамият, инсон уйғунлиги масалалари, комил инсон хислатлари каби хусусиятлар ёритилган<sup>8</sup>.

Иккинчи гуруҳ олимларга санъат, унинг турлари, ривожланиш жараёнлари ҳақида асарлар ёзган олимлар киради.

Профессор И.М.Жабборовнинг тадқиқотларида ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва унинг этномаданиятида, турмуш тарзида содир бўлган эволюцион жараёнлар, санъат равнақи очиб берилган.<sup>9</sup>

---

<sup>4</sup> Куронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2005 й. Миллий тарбия.–Т.: Маънавият, 2006 й.

<sup>5</sup> Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат – Т.: Янги аср авлоди, 2008 й. Маънавият асослари. – Т.: 2002 й.

<sup>6</sup> Қодиров С. Илм ва маънавият.-Т., М., 2004 й

<sup>7</sup> Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари.-Т.,Ш.,1996й., Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.-Т.,Ш.,1999й., Миллий маънавиятимиз асослари.-Т.,2006й.

<sup>8</sup> Ортиқхўжаев М. Маънавий уйғунлик,-Т.,М.,2006й

<sup>9</sup> Жабборов И. Ўзбеклар,-Т.,Ш.,2008 й

Абдуллаев Н. нинг “Санъат тарихи” асарида санъатнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққий этиши кўрсатиб ўтилган<sup>10</sup>.

Кабиров Ж. нинг “Сармишсой қоя тошларидаги расмлар” асарида аждодлар томонидан яратилган қоя тош тасвирларининг мазмун-моҳияти ҳақида фикрлар юритилган<sup>11</sup>.

Ойдинов Н. нинг “Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар” асарида санъат тушунчаси, унинг таърифи, мазмун-моҳияти, тасвирий санъат турлари ва жанрларига, такомил босқичларига тўхталган<sup>12</sup>.

Холмирзаев А. нинг “Зараутсой тилсимлари” асарида мезолит даврига оид Зараутсой қоя тош тасвирлари, унда акс этган ғоя ва фикрлар, ўша давр инсонининг онг ва тафаккур даражаси ҳақида ёзилган<sup>13</sup>.

Учинчи гуруҳга, маънавий-руҳий камолотни санъат ва бошқа соҳалар билан алоқадор тамонларини ўрганган олимларни киритишимиз мумкин.

Алиев А. “Маънавият, Қадрият ва Бадиият”<sup>14</sup>, Умаров Э. “Санъатнинг маънавий асослари”<sup>15</sup>, Имомназаров М. “Миллий маънавиятимиз асослари”<sup>16</sup>, Тўхтаев Н. “Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома”<sup>17</sup>, Сулоймонова Ф. “Шарқ ва Ғарб”<sup>18</sup>, ва бошқа олимлар бу мавзунини баъзи жиҳатларини ёритишган.

#### **Тадқиқотнинг мақсади:**

Тадқиқотнинг мақсади санъат тараққиётида маънавият омилини очиб бериш ва бу жараёнда демократик жамият қуришдаги аҳамиятини кўрсатиш.

---

<sup>10</sup> Абдуллаев Н. Санъат тарихи,-Т.,2001 й.

<sup>11</sup> Кабиров Ж. Сармишсой қоя тошларидаги расмлар,-Т.,Ў.,1976й.

<sup>12</sup> Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар,-Т.,Ў.,1997 й.

<sup>13</sup> Холмирзаев А. Зараутсой тилсимлари,-Т.,Ш.,2003й.

<sup>14</sup> Алиев А. Маънавият,Қадрият ва Бадиият,-Т.,А.,2000й.

<sup>15</sup> Умаров Э. Санъатнинг маънавий асослари,-Т.,2008 й.

<sup>16</sup> Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари,- Т.,Ф.ж.,2006 й.

<sup>17</sup> Тўхтаев Н. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома,-Т.,2002й.

<sup>18</sup> Сулоймонова Ф. Шарқ ва Ғарб,Т.,Ў.,1997й.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- санъатнинг мазмун-моҳияти тушунчаси, ривожланиш жараёнларини ўзига хос ёндашувлар билан таҳлилий ёритиб бериш;
- маънавият ва санъатнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари тарихий илдизларга боғлиқлиги ва унинг жамият тараққиётида намоён бўлишини кўрсатиб бериш;
- маънавиятнинг такомил босқичларида санъат тараққиёти уйғунлигини ўрганиш ва уни амалий аҳамиятини очиб бериш;
- ўзбек халқи маънавий камолотини санъатнинг истиқболдаги ўзгаришларига таъсири ҳақида муайян хулосалар чиқариш.

### **Тадқиқотнинг назарий методологик асослари:**

Маънавият ва санъат тушунчаларининг ўзаро алоқадорлик хусусиятларни илмий асосларда тадқиқ этишда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг асарлари жумладан, “Юксак маънавият енгилмас куч” асари муҳим аҳамият касб этади. Ж. Кабиров, А. Холмирзаев, Н. Ойдинов, И. Жабборов, Э. Умаров ва бошқа шу каби олим ва файласуфларни илмий фаолиятлари орқали қўлга киритилган илмий натижаларига таянилди. Шунингдек мамлакатимизда самарали илмий фаолият олиб бораётган файласуф олимларимиз М. Қурононов, А. Эркаев, Н. Қувватов, С. Отамуродов, И. М. Жабборов, У. Х. Қорабобоев, Т. Махмудов ва бошқаларнинг ўзбек халқининг маънавияти ва руҳий камолоти масалаларига доир бир қанча илмий фикр мулоҳазаларига таяниб мустақил фикр юритишга ҳаракат қилинди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

- Малакавий битирув ишида санъатнинг тараққиётида маънавият омили масаласи илк бор алоҳида таҳлил объекти сифатида ўрганилди. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- санъат тушунчаси, унинг ижтимоий-маънавий эстетик ходиса эканлиги ёритиб берилди;

- маънавият ва санъатнинг ўзаро нисбати ўзига хос тарзда таҳлилий ёндашувлар орқали ёритиб берилди;

- маънавиятнинг санъат турлари билан ўзаро алоқадорлик хусусиятлари ва маънавият таъсирининг санъат ривожига намоён бўлиши ва унинг амалий аҳамияти очиб берилди;

- мустақиллик йилларида маънавият борасидаги ўзгаришлар ва унга берилаётган эътиборнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди;

-маънавий камолотнинг санъатдаги инъикоси илмий таҳлил асосида очиб берилди.

### **Тадқиқотнинг предмети ва объекти:**

Тадқиқотда предмет сифатида маънавият, унинг юксалиши олинган бўлса, тадқиқотнинг объекти сифатида маънавиятнинг санъат тараққиётидаги тутган ўрни ва роли олинган.

**Тадқиқотнинг методлари** илмий билимнинг объективлик, тарихийлик, умумий алоқадорлик, ворислик, миллийлик ва умуминсонийликнинг бирлиги тамойиллари асосида қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, аналогия ва умумлаштириш каби усуллардир.

### **Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти:**

Илмий тадқиқот натижаларидан хулоса, таклиф ва тавсияларидан олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли ўқув юртлари ва ижтимоий соҳа факультетларида, академик лицей, касб ҳунар коллежларида, “Фалсафа”, “Ижтимоий фалсафа”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик”, “Миллий истиқлол ғояси”, “Этномаданият” “Маданиятшунослик”, “Ўзбекистон маданияти ва санъати” каби махсус курс ва фанларидан дарс ўтишда самарали фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми:** Малакавий битирув иши 104 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат

### **Фойдаланилган адабиётларнинг таҳлили:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (-Т.:2010) (1) мамлакатимизнинг асосий қонунлари, хусусан фуқаролар, миллат ва элатлар тенглиги ва уларнинг маданияти, урф-одати, қадриятлари, анъаналари, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилиши ҳақида фикрлар билдирган.

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонуни (-Т.: 1997) (2) да таълимнинг босқичлари, мақсад ва вазифалари баён этилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (-Т.: 1997), (3) да ҳам миллий таълимнинг мақсад ва вазифалари баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (-Т.:1992) (4) асарида республикаимиз мустақиллигидан кейинги миллий-маънавий тикланиш концепциясининг устивор вазифалари баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон – келажак буюк давлат” (-Т.: 1992) (5) асарида мамлакатимизни буюк давлатга айланишининг асослари баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (-Т.: 1997) (6) асарида Ўзбекистондаги таҳдидлар уларни бартараф этиш масалалари ёритилган.

И. А. Каримовнинг жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” (-Т.: 1998) (7) асарида мафқуранинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (-т. 2000) (10) асарида миллий ғояни инсон онгига сингдириш масалалари баён этилган .

И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” (-Т.:2008) [14] асарида халқимизнинг маънавиятлилиги, маънавиятнинг инсон, жамият, миллат ҳаётидаги ўрни ва санъатдаги аҳамияти баён этилган.

И.А.Каримовнинг “Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор” (-Т.: 2009 ) [15] асарида адабиёт маънавиятнинг таркибий қисми эканлиги, унинг вазибалари баён этилган.

А. Бегматовнинг “Маънавият фалсафаси ёхуд И.А.Каримовнинг асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши” (-Т.: 2000) [17] асарида маънавият фалсафасининг мазмун моҳияти таҳлил қилиниши.

Ҳ.Бобоев, З. Ғофуровнинг “Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тарихи” (-Т.:2001) [18] китобида юртимизда маънавий, сиёсий тараққиёт таҳлил қилинган.

А. Жалиловнинг “Мустақиллик маъсулияти” (-Т.: 1996) [21] тўпламида мустақилликнинг муҳим масалалари ҳақидаги мақолалар берилган.

А. Иброҳимовнинг “Биз ким, ўзбеклар....” (-Т.:1999) [23] китобида ўзбек халқи ва унинг аجدодлари ҳақида туркум мақолалар берилган.

А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраевларнинг “Ватан туйғуси” (-Т.: 1996) [24] тўплamlарида кўплаб атама , тушунчаларнинг мазмуни – моҳияти таҳлил қилинган.

М.Имомназаровнинг “Маънавиятимизнинг такомил босқичлари” (-Т.:1996) [25] асарида ўзбек миллий маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши баён этилган.

М.Имомназаровнинг “Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар” (-Т.:1996) [26] асарида маънавиятимизнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Исматуллох Абдуллохнинг “ Маънавият ва маърифат ” (-Т.:1996) [27] асарида маънавият ва маърифатнинг инсон ҳаётидаги ўрни таҳлил қилинган.

И. Каримовнинг “ Миллат шаъни” ( -Т.:2005) [28] рисоласида миллатнинг хусусиятларини таҳлил қилинган.

А. Мавруловнинг “Маънавий баркамол инсон тарбияси ” (-Т.: 2008) [29] рисоласида баркамол инсон тарбиясида маънавиятнинг роли баён этилган.

“Миллий ғоя ва раҳбар маънавияти” (-Т.: 2007) (31) тўпламида маънавият ва унинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни, маънавий таҳдидлар ҳақида фикрлар билдирилган.

“Мустақиллик. Изоҳли илмий – оммабоп луғат (-Т.:2009) (32) китобида мустақиллик даврининг долзарб тушунчалари баён этилган.

С. Отамуродовнинг “Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш” (-Т.: 2003) (34) китобларида миллий масала, миллий тикланиш масалалари ёритилган.

Ж. Тўленов, З. Ғафуровларнинг “Мустақиллик ва миллий тикланиш” (-Т.: 1996) (35) асарларида мустақиллик даврида миллий тикланишга доир масалалар талқин қилинган.

А. Эркаевнинг “Маънавият – миллат нишони” (-Т.: 1999) (39) китобида миллий маънавият масалалари таҳлил қилинган.

А. Эркаевнинг “Миллий ғоя ва маънавият” (-Т.: 2002) (40) асарида миллий ғоя ва маънавиятнинг ўзаро алоқаси, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни баён этилган.

Эркаев А. нинг Тафаккур эркинлиги. – (Т.: Маънавият, 2008) китобида миллий тафаккуримизнинг ижобий ва қолоқ жиҳатлари, миллий-маънавий руҳиятимизни юксалтиришнинг устувор вазифалари келтирилган.

Қуронов М. нинг Ўзбек характери ва миллий ғоя. – (Т.: Маънавият, 2005) китобида ўзбек менталитети, унинг юксалишида миллий ғоянинг ўрни ва роли келтирилган.

Қуронов М.нинг Миллий тарбия.–(Т.: Маънавият, 2006) китобида тарбия асослари, миллат ёшлари тарбиясининг юксалиш аспекти берилган.

Отамуродов С. нинг Глобаллашув ва миллат – (Т.: Янги аср авлоди, 2008) асарида глобаллашув жараёнлари, унда миллатлар тараққиёти ҳақида фикрлар келтирилган.

Отамуродов С ва бошқ. нинг Маънавият асослари. – (Т.: 2002) китобида маънавият тушунчаси, унинг таърифи, санъат ва адабиёт билан боғлиқлиги, такомил босқичлари, маънавий баркамол инсон таърифи, комил инсон ғоясининг таҳлили берилган.

Қодиров С. нинг Илм ва маънавият.- (Т., М., 2004) китобида маънавият таърифи, комил инсон тарбиясидаги ўрни берилган.

Имомназаров М. нинг Миллий маънавиятимиз асослари,- (Т., 2006) китобида маънавият, унинг маъно-мазмунни, такомил босқичлари, инсон ва жамият равнақидаги аҳамияти, бошқа соҳалар билан ўзаро алоқадорлиги масалалари таҳлил этилган.

Ортиқхўжаев М. нинг Маънавий уйғунлик,- (Т., М., 2006) китобида табиат, жамият, инсон ўртасидаги ўзаро уйғунлиги муносабатларида маънавият талқини берилган.

Жабборов И. нинг Ўзбеклар,- (Т., Ш., 2008) китобида ўзбек халқининг анъанавий турмуш тарзи, урф-одатлари, тасвирий ва амалий санъат турларининг ривожига ҳақида фикрлар берилган.

Абдуллаев Н. нинг Санъат тарихи,- (Т., 2001) китобида санъат тушунчаси, унинг шаклланиш-ривожланиш тарихи, турлари, инсон, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Кабиров Ж. нинг Сармишсой қоя тошларидаги расмлар,- (Т., Ў., 1976) китобида сармишсой қоятош тасвирларининг яратилиши, маъно-мазмунни ҳақида фикрлар келтирилган.

Ойдинов Н. нинг Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар,- (Т., Ў., 1997) китобида тасвирий санъат турларининг тараққиёт босқичлари баён этилган.

Холмирзаев А. нинг Зараутсой тилсимлари,-(Т.,Ш.,2003) китобида Зараутсой қоятош тасвирларининг мазмун-моҳиятини умуминсоний, қиёсий таҳлилини келтирган.

Алиев А. нинг Маънавият,Қадрият ва Бадиият,-(Т.,А.,2000) китобида санъатнинг миллийликка хос хусусиятлари ва миллат онгини шакллантиришдаги аҳамияти талқин қилинган

Умаров Э. нинг Санъатнинг маънавий асослари,-(Т.,2008) китобида санъатнинг мазмун-моҳияти, инсон маънавияти юксалишидаги ўрни баён қилинган.

Тўхтаев Н. нинг Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома,-(Т.,2002) китобида Республикамиздаги санъатнинг тадрижий ҳолати акс этган.

Сулаймонова Ф. нинг Шарқ ва Ғарб,(Т.,Ў.,1997) китобида шарқ ва ғарб олимларининг фан, маданият ва санъат ривожига қўшган ҳиссаси қиёсий баён этилган.

### **III. Асосий қисм:**

#### **1-БОБ. Санъат тараққиётида маънавий омили ва унинг назарий методологик асослари.**

##### **1.1. Санъат – ижтимоий-маънавий ва эстетик ҳодиса**

Санъат кенг маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусиқа, рақс, назмни санъат деб билишган. Ўрта асрларга келиб эса унинг таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда «санъат» сўзи воқеликни бадий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш, «ишнинг кўзини билиш» ва «махорат кўрсатиш жараёни», «ҳар қандай ишнинг ўзи ва у талаб қиладиган маҳорат даражаси» маъноларида қўлланилади.

Санъат асарларини кучи унинг халқчил ва тушунарлилигида, кишилар ички-руҳий дунёсига, эмоционал таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда санъатнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ёш авлод маънавий тарбиясида ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш унинг таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади.

Санъат тушунчасининг бундай кенг маънода талқин этилиши бежиз эмас, зеро, санъат инсонинг ижодий меҳнати, ақл-идроки, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалар мажмуидир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англантиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Санъат, албатта, инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир.

Санъат кенг маънода санъат асарлари (бадий қадриятлар), шунингдек, уларни яратиш (бадий ижод қилиш) ва истеъмол (бадий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. Санъат ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Қадимий Марказий Осиё худудида, Испания, Саҳрои Кабир ва бошқа бир қатор ўлкаларда учрайдиган қояларга ўйиб

туширилган ҳайвонлар тасвирлари ҳозирги давр нуқтаи назаридан ҳам эстетик қийматга эгадир. Уларда ҳар бир нарса турининг мезонига мос ижод қилиш, яъни ижод қонунларига риоя қилиш, мутаносиблик, уларни яратиш жараёнида олинадиган қувонч каби эстетик фаолиятнинг муҳим белгилари ифодаланганлиги билан аҳамиятга эга.

Бадиий фаолият куртаклари эстетик эҳтиёж туфайли пайдо бўлган. У секин-аста бадиий эҳтиёжларни қондириш тарзида алоҳида намоён бўлиб борган. Шу асосда ақлий ва жисмоний меҳнат уйғунлашиб, санъат соҳасида ҳам ўзига хос шаклда ривожланган. Ақл-идрок ва қўл фаолияти мутаносиблиги ажойиб, ҳайратомуз санъат мўъжизаларини яратишга олиб келган.

Кишиларнинг биргалашиб фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёжи ўзаро ахборот айрибошлаш заруриятини келтириб чиқарган. Бу эса ўз навбатида, инсон ҳис-туйғуларининг ҳамоҳанг, мутаносибликда доимий тарзда ривожланиб, такомиллашиб боришига олиб келган. Масалан, бургутнинг кўзи узоқ-узоқларни кўра олади. Лекин инсон бургутга нисбатан нарсаларнинг кўпроқ томонларини кўриш, англаш, сезиш, ҳис қилиш қобилиятига эгадир. Қулоқ мусиқа оҳанглариини илғаш, кўз нарсаларнинг шаклини ажратиш учун хизмат қилганидек, инсоннинг воқеий ҳаётдан лаззатланиш қобилиятини рўёбга чиқарадиган бошқа ҳис-туйғу аъзолари ҳам ҳайвонларникидан кескин фарқ қилади.

Инсон бадиий ғояларнинг моддий ифода топиши учун зарур бўлган қурол ва воситалар яратиб, ўз кундалик ҳаёти мазмунини бойитишга интилади. Кишилар узоқ ўтмишда тош қуроллар ёрдамида илк нақшларни чизишган, қояларга турли тасвирлар туширишган. Демак, санъат меҳнат билан уйғун тарзда ривожланиб борган. Шу боис бадиий фаолият шакллари инсон меҳнати заминида вужудга келиб, бевосита меҳнат жараёнлари билан узвий боғланиб кетган.

Бадиий фаолиятнинг энг қадимги шакллари бир-биридан ажралмаган ҳолда яхлит тарзда ибтидоий жамоа маданиятини намоён этган. Афсонавий

тафаккур бир вақтнинг ўзида ҳам соғлом, ҳам заиф хаёлпарастликни ўзида бирлаштиради. Асотирда инсоннинг заифлиги, ожизлиги акс этиб, илм-фан, эстетик тасаввурлар куртаклари, ахлоқий қадриятларнинг энг содда қоидалари ва шу билан бирга, турли янглишишлар, «маън қилиш»лар намоён бўлади.

Асотирда диний мазмун кенг ўрин олган. Миср афсоналари асосан диний ибодат мазмунига эга эди. Юнон афсоналаридаги диний мазмун юнон санъати асосини ташкил этган.

Бадий фаолиятда диний ибодат билан боғлиқ жиҳатлар асосий бўлиб, фойдали – амалий томонлар билан қўшилиб кетган. Масалан, қадимги одамлар ёввойи ҳайвонларни камон ўқи билан санчиб тасвирлаш орқали ўзларининг бўлажак овда муваффақиятга эришишлари муқаррарлигини намойиш этмоқчи бўлганлар. Шу тариқа эстетик фаолият воқеликни билишга асосланган ва қадимги одам онгида билиш билан афсона чирмашиб, яхлит бир шакл кашф этган.

Қадимги эстетик маданият ёдгорликларининг мавзу йўналиши ҳам диққатга сазовордир. Асосий тасвир (қоя суратлари) ва тақлид (рақслар) учун овчилик билан боғлиқ ҳайвонлар объект қилиб олинган. Қадимги аждодларимиз буқа, фил, кийик тасвирларини яратиш билан улар ҳақидаги тасаввурларини гавдалантиришган ва чуқурлаштирган.

Инсоният тарихидаги дастлабки санъат асарлари мураббийлик-тарбиячилик вазифасини ҳам бажарган. Тасвирлар, нақшлар, рақслар, эртак-афсоналарда авлоддан авлодга ўтиб турган амалий, ахлоқий, эстетик тажриба мужассамлашган эди. Бадий фаолиятнинг илк шакллари уюштирувчилик, бирлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажарган. Яшаш учун кураш мақсадида жипслашган, бирлашган бутун жамоа хатти-ҳаракатлари, уринишлари воситасида қўлга киритилиши мумкин бўлган ғалаба-овда ҳайвон устидан ғолиб бўлиш манзараси акс эттирилган. Бу тасвирлар ҳам

қадимги одамларнинг жамоа бўлиб бирлашишида энг муҳим омиллардан бири бўлган.

Инсон бадиий фаолиятининг илк намуналари бўлган суратларда санъатнинг жуда кўп белги ва хусусиятлари кўриниб туради. Лекин уларда якка шахс омили етишмайди. Қадимги одамлар фақат уруғ ва қабила учун умумий бўлган ҳис-туйғу ҳамда тасаввурлар билан яшаган, ўзини воқеликдан ажратолмаган. Санъат эса бошидан охиригача шахсдан бошланади, шахс билан шаклланади, шахс билан қадр топади. Шахс санъат ижодкори, бадиий кадриятлар яратувчиси бўлиши билан бирга, у санъатнинг асосий объекти ва мавзусидир.

Санъатнинг ижтимоий мазмуни халқчиллик тушунчаси орқали намоён бўлади. Бу тушунча ҳозирги шароитда муҳим аҳамиятга эга. Умуминсоний ва миллий манфаатлар ҳамда кадриятларга амал қилиш санъат халқчиллигини таъминлайди.

Санъатда халқчиллик муаммоси муҳим ўрин тутди. Халқчиллик тушунчаси ворисийлик, тарихийлик, миллийлик, умуминсонийлик тушунчалари билан назарий ва амалий жиҳатдан узвий боғланиб кетган. Санъатда халқчиллик асарнинг эстетик қийматини белгилаб беради. Айни пайтда у тарихий тараққиёт эҳтиёжлари кўрсаткичи саналади. Халқнинг орзумидларини қарор топдиришга хизмат қиладиган асарлар халқчил асарлардир.

Санъатнинг халқчиллиги деганда халқ тушунчасининг ўзига алоҳида тўхталмоқ зарур. Халқ, энг аввало, моддий ва маънавий бойликлар яратишда фаол қатнашадиган одамлар гуруҳи бўлиб, асосий ишлаб чиқарувчи куч сифатида таърифланади.

Халқчиллик тушунчаси санъат равнақининг йўналишларини тавсифлашга ёрдам беради. Мазкур йўналишлардан илк бор халқ ижоди ажралиб чиққан. Халқнинг ўзи яратган ва идрок қиладиган бадиий фаолият турлари ва кўринишлари мажмуига халқ ижоди дейилади. Халқ оғзаки

ижоди, халқ мусиқаси, халқ рақслари, халқ амалий санъати, халқ бадиий хунармандчилиги, халқ меъморчилиги ва бошқалар унинг хиллари ва кўринишларидир. Одатда, бу хил санъат асарларининг муаллифи ким эканлиги аниқ бўлмайди. Уларда анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар катта аҳамият касб этади. Халқ ижоди-ижтимоий тараққиётнинг бошланғич босқичларида санъатнинг бирдан бир шакли бўлган. Унда санъатнинг халқчиллик табиати нисбатан содда тарзда намоён бўлиб, у халқ турмуш тарзининг хилма-хил қирраларини қамраб олган.

Ижтимоий гуруҳлар пайдо бўлганидан сўнг санъатнинг халқчиллик табиати анча мураккаб ва зиддиятли тарзда намоён бўла бошлаган. Жамиятда синфий табақаланишнинг чуқурлашуви, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши, ақлий меҳнатнинг моддий жиҳатдан ҳукмрон табақа «мулки»га айланиб бориши натижасида санъатнинг мазмуни, функциялари соҳасида гўё иккига бўлиниш юз бергандай туюлди. Халқ бадиий ижодиёти таркибидан «касб-кор санъати» ва унинг турли соҳаларининг алоҳида ажралиб чиқиши жамиятни ўзига хос эстетик «дармонсизлантириш»га олиб келгандай бўлди. Шунини таъкидлаш керакки, санъат соҳасидаги бундай «шохлаб кетиш» унинг батамом бўлакларга ажралишини билдирмасди. «Касб-кор санъати» энг юксалганда ҳам халқ ижоди ва донишмандлигидан баҳраманд бўлган. Ўзбек халқининг Алпомиш, Гўрўғли, Маликаи айёр, Кунтуғмуш, Авазхон, Равшанхон, Хўжа Насриддин, Алдар кўса каби қаҳрамонлари образи даставвал халқнинг жамоавий онгида вужудга келганлиги, даҳо ижодкорлар томонидан кейинчалик қайта ишланиб сайқал топганлиги маълум. Навоий, Машраб, Муқимий, Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Қаҳҳор каби ўзбек ижодкорлари асарларида халқ ўлмас руҳининг фавқулодда юксак бадиий инъикосини кўришимиз мумкин.

Санъатнинг халқ билан алоқаси унинг «касб-кор санъати»га улкан таъсири билан чегараланиб қолмайди. Халқ фақат ишлаб чиқаришда эмас, балки бадиий маданиятнинг равнақ топишида ҳам ҳал қилувчи ўрин

эгаллайди. Бадиий қадриятларни халқ орасидан чиққан истеъдод соҳиблари яратадилар. Халқ ҳаётини, унинг орзу-умидларини, мақсад-интилишларини ҳаққоний тарзда акс эттирган санъатгина халқчил бўлади.

Санъатдаги халқчиллик ҳаққонийлик руҳи билан ҳамоҳангдир. Чунки ҳаққонийлик халқнинг мақсад-интилишларига мос келади, унинг маънавий равнақи ва ахлоқий барқарорлигига хизмат қилади. Халқчиллик билан ҳаққонийлик ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бадиий асар тўқимасига сингдирилган бадиий ҳақиқатда ўзига хос гавдаланади.

Санъат халқнинг муайян тарихий ривожланиш босқичида ижобий маънавий куч сифатида эл манфаатига хизмат қилиши билан катта ижтимоий функцияни бажаради». «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида алоҳида таъкидланганидек, «ижодкорларни мураккаб ва шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини, бугунги ҳаёт воқелигини, олижаноб орзу-умидларимизни акс этдирадиган адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга ҳар томонлама рағбатлантириш»<sup>1</sup> ана шундай асарлар яратишга олиб келади.

Санъатнинг халқчилиги унда умуминсоний қадриятлар қай тарзда акс этишига ҳам боғлиқдир. Санъаткор ижодида умуминсоний қадриятларнинг, инсонпарварлик руҳининг барқарор бўлиши унинг асарлари халқчилигини белгилайдиган асосий мезондир.

Санъат халқчилигининг яна бир жиҳати муайян асарнинг халқ орасида қанчалик кенг тарқалганлиги –«оммалашганлиги» билан ҳам изоҳланади. Санъаткор доим оммадан сал олдинроқда юргандагина ўзининг юксак яратувчилик бурчини бажара олади. Масалан, Чингиз Айтматов асарлари ана шундай хусусиятга эга.

Санъат оммавийликка қарама-қарши турмайди, балки уни ўз бағрига сингдириб олади. Санъатда ҳамма халқчил асарлар бора-бора «умумхалқ» сифат даражасини олиб, оммалашиб кетиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Тошкент, «Ўзбекистон»,2000, 64-65 бет.

Шундай қилиб, халқчиллик мураккаб ва кўпқиррали тушунча бўлиб, у халқ амалий санъатини, меҳнатини, турмуш тарзини, интилишлари ва орзу-умидларини ҳаққоний тарзда акс эттириш омилларидан биридир.

Санъат ривожланиши жараёнида ижтимоий табақаланиш таъсиридан холи бўла олмайди, албатта. Мақсад-манфаатлари турлича ижтимоий кучларнинг кураши нисбати, муайян эстетик орзу-умидларни барқарор этишга қаратилган ранг-баранг интилишлар, мавжуд ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ёки инкор этиш, мақсад-манфаатлар кураши санъаткор дунёқарашига таъсир ўтказиши, ҳукмрон доираларнинг бадий сиёсати, буларнинг барчаси санъаткорнинг дунёқарашини, позициясини, воқеликни бадий инъикос этиш тамойиллари, умуман санъат табиатининг гоят нозик, ўта мураккаб бўлишига олиб келиши мумкин.

Санъаткор ижод қилаётганида, унинг олдида ҳаётнинг мураккаб, зиддиятли, жозибали, эҳтиросларга тўла манзараси гавдаланади. У бу манзарани санъатда ифодалашга интилар экан, ўз даври, ўз миллати, ўз эътиқодининг фарзанди бўлиб қолаверади. Бадий акс эттиришнинг кўламини санъаткорнинг ҳаётни қанчалик кенг ва чуқур билишига, бу билим унинг фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуларига қанчалик сингиб кетганлигига боғлиқдир. Бунинг устига даврнинг мавжуд мафкураси ҳам санъаткор фаолиятига доимий тарзда тазйиқ ўтказиб туради. .

Санъат асарларида ифодаланган умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги мустақил Ўзбекистон бадий маданияти равнақида янада ёрқинроқ намоён бўлиши учун реал маънавий асослар мавжуд, албатта.

Санъат худди фан сингари ўз мавзу доирасида беқиёс билиш-англаш имкониятларига эга. Лекин санъатнинг бадий билиш-англаш жараёни ўзига хос хусусиятлар доирасида содир бўлади. Санъат воқеликни бадий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради.

Санъат учун инсон ўзининг биологик, руҳий, ижтимоий-гуруҳий, миллий-аждодий ва соф яқка ҳолдаги барча белги ва хусусиятлари

жиҳатларига кўра бош мавзу бўлиб хизмат қилади. Санъат воқеликнинг барча жозибали бойликларини, кўркамлигини қамраб олишга қодир. Айни вақтда бу воқелик ижтимоий шахс бўлиб етишган инсоннинг туб эҳтиёж ва манфаатлари инъикоси сифатида ифодаланиши лозимдир.

Ҳозирги илмий-техника инқилоби деб аталган умумбашарий ҳодисанинг турли кўринишлари ва йўналишлари руҳшунослар, жамиятшунослар, иқтисодчилар ва бошқа фанлар соҳалари мутахассислари асарларида ифодаланмоқда. Фан ва техника инсон ҳаётида қандай улкан аҳамият касб этишидан қатъий назар, санъатда устувор мақомга эга бўлиши мумкин эмас. Санъатда фан билан боғлиқ муаммолар, яъни инсоний фаолият-бошқарув ҳодисалари ҳис-туйғули маънодан маҳрум этиб тасвирланса, у ерда санъат бўлмайди. Санъат ҳиссиётлар, туйғулар билан тирик, у ҳиссий таъсир этиш, ибрат кўрсатиш, тарбия бериш қудратига эгадир.

Санъатда инсон ҳамма вақт ҳам бевосита ифодаланмайди. Масалан, санъатнинг манзара тасвири ёки натюрморт турида инсон образси ифодаланмайди. Лекин бу ҳол мазкур санъат асарларида инсон акс этмайди, дегани эмас. Манзара тасвири инсон ҳис-туйғуларининг энг нозик ва энг жозибали қирраларини намоён этади. Масалан, Ўрол Тансиқбоев, Неъмат Аҳмедов, Малик Набиев, Рўзи Чориев каби мусаввирларнинг манзарали ранг тасвир асарлари кишида маъюслик, шодлик, ташвишли эҳтирос, кўтаринки руҳ, ҳаётбахш орзу-умидлар, ижодкорлик ва яратиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

Тасвирий санъатнинг натюрморт тури кўпроқ жонсиз нарсалар – мевалар, гуллар, ичимликлар тасвиридан иборат бўлса-да, бу хил асарлар мавзуси ҳам барибир инсон ва унинг ҳаётидир. Голланд мусаввири Вилем Хеданинг «Сомса ва нонушта» натюрмортида ўта маҳорат билан чизилган қадах, ғижимланган дастурхон, унга тўкилган май тасвирларини кўздан кечиран эканмиз, картинадан нафақат шиша, дастурхон кўринишини, эҳтиётсизликдан тўкилган майни, балки инсоннинг илиқ нафасини, унинг

махоратли қўллари мазкур манзарани яратганини аниқ ҳис этамиз. Бизни ҳозиргина содир бўлган инсон драмасини сезиш ҳисси чулғаб олади.

Шундай қилиб, санъат бизда инсонинг ўзини тасвирлаш орқали ҳам, унинг атрофидаги ҳодисаларни акс эттириш орқали ҳам муайян туйғулар уйғотади. Санъат инсонни бевосита акс эттирмаса-да, барибир унинг бирор нарсага муносабатини, унга нисбатан инсонийлик мезонини ифодалайди. Бинобарин, баҳолашда инсон моҳиятини англашга қаратилган билиш ҳолати ҳамиша мавжуддир. Санъат нарсалардан, табиат ҳодисаларидан инсон учун аҳамиятли бўлган маъно излайди, қидириб топади ва кўрсатади. Санъат воқеликнинг ҳар қандай кўринишларидан ижтимоий маъно пайдо қилади.

Санъат воқеликдаги барча бадиий қадриятларни қамраб олар экан, воқелик ҳам санъат мавзуси бўлиб хизмат қилади. Мазкур нуқтаи назар инсон санъат мавзуси орқали ўзининг табиатга, дунёга хилма-хил муносабатларини намойиш этади, деган қарашга зид келмайди. Инсон дунёни эстетик қадрият сифатида инъикос этар экан, воқеликдаги алоқалар, муносабатларни ҳам тўлалигича идрок қилади.

Санъат воқеликка қадриятли муносабатнинг тимсоли сифатида билишнинг муайян турини англатади. Чунки объектив қадриятларни эстетик англаш ҳам билиш жараёнининг таркибий қисмидир. Санъат тасвирланаётган нарсалар, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беради, инсон руҳий ҳолатини ифодалайди.

Санъат билан фан бир-бирига яқин бўлишига қарамай, табиийки, бирининг ўрнини иккинчиси босолмайди. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи, Иззат Султоннинг «Имон» драмаси матнлари тарихий тадқиқотлардан олинган маълумотларнинг сифат даражасини бермайди ва буни ўз олдига мақсад қилиб ҳам қўймайди. Айни пайтда муайян тарихий тадқиқотларнинг ҳам «Ўткан кунлар», «Имон» асарларидаги маълумотлар ўрнини боса олмаслиги тайин. Санъатнинг фандан устувор имкониятлари шундаки, у тарихий жараёнларни, халқ ҳаётини яқка олинган

шахслар тақдири орқали ифодалайди. Санъат инсон ҳаётининг фан кучи етмайдиган сирли томонларига кира олиш, инсон хулқ-атворлари сабабларининг тагига етиш, инсоннинг ўзига, одамларга, табиатга бўлган муносабатини аниқлаш қудратига эга. Санъат мавзуси унинг билиш-англаш доирасини торайтирмайди, балки воқеликни кенг англаш, унинг умумманфаатли томонларини идрок этишни тақозо қилади. Бу умумманфаатли томонлар сирасига фақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатларгина эмас, балки жамият маънавий ҳаётининг барча қадриятлари ҳам киради.

Санъат инсон кўз ўнгида жамият маънавий ҳаётининг барча мураккаблиklarини, эҳтиросларини, қарашлар жозибасини, зиддиятли кайфиятларни ўзига хос тарзда гавдалантиради.

Санъат тарихий тараққиёт жараёнида ҳамиша ижтимоий эҳтиёжларни қондириб келган. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг махсус соҳаси, ҳам ижтимоий онгнинг бир шакли, ҳам ўзига хос билим соҳаси, ҳам ижодий фаолиятнинг бир кўриниши саналади.

Санъат аввало ижтимоий онг шаклидир. Унинг бошқа барча тавсифлари ана шу сифатдан келиб чиқади ва шу таҳлилга асосланади. Санъат ижтимоий турмуш жараёнлари билан боғлиқ. Бу қадимги одамларнинг моддий ва маънавий бойликлар яратишда, яъни ўзларига маъқул, кўнгилларига хуш келадиган нарсалар яратишга бўлган иштиёқларида яққол кўзга ташланади. Ижтимоий турмуш санъатнинг ривожланишига бевосита таъсир ўтказа борган. Кейинчалик эса ижтимоий тузилмалар, фалсафий-диний, сиёсий қарашлар, ахлоқий қоидалар, маънавий қадриятлар орқали ҳам таъсир ўтказган.

Санъатнинг жамият ҳаётида нисбий мустақил тарзда амал қилиши ворисийлик қонуниятининг намоён бўлиши билан ҳам боғлиқ. Ижтимоий

онгнинг барча шаклларига тааллуқли бўлган ворисийлик санъатга ҳам хосдир. Ворисийлик жамият моддий асоси билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ҳуқуқий онг соҳаларида кўпроқ намоён бўлади.

Ворисийлик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида мавжуд. Аммо ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи, иқтисодий заминдан анча йироқ бўлган санъатда ворисийлик ёрқин ва кенг намоён бўлади. Санъатнинг ҳамма қирралари, мавзу йўналиши, ғоявий-руҳий қоида ва оҳанглари, ижодий ақидалари, услуби тур ва шакллари, ифода воситаларида ворисийлик, айниқса, бўртиб кўринади.

Ворисийлик ҳеч маҳал ижодкорнинг шахсий «инжиқликлари»га бўйсунмайди. Ҳар бир ижодкор санъатда бирор-бир янги нарса яратар экан, у ўзидан аввалги бадиий, ғоявий-руҳий, услубий ифода воситаларига таяниб, ижод қилади. Ҳатто, санъатда батамом янги йўналиш очаётган даҳо ҳам ҳамма вақт ўзининг ўтмишдошлари «елкасида туриб қаддини ростлаб олади».

Аввалги бадиий меросдан қай даражада фойдаланиш мумкин, қайси қисмини рад этиш керак, деган саволга жавоб беришда ҳам ворисийлик қонуниятларидан келиб чиқилади.

Ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида бўлганидек, санъатда ҳам билиш ва мафкура бир-бири билан чирмашиб, ўзаро боғланиб кетган. Турли тарихий босқичларда ва санъатнинг турли кўринишларида билиш ва мафкура ўзаро мутаносибликда амал қилади.

## 1.2. МАЪНАВИЯТ ВА САНЪАТ, УЛАРНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ.

Санъатнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини белгилаш кўп жиҳатдан унинг маънавий маданиятнинг бошқа шакллари билан алоқадорлиги масаласини аниқлаб олиш билан боғлиқдир. Санъат билан фалсафанинг ижтимоий вазифаларида ҳам муштараклик мавжуд. Маълумки, фалсафа ҳар қандай дунёқарашнинг назарий асосидир. Санъат эса дунёқарашни бевосита эмас, бавосита, яъни бадиий йўл билан шакллантиради. Санъат билан фалсафанинг ҳар бири ўзига хос ифодавий тушунчалар, йўналишлар, услублар, қонунларга, функцияларга эга. Улар ўртасидаги фарқ маънавий маданият ва мафкуравий фаолиятда, воқеликни акс эттириш воситаларида намоён бўлади.

Санъат ўз мазмунини бадиий образлар тимсолида, фалсафа ниҳоятда кенг тушунчалар (категориялар) орқали ифода этади. Санъатнинг моҳият-мазмуни бадиий-образли тафаккур воситасида, фалсафаники эса мантикий тушунчалар орқали ифодаланади. Санъатнинг асосий таъсир кучи инсон маънавий дунёсига, унинг фикр-мулоҳазалари ва ҳис-туйғуларига, фалсафаники ақл-идроққа, маънавий талаб-эҳтиёжларни қондиришга, маънавий маданиятни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Санъат манзараларни, ҳодисаларни бир-бирига конкрет боғлайди, фалсафа уларнинг моҳиятини англашга, қонуниятларини очишга интилади. Санъат бадиий ҳақиқатга, фалсафа эса ҳаётий ҳақиқатга таянади. Шундай қилиб санъат билан фалсафа воқеликни ўзлаштиришда ўзаро алоқадорликда бўлиб, мазмунан олам ва одам манзарасини яратишда бир-бирларини тўлдиради ва бойитади.

Ҳозирги пайтда санъатни ўзига хос тарзда «фалсафийлаштириш» жараёнлари кечмоқда. Улар турли шаклларда намоён бўлмоқда, тўқималарнинг фалсафий ўй-хаёллар билан бойиб бориши санъат билан фалсафанинг ҳамкорлигида янги мазмун касб этмоқда. Масалан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод

асарлари ўзининг бадий юксаклиги, фалсафий фикрларга бойлиги билан ажралиб туради.

Санъат қадим даврлардан дин билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Санъат ва дин ижтимоий онгининг анъанавий-амалий шакллари билан бўлганлиги боис ақидавий яхлитликни ташкил этади. Шунини таъкидлаш жоизки, санъат ва дин заминидан ётган ҳис-туйғулар бир хил маънога эга эмас. Масалан, санъатда ҳам, диний тафаккурда ҳам ҳаёл суриш мумкин. Диний ҳаёл воқеликни мавҳумий, қиёсий тарзда, санъатдаги ҳаёл эса рамз-символларга асосланган ҳолда юз беради, дин кўпроқ илоҳий моҳиятга, санъатда эса дунёвийликка суянади. Гарчанд санъат асарларида илоҳийлик рамзлари бевосита бадий тасвир объекти қилиб олинса ҳам, барибир унда дунёвийлик руҳи сезилиб туради. Санъат асари қайси динга мансуб ижодкор томонидан яратилгани ҳақидаги масала ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Буддизм, яҳудийлик, насронийлик ва ислом каби жаҳон динларининг барчаси санъат билан бевосита боғлиқдир. Диний ибодатлар, маросимлар санъат билан тамсил этилиб, инсон онгига, ҳис туйғусига кучли таъсир ўтказади.

Христиан динининг мавқеи юқори бўлган мамлакатларда одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда унинг эстетик қадриятларидан фойдаланилиб келинганлиги маълум. Дарҳақиқат, Европа санъатининг машҳур асарлари диний ибодат жараёнларини бадий акс этдирган, улар сиғиниш объекти, диний маросимларни ўтказиш ифодаси сифатида хизмат қилган. Масалан, Рублевнинг «Авлиёлар» суратлари, Рафаэлнинг «Сикстина мадоннаси» расми, Бахнинг оратория ва хорлари, Моцарт, Берлиоз, Вердининг марсиялари шундай асарлар жумласига киради.

Бу асарлар илоҳий ва дуёвий ҳис-туйғуларни уйғунлаштира олганликлари билан эстетик қийматга эгадир. Европа Уйғониш даври санъаткорларининг диний мазмундаги «Авлиё-она» (Мадонна), «Хочдан ечиб олиш», «Муқаддас оила», «Сирли кеча» картиналарида аслида инсон

ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, кечинмалари, шунингдек инсон ва у яратган нарсаларнинг гўзаллиги фавқулудда маҳорат билан акс эттирилган. Ҳозирги пайтда ҳам санъатнинг дин билан алоқадорлиги сақланиб қолган, лекин у янгича жиҳатлар касб этган.

Санъат билан ахлоқнинг ўзаро муносабатлари эстетиканинг ўзак масалаларидан бири бўлиб, бу масалага уч услубда ёндашилади. Биринчиси- «ахлоқийлик» услуби дейилади. Бу услуб Европа эстетикасида қадимги юнонлар, жумладан Афлотун, кейинчалик эса Руссо ва Л.Н.Толстой ижодида кенг намоён бўлган. «Ахлоқийлик» услуби тарғиботчилари турли даврларда яшаганига қарамай, улар бадиий ижодни ахлоқ-одобга бўйсундириш, эзгуликни санъатнинг бирдан-бир ва энг олий мақсади сифатида тарғиб этиш билан шуғулланишган. Санъатга ахлоқийлик руҳида ёндашув инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишига хизмат қилади, жамият маънавий-ахлоқий равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи ёндашув санъатни ахлоқдан «озод қилиш» услубидир. Даставвал, қадимги дунё таназзули пайтида вужудга келган бу ёндашув Европада ривожланган капиталистик жамият бағрида мустақил эстетик оқимга ажралиб чикди. Дастлабки пайтларда «ахлоқсиз» ёндашув санъатга Европа буржуа истеъмолчилиги руҳига қарши норозилик тарзида, яъни санъатни ҳукмрон доиралар ахлоқи ва одоби қоидаларига бўйсундиришга қарши курашиш шаклида вужудга келди. Бу Оскар Уайлд, Эдгар По, Бодлер каби ижодкорлар асарларида намоён бўлди. XIX аср охирларидан бошлаб, ошқора эстетик ахлоқсизлик кенг тарғиб қилина бошланди. Масалан, олмон файласуфи Ф.Ницше ахлоқийлик руҳи санъат эркинлигини бўғади, натижада эстетикани ҳалокат ёқасига олиб келади, санъат эзгуликдан ҳам, ёвузликдан ҳам мустасно бўлиши керак, деб уқтирган эди.

Учинчи ёндашув-санъатда ахлоқийлик билан «ахлоқсизлик»ни бирлаштириш услубидир. Бу услубни илк бор Аристотел назарий жиҳатдан асослаган. Кейинчалик у инқилобий демократик оқим тарзида қарор топди.

Мазкур бадий ижод услуби моҳиятида санъатнинг ахлоқий-тарбиявий аҳамиятини юксак баҳолаш мавжуд бўлиб, унда ахлоқий ибтидо эстетик орзуга нисбатан ташқи қобик вазифасини эмас, балки унинг ички таркибий мағзини ифода этади. Бу услубга кўра, санъат ахлоқийликнинг эстетик мактаби бўлиб хизмат қилади, санъат асарларида бадийлик бўлмаса, у ахлоқийликдан маҳрум бўлади. Бошқача айтганда, бадийлик ҳамма вақт ахлоқийликни, ахлоқийлик эса юксак даражадаги эстетик дидни тақозо этади.

Санъат ва маънавият, ахлоқнинг бош мавзуси – инсондир. Санъат воқеликни инсоннинг мақсад-манфаатлари, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари нуқтаи назаридан акс эттирса, ахлоқ инсоннинг ижтимоий алоқалари ва муносабатлари мағзига сингиб кетади. Ҳаётда, муайян жамиятда ахлоқ-одобга алоқадор бўлмаган бирор воқеа-ҳодиса содир бўлмайди. Одамларнинг ўзаро муносабатлари ва муаммолари ахлоқнинг бевосита объекти бўлиб хизмат қилдаи.

Санъат воқеликни акс эттириш жараёнида жамиятда амал қилаётган ахлоқий муносабатларини, одоб қоидаларини, ахлоқий ғоялар ва қарашларни, инсон ички дунёсини, ахлоқий образини ҳам очиб беради. Шу боис санъат инсон ахлоқ-одобининг кўзгусидир, дейиш мумкин.

Инсон воқеликка ахлоқий ва эстетик муносабатда бўлади. Эстетик ва ахлоқий тушунчалар инсон фаолиятини бошқариб туради. Ахлоқий ва эстетик қарашлар боғлиқлиги қадим даврлардаёқ маълум бўлган. Масалан, халқ оғзаки ижодида «эстетика» тушунчаси эзгулик, ахлоқий поклик, гўзаллик тарзида ифодаланади.

Ахлоқий муаммолар мажмуи бадий асар мазмунининг таркибий қисмидир. Айниқса, бадий адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарларида муаммолар тугуни, тўкнашувлар, қаҳрамонлар феъл-атвори ва хатти-харакатлари, тасвирланаётган объектнинг муаллиф томонидан баҳоланиши кабилар ахлоқийлик билан суғорилгандир.

Ахлоқ санъатнинг мағзини ташкил этади. Санъат ахлоқсиз инсонпарварлик хусусиятини йўқотади. Ахлоқ санъат таркибидан ўрин эгаллаб бориши жараёнида ўз мутлақ мустақиллигини йўқотади ва санъат қонун-қоидаларига риоя қила бошлайди. Санъатда ахлоқий қоида ва ақидалар эстетик жиҳатдан қайта ишлаб чиқилади, гўзал ва хунук, улуғвор ва тубан, фожиали ва кулгили каби эстетик тушунча сифатида идрок этилади. Ҳар қандай санъат асари акс эттирилган ахлоқий орзулар муайян эстетик қийматга эга бўлгандагина бу санъат асари одамларга ахлоқий таъсир қилишнинг қудратли воситасига айланади.

Санъат ахлоқий орзу ва ақидаларни рамзий намойиш этиш билан чегараланиб қолмайди. У ўзининг ҳаққонийлиги, воқеа-ҳодиса моҳиятини чуқур очиши, мазмун ва шакл мутаносиблиги жиҳатидан ҳам ахлоқ билан чамбарчас боғлиқдир. Халқ ибораси билан айтганда, ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, у доим ахлоқийдир, ёлғон эса ҳамма вақт ахлоқсиздир. Санъат ҳамisha ахлоқийлик билан суғорилган бўлиб, унда умуминсоний руҳ устувордир.

Ҳаққонийликка асосланган санъат доимо эзгуликка хизмат қилади. Айни пайтда санъат ёвузлик ва ахлоқсизликнинг хунук ва пасткаш эканлигини фош этиш орқали ҳам эзгуликка хизмат қилади. Масалан, А.Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар»ида, Э.Воҳидовнинг «Олтин деворида», Б.Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» ва «Сурмахон» комедияларида ёвузлик, худбинлик, лоқайдлик, юлғичлик каби хунук иллатлар очиб ташланади. Ҳамда шу орқали эзгулик, поклик, ростгўйлик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар улуғланади. Санъат яхши ва ёмон ҳодисаларни ибрат қилиб кўрсатиш асосида ахлоқий покликка, раҳм-шафқатга, дардкашликка, айни вақтда ахлоқий камолотга даъват этади.

Бу ўринда санъатнинг мафкуравий табиати ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Санъат ҳам, мафкура ҳам ижтимоий-тарихий ҳодисадир. Лекин санъат мафкурадан олдин вужудга келган. Кишилиқ тараққиёти тарихида қарама-

қарши ижтимоий гуруҳларнинг қарашлари натижасида эса мафкура қарор топган. Шу боисдан ижтимоий гуруҳлар мафкурани ўз қарашлари ифодаси сифатида таърифлайдилар. Бинобарин, «мафкура–муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими»дир<sup>1</sup>. У ижтимоий гуруҳларнинг аниқ йўналишга мўлжалланган хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворлари дастурини ишлаб чиқишда ғоявий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Санъат табиатан умуминсоний манфаатлар ва интилишларни ифода этганлиги боис ҳеч қачон ёлғиз у ёки бу мафкура, у ёки бу қарашларнинг ифодаси бўла олмайди. Мафкура кишиларнинг диний-ахлоқий, эстетик қарашлари тизимида эстетик орзуга айлансагина, у санъатда рўёбга чиқади. Эстетик орзуда эстетика ва мафкура қирралари узвий боғланиб кетган бўлади. Воқелик моҳиятига кириб бориш эстетик орзу табиатига, унинг ҳаққонийлигига боғлиқ.

Мафкура санъатда бадий акс этириш мавзуи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Муайян жамият ҳаёти санъатда ҳар томонлама ифодаланadi, у маънавий ҳаётнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Санъат мафкуравий омиллар билан қўшилиб кетади ва шу тарзда ўзига хос аҳамият касб этади. Санъат инсон руҳининг энг чуқур қатламларига кириб бориб, ижтимоий ғояларнинг «воситачи»си вазифасини ҳам ўтайди. Мазкур ғояларни санъат мухлислари қаҳрамон кечинмаларига ҳамдард бўлиш орқали ҳам идрок этадилар.

Санъатнинг мафкуравий таъсир кучи фақат сиёсий, ахлоқий, фалсафий, эстетик ғоялар билан боғланиб қолмайди. Ҳолбуки, бу таъсир кучини бадий ҳақиқатдан, реал ҳаёт манзараларидан ажратиб мушоҳада этиб бўлмайди,

---

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар: қисқа изоҳли тажрибавий луғат. – Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2002, 73-бет

балки у асарнинг ҳаққонийлиги руҳи билан чамбарчас боғланиб кетган бўлади.

Санъат жамият бағрида юзага келади ва яшайди, ўзининг мафкура имкониятларини кўпроқ сиёсат билан ҳамкорликда амалга оширади. Боиси ҳар қандай жамиятда сиёсий фаолият ва сиёсий онг муҳим ўрин тутаети. Нафақат санъат, балки ахлоқ, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар ҳам муайян даражада ижтимоий-мафкуравий жиҳатдан сиёсат билан боғлиқ.

Санъат билан сиёсатнинг ўзаро алоқадорлиги ошкора ёки яширин, ниқобли тарзда намоён бўлиши мумкин. Бу ерда ижтимоий давр ва ижодкор дунёқараши катта аҳамият касб этади.

Санъат бевосита ҳукмрон синф ёки қатламнинг туб манфаатлари таъсирида сиёсийлашган ҳолларда у муайян сиёсий орзу-умидларни очикдан-очик ҳимоя қилади, маълум бир турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилиши ёки уни рад этиши мумкин. Масалан, Аристофан комедиялари, Шиллер драмалари, Беранженинг сиёсий кўшиқлари, Давид ва Делакруа суратлари, Муқимий, Фурқат, Завқий ва Аваз Ўтар ўғлининг ҳажвий шеърлари шулар жумласидандир.

Ўтмиш ижодкорлари кўпинча муайян ижтимоий гуруҳ манфаатлари йўлидаги сиёсат билан бевосита боғланиб қолганларини онгли равишда ўзлари фаҳмлаган ҳолда асарлар яратганлар. Бинобарин, ижодкор асар яратиш жараёнида ўз даврининг сиёсий ҳаётдан бутунлай ажраб қолмаслиги, унга лоқайд муносабатда бўла олмаслиги, ўз сиёсий қарашлари ва ғояларидан мустасно тарзда ижод қилолмаслиги маълум. Лекин ҳар бир сиёсий мафкуранинг санъатга таъсири унинг моҳият-мазмунни билан, унда умуминсоний манфаатларнинг нечоғлиқ ифодаланиши билан боғлиқдир. Илғор, тараққийпарвар сиёсий ғоялар барча даврларда ҳам ижодкор истеъдодига самарали йўл очган, санъат равнақига хизмат қилган, аксинча, мустабид руҳдаги сиёсий қарашлар эса энг истеъдодли ижодкорлар фаолияти эркин намоён бўлишига кескин монелик кўрсатган.

Тарихдан шу нарса маълумки, турли даврларда ижтимоий онгнинг бирор шакли етакчи ўринга чиқиб олади-да, маънавий маданиятнинг қолган барча соҳаларига ўзининг ҳукмрон таъсирини ўтказди. Фикримизнинг далили сифатида ўтган аср бошларидан 90 йилларгача собиқ СССРда коммунистик мафкуранинг якка ҳукмронлиги таъсирида юзага келган маънавий ҳаёт соҳасини олиб кўрайлик. Бу мафкура ўтмишнинг миллий санъати асарларига, асрий урф-одатларга, диний маданиятга ўта салбий муносабатда бўлди. Бунинг оқибатлари бугунги кунда ҳаммамиз учун аниқ. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни ўзида инсонпарварлик асосида акс эттириб келган санъат ҳозирги пайтда умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш воситасига айланган.

Санъатда илғор сиёсий қарашлар бадиий асар тўқимаси орқали рамзий тарзда ифодаланади. Санъат билан сиёсат ўртасидаги мутаносиблик ўткинчи тарихий ҳодисадир. Чунки ҳар қандай сиёсат муайян тарихий давр доирасидагина амал қилади.

Санъат билан фалсафа ўртасидаги алоқадорлик уларнинг мавзулари яқинлигида намоён бўлади. Зеро, инсон ҳаётининг мазмуни, қисмати ва бахт-саодатини англаш, инъикос этиш муаммолари санъат учун ҳам, фалсафа учун ҳам асосий мавзудир.

Санъат билан фалсафа воқеликни яхлит, таҳлилий тарзда инъикос этиш жиҳатидан бир-бирига яқиндир. Бундай яқинликни табиий ва ижтимоий фанлар соҳаларида ҳам кўриш мумкин. Лекин санъат ва фалсафа соҳасида инсонни акс эттириш тарихий тараққиётда бир хил кечган. Бадиий тафаккур билан фалсафий тафаккур инсонни англашда умумий жиҳатларга эга. Дунё ва инсон тўғрисида санъат билан фалсафа вужудга келтирган тасаввурларда объектив воқеликнинг нафақат реал алоқа, муносабатлари, балки ижтимоий субъект сифатида инсон томонидан унинг инъикос этилиши, якка одам, ижтимоий гуруҳ нуктаи назаридан тафаккур орқали ва ҳис-туйғу воситасида баҳоланиши ҳам катта ўрин эгаллайди.

## **2-БОБ. Маънавият такомил босқичларида санъат тараққиёти.**

### **2.1. Маънавиятнинг тасвирий санъат такомил босқичларидаги аҳамияти. (қадимдан XX асрнинг 90-йилларигача).**

Инсоният бугунги тараққиёт учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Ҳозирги кундаги маънавият ва маданият, фан ва санъат, жамият ва давлат ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Ҳар қандай фан ва турмуш ютуғи учун юзлаб, минглаб йиллар керак бўлган. Ёш авлод бу машаққатли йўлни унутмасдан уни қадамма-қадам ўрганмоғи ва аждодлардан қолган маънавий ва моддий бойликларни кўз қорачиғидай асрамоғи зарур. Дунё тамаддунининг ажралмас қисми бўлган Марказий Осиёда кўплаб асори-атикалар учрайди. Мустақиллик шарофати билан ота-боболаримизнинг ҳаёти, фаолияти, урф-одатлари, ўй-кечинмалари, фан ва санъат учун муҳим бўлган маданий ва маънавий меросимиз дурдоналарини илмий жиҳатдан ўрганишга йўл очилди. Уларни авайлаб асраб келажак авлодга тус-тугал етказиб бериш зарурлиги англаб етилди. Бу мерослар ёшларнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик, бадиий-эстетик тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сурхондарё воҳаси худудидан топилган тасвирий санъатга оид энг қадимги макон – Зараутсойдир. Нафақат тасвирий санъат балки бу суратлар миллатнинг маънавий бойлиги, қимматбаҳо археологик, тарихий ва санъат ёдгорлиги ҳисобланиб қадриятга айланган меросдир.

Қоя тошларга чизилган бу ибтидоий суратларда одамлар, ҳайвонлар яъни ҳўкиз (буқа), тоғ эчкиси, жайрон, ит ва бошқа ҳайвонлар ҳамда ўқ ва ёй тасвирланган бўлиб, асосан ов саҳнаси тасвирланган. Расмларнинг бирида одамлар қушларга ўхшаш ниқоб кийишганлар. Бу тасвир ҳақида олимлар турлича фикр юритганлар. Улардан бири у шу жойларда кўп учрайдиган тувалоқ қуш шаклига кирган ҳолда ҳайвонларга яқинлашаётган одам деса, бошқа бири ёввойи ҳайвонларни қўрқитиш учун овга махсус кийимлар билан кирган, деган ғояни билдирган.

Нима бўлганда ҳам қадим ўтмишдошлар кийинишни ёки ниқобни, ов қилиш услубларини яхши билган экан. Демак, уларда онг, тасаввур ва тафаккур шакллана бошлаган ёки шаклланган. Бу тасвирларни тўлиқ ўрганиш учун А.А. Формозов тўртта масалани ечишни яъни **биринчидан**, ёдгорлик ёшини аниқлаш; **иккинчидан**, суратларни яратиш техникасини билиб олиш; **учинчидан**, санъат асари сифатида баҳолаш; **тўртинчидан**, унинг тагидаги яширин маъносини англаш лозим, деб таъкидлайди.<sup>1</sup>

Зараутсойдаги бу тасвирларни кўпчилик мутахассислар мезолит даврига оид деб ҳисоблайдилар. Г. В. Парфёнов ва А. Ю. Рогискаядлар камардаги тасвирни палеолит, мезолит, неолит, бронза ва ундан кейинги даврларда чизилган деб ҳисоблайдилар. А. А. Формозов ва Ж. Кабировлар мезолит ва ундан кейинги даврлар деб фарз қиладилар. У қанчалик қадимий бўлмасин рассом ўзи чизган расмдан завқ олган ва атрофидаги ибтидоий одамларни ва ҳатто ҳозирги одамларни ҳам завқлантираётган улуг санъаткордир.

Бу тасвирлар нима мақсадда чизилган, унинг тагида қандай маъно ва мазмун, қандай ғоя ва тасаввур ётган деган савол туғилиши табиий ҳол. Тасвирни ўрганган кўплаб мутахассислар олиб борган тадқиқот ва изланишлар натижасида қоя тошлардаги суратлар ва ифода этилган манзаралар қандайдир сеҳрли маънони билдиради, улар негизида ибтидоий ва қадимги давр одамларининг кундалик турмуши, диний эътиқоди билан боғлиқ бўлган тасаввурлар ётади деган фикр келиб чиққан.

Ибтидоий одамлар табиат кучлари олдида ўзларини ожиз ҳис қилганлар. Бундай ҳолат тотемизм диннинг шаклланишига олиб келган жамоанинг бошланиши бирор ҳайвон деб тасаввур қилинади яъни тотем ҳисобланади. Зараутсойлик аجدодларимиз учун хўкиз тотем бўлиб ҳисобланган бўлса керак. Қоятошга чизилган тотем-хўкиз тасвири олдида одам турли сеҳргарлик ҳаракатларини бажаради, ўйинга тушади, ашула

---

<sup>1</sup> Абдулла Холмирзаев “Зараутсой тилсимлари”. Т. 2003 йил. 65 бет.

айтади ва ниҳоят ҳайвондан ов пайтида ўзини топширишини ёлворади, гўшти, терисини беришини сўрайди.

Расмлар кўпчилик назаридан узоқда ва овлоқ жойда бўлгани учун ибтидоий одамларнинг муқаддас даргоҳи бўлган, улар қоялар ёнида ибодат қилиб ирим-сиримлар ўтказган деган тахминлар ҳам учрайди. Диний удумлар ўтказган бўлса, демак уларга бу қоятошдаги расмлар қандайдир маънавий қувват ва маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин. Ирим-сиримлардан бири қояларга расм чизиш бўлса, улар бу орқали қандайдир илоҳий тасаввур ва илоҳий кучга эга бўлиш мумкин деб ҳисоблашган.

Ж. Кабиров «ибтидоий аждодлар қоятошдаги расмлар ҳар хил бало қазолардан асраши, одамларга бахт келтиришига умид қилганлар» деган фикрни билдиради<sup>1</sup>. В. Ф. Зьбковес эса «тош асри санъатининг намуналарини диний тушунчалар ва сеҳргарликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар ёшларга таълим ва тарбия берадиган марказлардир. Расмлар эса ибтидоий давр ёшларига таълим тарбия бериш, улар билан амалий машғулот олиб бориш мақсадида ишланган» деб мулоҳаза юритган.<sup>2</sup> Юқорида айтилган фикрлардан қайси бирига мансуб бўлишидан қатъий назар бу суратлар Марказий Осиёда санъат тараққиётининг ўзига хос илк босқичи ҳисобланади.

Тасвирий санъат инсонларнинг меҳнат фаолияти, эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлади. Зараутсойдаги қоя тасвирлари ибтидоий одамларнинг меҳнат фаолияти яъни овчилик, ибтидоий эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлган, содда ва оддий кўринишлар деб айтишимиз мумкин. Расмлар ибтидоий одамларнинг олами билишдаги ижтимоий онгини шакллантиришда, уларнинг орзу-умидларини ифодалашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Ибтидоий давр рассоми овчининг бутун руҳий-маънавий кучларини табиат қонунларини билиб

---

<sup>1</sup> Ж. Кабиров. «Сармишсой қоя тошларидаги расмлар» Т. «Фан» 1976 йил. 92-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 96-бет.

олишга қаратган. Ахир овчи мансуб бўлган жамоанинг ҳаёти ва фаровонлиги ҳам шунга боғлиқ бўлган. Рассом овчиларнинг ҳамкорликда ов қилаётганликларини тасвирлаб, ҳамкорлик қобилиятининг, бирдамлик ва ҳамжихатликнинг шаклланганлигини кўрсатиб беради. Ҳайвонлар хавфи ва кучли қаршилиги ҳамкорлик қобилиятини фаоллаштириб юборади. Унда овчи ҳиссиётларини жиловлаб жамоадаги уйғунликка боғланади.

Биз юқорида таҳлил қилган Зараутсой суратлари ҳам муаллифнинг машаққатли аммо шарафли ижодининг махсули десак муболаға бўлмайди. Бу тасвирлар орқали рассом қавмини бирлаштириш ва янги марралар сари интилишга, шунингдек меҳнатсеварлик, изланувчанлик, фаоллик, жамоавийлик каби тамойиллар уларда уйғотишга ҳаракат қилгани таъбир жоиз булса муболаға эмас. Зеро Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида таъкидлагаидек, «... Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз адабиёт ҳам маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксаклигига хизмат қилиб ўзининг ижтимоий вазифасининг тўлик адо этишга эришган бўлади».

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, Зараутсой суратлари ўзининг бетакрорлиги ва бадиий табиати билан инсон қалбига эмоционал таъсир кўрсата олади, унинг руҳий дунёсига чуқур кириб бориб, шу орқали, маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эгадир. Албатта, бу даражада юксак санъатнинг ўша тарихий даврда вужудга келиши бизга бевосита ўша даврнинг маънавий салоҳият даражасини тараққий этганлигини англатади.

Ҳеч қачон халқимизнинг фанга, санъатга қизиқишлари, интилишлари тўхтаб қолмаган. Бунга Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларидаги хунармандчилик, Бақтриядаги зеб-зийнат буюмлари, Юнон-Бақтрия ва Кушон ёдгорликларининг юксак санъатидаги ҳайкалтарошлик, Афросиёбдаги деворий суратлар, Самонийлар, Хоразмшоҳлар ва Темурийлар

давридаги маданий ҳаёт ҳамда кейинги давр илм-фан ва санъат ютуғлари мисол бўла олади.

Мамлакатимиздаги маънавий ва маданий мерослар одамларни тарбиялашга, илҳомлаштиришга, маънавий комилликка, баркамолликка етказиш учун хизмат қилишига аминмиз.

Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби маънавият ва санъатга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Бунинг самараси бўлиб Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкентдаги Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси барпо этилиб, 2004-йил август ойида очилди. Ўзбекистон ҳудуди ҳам инсоният таффақури тараққиётининг шу жумладан, санъатнинг қадим марказларидан бири эканлиги археологик изланишлар чоғида ўз исботини топган. Амалий хунарманчилик намуналарида бадий безак кўпайиб, бойиб борган бўлса тасвирий санъатнинг кейинги намуналарини кулолчилик буюмларидаги расмларда учратамиз. Қадимги шарқда илк шаҳар давлат пайдо бўлган бир даврда Марказий Осиёда сопол идишлар сиртига ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар тасвирлари туширила бошлаган. Уларни кулолчилик хумдонларида пиширганлар. Сопол идишларнинг формалари аста секин мураккаблаша бошлайди ва сопол идишларга тасвирлар, безаклар туширилиши бадий кулолчилик санъатининг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Энди одамлар ўзлари учун керакли бўлган буюм ва ашёларнинг кўриниши нафис шаклда ишлабгина қолмасдан уларга безаклар, тасвирлар тушириб бадий жиҳатдан бойитдилар. Кулолчилик тараққиёти лойдан ишлаган. Ҳайкалчаларда кўринган бўлса. Аста-секин одамларнинг диний эътиқоди, турли дунёқарашлари шу ҳайкал тасвирлар орқали ўз аксини янада яқинроқ кўрсата бошлади. Қадимги одамлар турли динларга эътиқод қилишган ва ўз эътиқодларини илоҳийлаштириш мақсадида ҳайкаллар яратишган. Айниқса. Ана шу ҳайкалларда афсонавий ва ҳаёлий ҳайвонлар ва қушларга хос рамзий образлар ва ифодасини топган. Ўтмиш санъат намуналарида ҳаётининг ҳамма қирралари гавдалантирилган. Кийим-кечакларидаги шунингдек, уй

жихозларидаги тасвирларда ҳам шундай намуналарини кузатамиз. Бизгача сақланиб қолган намуналар эса асосан лойдан тош, ёғочдан, фил суякларидан ишланган. Одамлар ҳайкалларга ва бошқа тасвирларга ўз дунёқарашлари, эътиқодларини жо қилишга интиланганлар. Ўша қадимги турли безакли тасвирларга, ҳайкалларда кишиларнинг иш жараёни, эътиқоди, дунё қарашидан ташқари турмуш тарзи ҳам ўз ифодасини топган.

Миллоддан аввалги VI асрдан IV асргача Марказий Осиёда Аҳамонийлар ҳукумронлиги ўрнатилди. Бу даврда Эрон ва марказий Осиё халқлари санъати билан боғлиқ намуналар вужудга келган. Нақши Рустам, Бехустун тасвирлари, Персепол саройи залидаги тасвирлар бу намуналарга асос бўлади. Гарчи булар Эронда бўлсада бу ўтмиш тасвирлари Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи учун ҳам ишончли ва муҳим намуналардир.

Алексадр Македонскийнинг шарқда қилган 11 йиллик юриши давомида Марказий Осиёнинг ҳам бир қисмини истило қилинди. Бу эса ўз навбатида миллоддан аввалги IV асрдан миллоддий IV асргача бўлган эллинистик ёки антик маданият даврига асос бўлди. Истило этилган шарқ халқлари орасида юнон тили, дини, оғирлик ва узунлик ўлчов бирлиги, юнон маданияти ва санъати тарғиб қилинган. Аммо, Юнонистоннинг меморчилиги, тасвирий санъати бошқа халқларга нисбатдан антик дунёда юқори бўлганлиги такидламоқ керак. Маҳаллий халқлар тасвирий-амалий санъати билан эллинлар санъати ўртасида уғунлашув бошлаган. Бу уйғунлашув узок давом этиб. Амалий санъат намуналари, жумладан меъморчилик пайдо бўла бошлайди. Ўз навбатида Юнонлар Бақтриядан бинокорлик ва ҳунармандчиликни ўзлаштирганлар. Шарқ ва ғарб илм-фани, маданияти ва санъати омукталашиб, умуминсоний қадриятга айланиб кетган.

Афросиёб ёдгорлигидан топилган Искандар сурати чизилган кимматбаҳо сердолик тош ўша давр ҳунармандчилигининг ёрқин ифодасидир. Олдига Искандар орқа томонига тахтда ўтирган Цезар туширилган тетрадрахма (кумуш танга). Сиртига артемида туширилган

геммадаги расм ҳам эллинлар даври намуналарига киради. Юнон-македонлар истилосидан кейин ташкил этилган. Юнон-Бақтрия Парфия каби давлатларда ҳам омухталашув давом этди.

Салавкийлар давридан сақланиб қолган ҳайкаллар, амалий безак санъатидаги тасвирилардан ташқари танга пуллардаги тасвирий намуналар орқали ҳам яққол кўзга ташланади. Бунга Антиох I нинг Драхма ва Далварзинтепадан топилган 11 дона олтиндан ишланган ашёлар Бақтрия даври усталарининг маҳоратидан дарак беради.<sup>1</sup>

Бу даврда қадимги Хоразм, Давон ва Қанғ давлатидан ҳам тасвирий санъат кенг кўламда ривожланган. Қадимги Хоразм тарихини ўрганган олим С.П.Толстов Жанбосқаълани ҳайкаллар музейи Тупроққалани эса “Тангалар музейи” деб бежиз айтмаган. Тасвирий санъат тарихининг бир қисми кушонлар даври билан чамбарчас боғлиқ. Бу даврда қадимги халқларнинг турлича дунё қарашлари тасвирий санъат асарларида ўз аксини топган. Буларнинг бирида буддизмга хос белгилар акс эттирилган бўлса, иккинчи бир намуналарида зардуштийлик эътиқоди рамзлари туширилган. Кушон давлатининг санъатининг хилма-хиллиги бу империя жуда катта ҳудудни, кўп халқларни бирлаштирганлиги билан ҳам изоҳланади. Кушонлар даврида маданият ва санъат юксак поғонага кўтарилган. Бақтрия ҳудудидан топилган ҳайкалчаларда севги, оилавий бахт, серҳосиллик каби ғоялар олға сурилади. Кушонлар даврида маданиятнинг серқирралиги шундаки, тасвирий санъат, меморчилик, амалий санъатнинг турлари билан бир-бири билан боғлиқ ҳолда тараққий этган. Бу даврда инсонларнинг хилма-хил эътиқодга эга бўлганлиги, бу ерда виждон эркинлиги. Динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ҳурфикрлик каби эркинликлар мавжуд бўлган.

Эфталийлар, Турк хоқонликлари даврида ажойиб ҳайкаллар, нафис деворий суратлар юзага келди. Ўтмиш тасвирий санъат меросимизнинг энг характерли томонларидан бири шунда эдики, аждодларимиз бошқа халқлар

---

<sup>1</sup> Нурсайд Ойдинов “Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар”. Т. “Ўқитувчи”. 1997 йил. 20 бет.

санъатидан таъсирланибгина қолмасдан, уларга ўз таъсирини ҳам ўтказа олган.

Тасвирий санъатда ҳайкалтарошлик тури алоҳида аҳамиятга касб этади. Кушонлар ҳукмронлиги даврида Шимолий Хиндистон истило этиши билан буддавийлик дини, у билан биргаликда ҳайкалтарошлик ҳам кириб келди. Ҳайкалтарошлик намуналари кўпроқ Сурхон воҳасида топилган.

Холчаён, Айритом, Фаёзтепа, Қоратепа, Далварзинтепа, Кампиртепа ёдгорликлардан сопол буюмлар топилган. Бу ҳайкаллар ҳайкалтарошликнинг барча талаб ва қонунларига жавоб беради.

Марказий Осиё ҳудудига мансуб қадимги рангтасвир санъати ўзига хос бебаҳо намуналарга эга. Ўрта асрларда Самарқанднинг ўрни Афрасиёб, Сурхондарёнинг Болаликтепа, Бухородаги Варахша, Панжикентдаги деворий ранги тасвирлар диққатга сазовардир. Афрасиёб ранг тасвир санъатининг энг характерли намунаси шоҳ саройи кўринишига хосдир. Деворий расмдаги салобатли филнинг тасвирини кузатар эканмиз ҳар бир бўёқ ўз ўрнида ишлатилганлигини кўрамиз.

Ранглар тасвирининг жонли чиқишида муҳим рол ўйнағалиги яққол кўзга ташланади. Филнинг устида махсус мўлжалланган ёпинчикдаги тасвирлар кишини беихтиёр ўзига жалб қилади. Бу тасвирларда қизғиш, сарғиш, жигарранг, айниқса хаворанг кўп ишлатилган. Филнинг устида тахтиравон, тахтиравон устида оқсуяк аёл ўтирганлиги тасвирланган. Бўлиши керак, деган тахминлар ҳам бор.<sup>1</sup> Тасвирда сақланиб қолган, филнинг устидаги тахтиравонни битти устунча кўриниб турибди. Ана шу устунчани аёл кишининг бармоқлари ушлаб турганлиги ҳам сақланиб қолган. Орқада 4 нафар аёлнинг суратлари акс этирилган. Расмдаги аёллар арқ аёллари кўринишида, уларнинг либослари ҳатто соч турмаклари ҳам шарқона кўринишга эга. Орқадаги туя минган эркаклар тасвирланган. Лекин уларнинг

---

<sup>1</sup> Ўша асар 29- бет.

кўринишлари европаликларга ўхшашдир. Улар шарқона шамшир ва ханжар билан қуролланган.

Сурхондарё вилояти яқинидаги Болаликтепа ёдгорлигидан топилган ҳашаматли саройга ўхшаш бино деворларининг тўртала томони ҳам турли кўринишдаги тангдор тасвирлар билан тўлдирилган. Қизиқарли томони шундаки, хона деворларининг тўртала томонида ишлаган суратларда ҳам одамларни ўтирган ҳолатдаги кўринишлари акс эттирилган. Гиламчаларга ўхшаш тўшамчалар устида шарқона тиз чўкиб, чордона қуриб, ёнбошлаган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ўтилган эркак ва аёлларнинг образлари диққатга сазовар. Тасвирдаги бу “гиламча” лар айна пайтда ўзбек хонадонларида ишлатиладиган кўрпачаларни эсалатади.

Болаликтепа ранг тасвир санъатида одамларнинг кайфияти, ўзаро муносабатларни, характерлари рассом томонидан ўта усталик билан тасвирланган. Одамларнинг кўлларида қадахларнинг тасвирланиши, бир-бирига бўлаётган самимий илтифотлар тўёна ҳолатдаги базм жамшидини ифодалайди.

Болаликтепа қасри деворий суратлардаги инсон ички кечинмаларини нозик тасвирланиши ўша давр рассомларининг хурфикрлик даражаларини билдиради. Қадимги дунё мусаввирлари ўзларининг манфаат ва эҳтиёжларига мос бўлган тимсоллар яратганлар. Санъат инсон фаолиятининг эстетик бўлмаган соҳалари билан боғлиқлиги. Қадимги дунё, Ўрта асрлар, Уйғониш даври давомида сезилиб туради. Тасвирий санъат ўзининг эстетик ҳислатларига ва эстетик мақомига эга бўлиб, боргани сари унинг айрим турлари ва жанрлари ажралиб чиқа бошлади. Унинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм каби турлари ва жанрлари секин-аста мустақил тасвир кўламига ва тасвирий-ифодавий воситаларига эга бўла бошлади.

Дин маданият ва санъат бевосита бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир дин санъатга бевосита таъсир этади. Христиан динида санъат

тарихини диндан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Диндорлар ва хукмдорлар буюртмаси билан ажойиб санъат асарлари дунёга келганки, улар асрлар оша яшаб, ҳозирга қадар кишиларни хайратга солади. Ислом дини Марказий Осиёга кириб келиши ўлка маданияти ва санъати ўз таъсирини кўрсата бошлади. Буддавийлик, Зардуштийлик, Монийлик ибодатхоналари масжидларга айлантирилди ёки вайрон этилди. Улардаги бут, санъат, ҳайкаллар синдирилди ёки оловга ташланиб, эритилиб маданлари олинди. Санъатга бўлган айрим эркинликлар бўғиб қўйилди. Лекин ислом маданият даврида мураккабликлар мавжуд бўлишига қарамасдан тасвирий санъатнинг турли ўзига хос камолотга эга бўлган намуналари юзага келади. Бу даврда ҳам тасвирий санъат ўз характери ва моҳияти жиҳатидан ислом дини ғоялари билан бойиди ва ривожланди. Бу даврда тасвирий санъат билан боғлиқ ҳолда кенг таракқий этди. Диний ва бошқа барча соҳадаги китобларнинг тасвирлар, безаклар билан нафис қилиб безатилиши ислом маданияти давридаги тасвирий санъатнинг катта қисми ташкил қилади. X асргача турли қарама-қаршилиқлар бўлишига қарамасдан айрим меъморчилик санъати қўлланилиб келинади.

XI-XII асрларга келиб эса тасвирий санъат амалий безак санъати билан уйғунлашган ҳолда бой зодагонлар, ҳокимлар қаср ва боғлардаги биноларни деворларида, шунингдек хонадонларга кенг кўлами гўзаллик бахш этиб кириб кела бошлади. Амир Темур ва Темурийлар даврида тасвирий санъатга алоҳида эътибор берилди. Бу пайтда Самарқанд мактаби шаклланди. XIV-XV- асрларга келиб қўлёзма китобларнинг қайта кўчирилиши натижасида кўплаб тасвирий санъат намуналари юзага келди ва улар китобат санъатини янада бойитди.<sup>1</sup> Бу даврда яратилган миниатюраларнинг катта қисми муракка, яъни албомларга ишланган асарлардир. Бу асарларда асосан шох, саройдаги ҳаётий воқеалар тасвирлаб берилади. Амир Темур даврида ижод қилган тасвирий санъат усталаридан машҳур устоз Грунг Темур даври

---

<sup>1</sup> Ўша асар 38- бет.

тасвирий санъатнинг асосчиси ҳисобланади. Бу давр мусаввирлари Бухоролик устоз Жаҳонгир боғдодлик Абдулхай ва устод Шамсиддин, табриклар Пир Саид Аҳмад, Самарқандлик Аҳмад Боғишамолий ва бошқалар самарали ижод қилганлар. Улуғбек даврида тасвири санъат янада юқори поғонага кўтарилди. Бироз кейинроқ вужудга келган Ҳирот “Нигористон” (нафис санъат академияси) мактаб жаҳон тасвирий санъати мактабларида олдинги сафларда туради. Айнан шу мактабда шарқ Рафаэли ёки Моний Соний (иккинчи моний) деб шуҳрат топган Камолиддин Бехзоддек буюк рассом етишиб чиққан. Камолиддин Бехзод санъат оламига кириб келишида Алишер Навоийнинг ўрни катта. А.Навоий Камолиддин Бехзоднинг раҳнамоси, ҳомийси бўлиш билан бир қаторда унинг ғоявий-маънавий илҳомчиси бўлган десак муболаға бўлмаса керак ҳар ҳолда. Камолиддин Бехзод Навоийнинг ҳаётида бағишланган ва Навоий сурати тасвирланган асарлари туфайли Хирот маданият оламида танилади. Аста-секин Бехзод Ҳиротда катта ҳурматга сазовар бўла бошлади. У 1487 йили Хуросон хукмдори Хусайин Бойқаронинг Хиротдаги кутубхонасига раҳбар этиб тайинланди. А.Навоий, Султон Хусайн байқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Абдурахмон Жомий портрет асарлари орқали тенгсиз санъаткор эканлиги исботланган. Буюк рассом эканлигини исботлаган. Буюк рассом шарқ алломалари Шарофиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарлари тасвир орқали янада жонлантиради, тарғиб этади.

Шу ўринда “миниатюра” ҳақида тўхталиш лозим. Бу ибора деярли XIX аср бошларигача ишлатилмаган. “Миниатюра” китобга ишланган сурат (мўъжаз сурат) ёки кичик хажмдаги нафис тасвирларга нисбатан ишлатилиши анъанага айланиб қолди. Миниатюра иборасини қўлёзма китобининг таркибий–график қисми бўлмиш барча элементлари, хоҳ у кичик лавҳа бўлсин, хоҳ бутун бетни, айрим ҳолда икки қўшни бетни эгаллаган нақшкор тасвирларга нисбатан қўллаган ибора деб қараш мумкин.

XVI-XIX асрларда китобат санъати ва минатюра санъати юқори поғонага чиқди. Китобат санъати усталарнинг ўз давридаги атамаси, яъни номланиши ҳамда улар бажарган вазифалари ва фаолияти ҳақида тўхталмоқ лозим.

1. Варроқлар-китоб тузиш учун қоғоз тайёрловчи;
2. Саҳҳов- муқавасоз, саҳифаларни тўплаб китоб ҳолига келтирувчи;
3. Тасвир-сурат чизиш. Суратлаш (мусаввир)
4. Тазҳиб-олтин ранг билан нақшлаш.
5. Тагжлид-қимматбаҳо китобларга чарм ёки бошқа бир қимматбаҳо матодан жилд ясаш.
6. Вассол-тўзиган китобларни қайта тикловчи(реставратор) таъминловчи;
7. Зарафшон-саҳифалар ҳошияси ва ёзув ораларига олтин ва кумушранг пуркаб безатувчи.<sup>1</sup>

“Нигористон” мактабининг яна бир намоёндаси Муҳаммад Музаҳҳиб Ҳирот ва Бухорода яшаб ижод этган. Бухоро миниатюра мактабига асос солган. У ижод қилган даврда Бухоро Марказий Осиё миниатюра ва китобат санъатининг марказига айланган. Муҳаммад Музаҳҳибнинг А.Навоий сурати айни пайтда Эроннинг Машҳад шаҳридаги Осмони Қуддус мажмуасида сақланмоқда. Бу расмда А.Навоий кексайган пайти, қўллари ҳассада суянган қилиб тасвирланган. Бошқа расомлар каби А.Навоийни очик чехрали, юз киёфасининг мукамал ва тўлақонли тасвирланиши ва Навоийга хос зукколик ҳамда донолик акс этирилиши Маҳмуд Музаҳҳибнинг маҳоратли санъат устаси эканлигини билдиради.

XVII аср тасвирий санъати меъморчиликда кенг ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада, айниқса, 1619-1635 йилларда қурилган Самарқандаги Шердор мадрасаси пештоқига ишланган тасвирлар катта эътиборга эгадир. Бу бино пештоқининг нақшинкор композицияси билан уйғун тасвирланган офтоб фонида охуга ташланаётган шернинг сурати

---

<sup>1</sup> Ўша асар 48- бет.

жозибали бир кўринишда акс эттирилган. Шер ва охунинг тасвири чиройли шакл, аниқ мазмун ва кўринишга эга бўлиб қолмасдан, табиат оламининг сиру-асрорларини эслатаётган рамзий белгига ҳам ўхшаб кетади. Ўзбекистон санъатшунослик институтида сақланаётган XIX аср бошларида Аҳмад Дониш томонидан ишланган “Мажнун Саҳрода” деб аталган миниатюра ўлкамиз табиат манзарасини акс этириши билан алоҳида қимматга эга.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марказий Осиё жумладан Ўзбекистон тасвирий санъати янги шакллантириш даврида аста-секин кириб кела бошлади. Асосан бу даврга Европанинг илғор тасвирий санъати анъаналари рус ва бошқа халқларнинг вакиллари орқали ўз таъсирини ўтказди. Аста-секин маҳаллий анъаналар билан уйғун ривожланган тасвирий санъатимиз ривожига М.Новиков, Л.Буре, С.П.Юдин, Т.Н. Никитин сингари рассомлар катта ҳисса қўшди.

XX асрнинг 20-30 йилларида келиб эса Ўзбекистон тасвирий санъати ўзига хос шакл-шамойилига эга бўла бошлади. Бу даврда А.Волков, Н.Г.Карахан, Уста Мўмин И.Икромов, Ў.Тансиқбоев, Ч.Ахмаров ва бошқалар ижодий намуналари аътиборга моликдир.<sup>1</sup> Ўзбекистон тасвирий санъати вакилларининг бадиий тафаккури миллий руҳ билан бойиб янгидан янги эстетик дунёни кашф эта бошлади. Шу даврда халқимиз ҳаётининг ранг-баранг қирралари ўзига хос ифодасини тасвирий санъатда ҳам топди. Ўзбек халқининг миллий анъаналарини жамлаб ўзбекона тасвирлай олган рангтасвир устаси уста Мўмин ана шундай санъат усталаридан бири эди. Халқимиз характерига хос хусусиятлар айниқса “Куёв”, “Чойхоначи”, “Паранжи ташлаган аёл”, “Дуторчи бола” каби асарларида яққол акс этган. Академик рассом Ўрал Тансиқбоев ҳақида тўхталмасдан ўтишимиз мумкин эмас. Манзара жанрининг маҳоратли устаси бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини Ўзбекистон табиатини тасвирлашга бағишланган. Унинг

---

<sup>1</sup> Н.Тўхтаев, А.Кременцова “Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома”. Т., 2002 йил. 417-бет.

“Сирдараё”, “Боғистон”, “Тоғ манзараси”, “Баҳорги ишлар”, “Орол денгизи”, “Қорақум сув омбори”, “Алла тов”, “Тунги тоғ қишлоғи” каби асарларида ўлканинг табиатини жонлаштиришга ҳаракат қилди.

Искандар Икромов ва Чингиз Аҳмаровсиз Ўзбекистон тасвирий санъатини тасаввур қилиб бўлмайди. И.Икромов графика санъати устаси у кўпгина журнал ва китобларни безатиш билан бир қаторда “Расмни ўрганиш”, “Китоб ва журналлар қандай нашр этилади”, “ҳарфларни ёзишни ўрган” каби китоблари билан ёшларга график санъати қоидалари ҳақида маълумот берди. Чингиз Аҳмаров Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик катта театрини безатилишида рассом ўз имкониятларини ишга солган. “Садди Искандарий”, “Фарход ва Ширин”, “Баҳром Гўр ва Дилором”, “Лайли ва Мажнун” каби деворий суратларда миллий туйғу ва анъаналар гавдалантирилди.

Абдулҳақ Абдуллаев, Малик Набиев портрет санъати усталари ҳисобланади. А.Будуллаев “Онам портрети”, “Индира Ганди”, “Рассом Чингиз Аҳмаров”, “Алишер Навоий”. Портретлари орқали инсон маънавиятини, унинг қарашларини, ўз-ҳаёлларини акс эттирди. М.Набиев портрет санъатининг кульминациясига чиққан ижодкорлардан бири десак адашмасак керак ҳар ҳолда. Абу Райхон Берунийга бағишланган 2 та конкурсда Беруний портрети билан ғолиб бўлган. М.Набиев А.Темур, Беруний, Бобур, Ибн Сино, Жомий ва Навоий, Ал Розий, Рудакий, Ал Хоразмий каби аждодлар портретларини чизиш орқали аждодларга бўлган юксак ихтиромини кўрсатади. А.Темур портрети устида 50 йил тадқиқот ва изланишлар олиб борган. Рассом боболар руҳига ишонади ва доимо уларни ёдда тутди.

## **2.2. Маънавиятнинг амалий безак санъатини ривожлантиришдаги ўрни.**

### **Заргарлик амалий санъати – моддий ва маънавий меросдир.**

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши натижасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида сифат ўзгаришлари юз беришига барча шарт-шароитлар яратилди. Маънавиятимиз ва маданиятимиз равнақ топиши учун барча имкониятларни вужудга келтирди, яқин ва узоқ тарихий ўтмишимизни ҳаққоний илмий тадқиқ этишга йўл очилди. Миллий истиқлол мафкураси ўзбек миллий маданиятининг ривожланишига катта имкониятлар яратди. Бугунги кунда миллий маданиятимизни ўрганар эканмиз, унинг ижтимоий заминини юзага келтиришга салмоқли ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг меросларини чуқур ўрганиш, миллий қадриятларимиз моҳиятини англаш ва уларни миллий қадрият сифатида эъзозлашга интиломқдамиз. Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби амалий безак санъатига ҳам кенг эътибор берилмоқда. Аждодларимиз илмий ва ижодий меросларини чуқур ўрганиб, уларни ҳозирги пайтда ҳам қўллаш учун тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Амалий безак санъати ҳар бир халқнинг кундалик турмушининг таркибий қисми сифатида асрлар оша шаклланиб келган миллий хусусиятларни ўзида жамлаган. Бугунги кунгача етиб келган амалий безак санъати ишлаб чиқариш кўникма ва услубларини ҳамда зўр санъатини сақлаган бўлсада, шакл ва мазмунан анча ўзгарган. Бунга кўплаб тарихий жараёнлар, босқинлар туфайли бошқа халқлар маданияти билан омухталанишлар сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Амалий безак санъатининг энг қадимги соҳаларидан бири-заргарлик бўлиб, зеб-зийнатлар яратадиган хунармандчилик соҳасидир. Тарихни яхши билган ҳар бир шахс заргарлик, зеб-зийнатлар ҳақида гап кетганда беихтиёр “Амударё хазинаси”, “Далварзин буюмлари”ни кўз олдига келтириши табиий ҳол бўлса керак. Ватанимиз ҳудудида қадимдан заргарлик билан шуғулланганлар. Бунга маълум шарт-шароитлар бўлган. Булар қуйидагилар:

**Биринчидан,** диёримизда қимматбаҳо тошлар (лаъл, гавҳар, феруза, дур, ҳақиқ ва бошқалар), рангли металллар (платина, олтин, кумуш, қалай ва бошқалар) кўплиги;

**Иккинчидан,** халқимизнинг меҳнатсеварлиги, диди ва эстетикасининг юқорилиги, маҳоратлилиги, дунёқараши бойлиги хуллас маънавий-руҳий камолотга етганлиги;

**Учинчидан,** ватанимиз аҳолиси қадимдан ўтроқ яшаб келганлиги ва хунармандчилик тараққий этганлиги;

**Тўртинчидан,** ижод қилиш эркинлиги борлигида деб ҳисоблаш мумкин.

Буларга қўшимча яна Ўрта Осиё шаҳарларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маъмурий марказ бўлганлиги ҳам асос бўлган. Шаҳар ички қисмидан асосан зодагонлар, бойлар, давлат амалдорлари яшаган ва улар хунармандларга буюртма берганлар. Бу эса турли соҳалар каби заргарлик ривожланишининг асосий омили бўлиб хизмат қилган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент, Қарши, Бойсун сингари шаҳарлар заргарликнинг қадимий марказлари ҳисобланади.

Заргарлик буюмлари зеб-зийнатлар бўлиб, асосан аёлларнинг кийим-кечакларини безашга хизмат қилган. Улар инсоннинг қайси аъзосига тақилишига кўра бир-биридан фарқ қилади:

1. Бошга тақиладиган зеб-зийнатлар-тиллақош, бодомой, кўшдуо ва бошқалар;

2. Бўйин ва кўкракга тақиладиган заргарлик буюмлари-нозигардон, зебигардон, жевак, тангажевак, бўйинтумор, кўкрактумор ва бошқалар;

3. Сочга тақиладиган зеб-зийнатлар-сочпопук, туф ва бошқалар;

4. Қулоқ-бурунга тақиладиган зеб-зийнатлар-булоқи, исирға, зирак кабилар;

5. Қўлга тақиладиган зеб-зийнатлар-билагузук, узук кабилар киради.

Зеб-зийнатларнинг ҳар бирининг бир неча тури мавжуд. Биргина узукнинг қуйидаги турларини кўришимиз мумкин: узук, афғонча узук, румча узук, қуйма узук, ўрам узук ва хожи узук. Заргарлар асосан оддий қуроллардан фойдаланиб зеб-зийнатлар ясаганлар. Қадимда заргарлар уйларида баъзилари бозорда дўкон очиб фаолият юритганлар. Улар заргарлик буюмларини турли хил усул билан тайёрлаганлар. Масалан: қуйиш, ҳаллаш, ўйиб ишлаш, қолипаки, бўртиб нақш ясаш ва бошқа усуллари бор. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида турли хил зеб-зийнатлар яратилган бўлиб, улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Зеб-зийнатлар ўзининг беазаги, жозибадорлиги ва юксак савияси билан киши диққатини ўзига жалб қилади.<sup>1</sup>

Қадимги Хоразм ва Бактрия давлатидан бошланиб, қадимги ва ўрта асрларда сайқалланиб, ривожланиб, янгича шакл ва мазмун касб этиб келаётган заргарлик XX-асрнинг бошларида инқирозга юз тутиб, халқ усталари сафи камайиб кетди. Бунга Чор Россиясининг мамлакатимизни мустамлака қилиб, миллий урф–одатларимиз, анъаналаримиз, кадриятларимиз қаторида миллий ҳунармандчилигимизни ҳам йўқотишга уринишлар сабаб бўлган бўлиши ҳам мумкин. Улар уста ҳунармандларга қимматбаҳо хом-ашёлар билан ишлашни таъқиқлаб қўйди. Заргарлик фабрикаларидан ишлаётган уста заргарлар иш жараёни аста –секин ўзгариб, мавжуд анъаналар йўқола бошлади. Ички бозорни Россия завод-фабрикалари товарлари тўлдириб ташлади. Бу эса маҳаллий заргарларнинг сони камайиб кетишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида заргарлик яна қайта жонланди. Қимматбаҳо материаллардан фойдаланишга имкон берилди. Ижодкорлар асосан икки йўналишда ижод қилмоқдалар: унутилиб бораётган анъаналарни қайта тиклаш яъни маҳаллий заргарлик ва анъанавий замонавий услубда заргарлик буюмлари яратиш ижодкорларнинг сеvimли йўналишига айланган. Ўзбекистонда кўплаб заргарлик завод–фабрикалари ўз фаолиятини олиб

---

<sup>1</sup> Исо Жабборов. “Ўзбеклар” Т., 2008 йил. 220 бет.

бормоқда. Буларга, “Фонон” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг таркибидаги “1- Тошкент заргарлик корхонаси”, “ 2 ва 3 – заргарлик заводи”, “Кумуш”, “Эйшн – Рейз”, “Шаҳрисабз” заргарлик корхоналари ва “Нур” давлат бадий заргарлик маркази ва бошқалар мисол бўлади. Юқоридагилар билан бир қаторда якка тадбиркорлар ҳам ўз фаолиятлари билан заргарлик санъати анъаналарини шакл ва мазмунан бойитиб бормоқдалар. Булар қаторида Самарқандлик Акбар Ҳасанов, Усмон Исмоиловлар, Тошкентлик Ҳайдар Муродов, Олимжон Муҳаммадиев ва бошқалар самарали ижод қилмоқда.

Давлатимизда заргарлик буюмлари сифатига ва асиллик даражасини назорат қилиш учун 2001-йил 7-декабрда “Қимматбаҳо металлдан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Бу эса уста–заргарлар ижод маҳсулини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга имкон беради.

Заргарлик буюмлари нафақат моддий маданият шу билан бирга юксак санъат асари ва маънавий маданият ҳисобланади. Заргар уни тайёрлаш жараёнида бор имконияти, билим –тажирибаси, орзу– интилишлари, меҳрини бериб тайёрлайди. У кимнидир хурсанд қилиши, қувонч бағишлаши, завқлантиришининг ўзи унга хотиржамлик ва таскин бағишлайди. Ҳар қандай моддий нарсани яратиш маънавият билан чамбарчас боғлиқ. Чунки моддий нарсаларни яратишда инсон ақл – заковати, қобилияти, ишбилармонлиги асосий омил ҳисобланади. Моддийлик ва маънавийлик бир – бири билан узвий боғлиқда ривожланади, тараққий этади. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай фикр билдирган: “ ...инсонга хос орзу интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг

икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади”.<sup>1</sup> Бу тушунчалар кўшқанотга айланса, биргаликда жонланса жамият, давлат барқарор бўлишини таъкидлайди.

Зеб–зийнат буюмлари моддийлик сифатида бойлик, хазина ҳисобланиб, инсоннинг ташқи оламини нафслаштиради, маънавий жиҳатдан инсонни завқлантирувчи, маънавий – руҳий куч бағишловчи хислат бўлиб, инсон ички оламидаги ҳис – туйғуларни кўзғатувчи, интилишларини уйғотувчи, фикр ва қарашларини жадаллаштирувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, заргарлик амалий санъати ўзбек халқининг қон – қонига сингиб кетган бўлиб, кўп қиррали ва бой анъаналарга эга ва ниҳоятда ранг – баранг маъданий меросимизнинг энг ажойиб, бемисл ва бетакрор намуналаридан бири ҳисобланади. Миллий – эстетик таъбақ диднинг ўзига хослиги заргарлик соҳасида ҳамда бошқа маънавий маданият соҳаларида ўз ифодасини топган. Заргарлик авлоддан – авлодга ўтиб, сайқалланиб, тараққий этиб, инсонларнинг эстетик завқи, ижодий кучи ва қобилиятларини ҳам ўзгартиб боради.

**Зардўзлик амалий санъати – маънавиятга етакловчи йўл.** Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ҳунармандчилик кенг тарқалган бўлиб, улар орқали маънавий амалий санъат ва бадиий санъат юксак тараққий этган. Улар ўзининг жозибадорлиги, чиройлилиги билан инсонлар маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Ўрта Осиёда ҳеч бир бадиий – амалий санъат зардўзлик сингари катта обрў ва ҳурматга эга бўлмаган. Зардўзлик жуда қадим тарихга эга ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зардўзликнинг йирик марказлари Фарғона, Самарқанд, Бухоро бўлган. Зардўзлик кийимлари зарбоф кийимлар деб аталади. Булар жуда чиройли қилиб безатилган ва қимматбаҳо материаллардан тикилган.

Зардўзлар ўзларига Ҳазрати Юсуфни пир ҳисоблаб, иш бошлашдан олдин унинг номини ҳурмат билан тилга олганлар. Зардўзлик икки хил,

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Юксак маънавият-энгилмас куч” Т., “Маънавият” 2008 йил. 67-бет

заминдўзи ва гулдўзи усулда тикилади. Гулдўзи – қоғоз картонни мато устига қўйиб, зар ип билан тикиш усули ҳисобланса, Заминдўзи барча жойи ёппасига кашталанган бўлади. Зардўзлик буюмлари зодагонлар, бойлар билан бир қаторда оддий меҳнаткашларнинг уйида ҳам қадимдан бўлган.

Зардўзлик ҳозирги пайтда ҳам кенг тарқалган. Ҳар бир ўзбек аёли зардўзлик касби билан оз бўлса ҳам таниш бўлса керак, албатта. Ўзбек қизлари айниқса қишлоқ қизлари турмушга чиқиш олдидан бу касб билан маълум даражада шуғулланади ва келинлик сепини зардўзи кашталар билан безашга ҳаракат қилади. Бу эса зардўзлик буюмлари ўзбек аёллари ҳурмат – эътиборини қозонганини ва қадрият сифатида эъзозланишини англатади.

Аждодларимиздан бизгача етиб келаётган бу амалий – безак санъати меҳнат, меҳнат маҳсулоти сифатида моддий ҳаёт қадрияти, бу касб билан бутун оила ёки бир сулоланинг шуғулланиб келиши ижтимоий ҳаёт қадрияти, бу касб эгалари маълум билим, малакага эга бўлишлари маънавий ҳаёт қадрияти сифатида англашга асос бўлади. Зеро, бизнинг қадимий тарихимиз, бой маънавиятимиз, оламшумул маданий меросимиз, эртага эришадиган ютуқларимизнинг асосидир. Аждодларимиз асрлар давомида яратган маънавий ва маданий мерос шу қадар кенг қамровли, ғоят улканки уларнинг умумий хусусиятларинигина ўрганиб, таҳлил қилиш, уларни маънавиятимиз ва маданиятимиз учун асос қилиб олишимиз даркор.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, зардўзлик ҳунармандчилик ва амалий безак санъати сифатида ўзбек этнографияси, маданияти ва маънавияти тарихидан муносиб ўрин олган. Бу эса ёшларга бу ҳунарни мукамал эгаллаб, уни замонавий шакл ва мазмунан ўзгартириб, бойитиб боришига имкон беради. Ўз навбатида бу ҳунармандчилик инсонни тўғрилиқка, ҳалолликка, тиришқоқликка, уддабуронликка, эпчилликка, ишчанликка умуман олганда маънавий етукликка етакловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки инсон маънавияти ва онгини ривожлантиришда меҳнат асосий ўрин эгаллайди.

## **Бўйрачилик амалий санъати – моддий ва маънавий ҳаёт қадриятидир.**

Қадимги ва кўҳна Шарқ ўлкаларида истиқомат қилувчи халқлар ўзларининг меҳнаткашлиги, камтаринлиги, эътиқодлилиги, иймонлилиги билан машҳур ҳисобланишади. Меҳнаткашлар ишларининг оғирлигига ва машаққатли эканлигига қарамасдан, ўз ниятларини амалга ошириш учун куч топа олганлар. Улар чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчиликни юксак даражага олиб чиққан, десак адашмасак керак ҳар ҳолда. Ҳунармандлар ўзлари яратган буюмларни санъат даражасига етказганлар. Биргина буни энг қадимги ҳунармандчиликлардан бири ҳисобланган бўйрачиликда ҳам кўришингиз мумкин. Бўйралар гилам, намат, палослар тагидан тўшалади. Уйларнинг устини ёпишда ёғочлар остидан қўйилади. Меваларни қуритишда яъни қоқи қилишда ва бошқа нарсаларда кенг фойдаланилади. Бўйралар асосан ариқ ва дарёларда кўп ўсадиган қамишлардан тайёрланади. Шунинг учун ҳам бу касб эгалари сув кўп жойларда истиқомат қилади. Қамишлар ерга ёйиб қўйилади ва унинг устидан оғир нарсалар билан юрилиб синдирилади. Ҳозирги пайтда транспорт воситаларидан ҳам бу ишда фойдаланилади. Шундан сўнг ўрим шаклида тўқилади. Тайёр бўйралар ўрам шаклида тайёрланади. Буларнинг барчаси қўл меҳнати билан қилинади. Шунинг учун ҳам бу ҳунармандчиликни санъат даражасига кўтарсак адашмаймиз.

Бўйрага ҳеч қанақа бўёқ ҳам, маълум даражада безак ҳам берилмайди. У табиийлигини йўқотмаган ҳунармандчилик ҳисобланади. Ўша табиийлиги уни ҳар қандай бадий – амалий санъат билан бир қаторга қўйишга асос бўлади.<sup>1</sup>

Бўйрачилик энг қадимги амалий санъат ва ҳунармандчилик сифатида маданий меросимиз тарихидан муносиб ўрин олган. Ўзбек халқининг маданий тарихи жуда қадимий бўлиб, бу эса халқнинг ахлоқий гўзаллиги,

---

<sup>1</sup> Ўша асар 226- бет.

урф – одати ранг –баранглиги, кўлами кенг, таълим – тарбия тизими илдизлари ҳам шунчалик чуқур эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда ҳам бу ҳунар аҳли Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ўз фаолиятларини олиб бормоқда. Сурхондарёнинг Қумқўрғон, Жарқўрғон, Қизириқ ва бошқа туманларида бу касб билан шуғулланувчилар бор.

Хуллас, бу касб эгалари ўз ҳунарларининг содиқ ворисларига эга десак, адашмаймиз. Улар касбкорлари маҳсули – меҳнат, меҳнат қуроллари ва меҳнат маҳсулотларининг яхлитлиги сифатида моддий ҳаёт қадриятлари ҳисобланади. Ўйлаймизки бу касб қадрият сифатида эъзозланади ва ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Келажак авлод бу касбнинг ҳам муносиб ворислари бўлади.

**Ганч ўймакорлиги – қадриятга айланган мерос.** Ўзбекистон ҳудудида шаҳарсозлик бундан 3,5- 4 минг аввал пайдо бўлган. Бу билан эса меъморчилик, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, фреска, мозайка каби амалий санъат манбалари ҳам пайдо бўлиб, ривожланиб борган. Ҳозиргача сақланиб келган амалий санъат соҳаларидан ганч ўймакорлигидан қадимдан бино ва иншоатларни безашда фойдаланилган. Ганч деворга, устун ва пештоқларга қалин қилиб сувалиб, нақш тасвири ганчнинг ўзига тўғридан – тўғри чизиб ўйилган.

Ўзбекистоннинг Тупроққалъа, Вараҳша, Қоратепа, Фаёзтепа ва Афросиёб каби қадимий ёдгорликлардан ганч ўймакорлигининг турли намуналари топилган. Қадимги усталар мураккаб нақшларни ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирларидан олиб стиллаштириб ишлаганлар. Ганч ўймакорлигининг энг ривожланган пайти сўнгги ўрта асрлар ҳисобланади. Бу соҳада ўзбек усталарида айрим вилоятга хос бадиий услуб ва белгилар сақланиб қолган. Қадимги ганч ўймакорлигида деярли ҳажми аниқ ва

орнаментал расмлар характерли бўлса, ўрта асрларда, асосан, ўсимлик ва геометрик шаклдаги, чуқур ўйиб ясалган, ҳашаматли безаклар пайдо бўлади.<sup>1</sup>

Ҳозирги даврда бинокорликда кўпроқ безакли рангли гуллар ва расмлар билан ганч ўймакорлигини биргаликда ишлашда ҳаракат қилинмоқда. Шунинг учун усталарнинг кўпчилиги нафақат ўймакор, балки шу билан бирга рассомчиликни ҳам эгаллаган. Улар ганчдан ташқари, бинокорликда ишлатиладиган ҳар хил карнизлар, устун, панжара ва бошқа деталларни ясаш ва бўяшни биладилар. Ганчкор усталар ҳар хил турдаги ўйма ишлатадилар: заминкори, чакка – пардоз ва табақа – пардоз. Улар ўзаро орнаментларининг ўйилиш услуби, чуқурлиги ва катта – кичиклиги билан фарқланадилар, аммо бир – бири билан узвий боғлиқдир. Ганч ўймакорлиги катта корхоналар, маъмурий бинолар, маъданий ва санъат саройлари билан бир қаторда ошхона ва дўконларда ҳамда фуқаролар уйларида ҳам безашда фойдаланилиб, шаҳар кўркига – кўрк, хуснига – хусн бағишламоқда.

Ганч ўймакорлигини амалий безак санъатининг нодир дурдонаси шу билан бирга маданий меросимизнинг ажралмас қисми деб ҳисобласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу амалий санъат меъморчилик таркибига киради. Меъморчилик ёдгорликлари эса ўз даврининг буюк одамлари, санъат, техника ва ҳунармандчилик тараққиёти даражасини ўзида акс эттиради. Ганч ўймакорлиги маъданий мерос сифатида аждодлардан авлодларга ворислик асосида қолдирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб, сараланиб келган, кишиларнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий маданиятга айланган десак адашмасак, керак ҳар ҳолда.

Ганч ўймакорлиги кўникма, услуб ва билимлари асрлар оша шаклланиб, янги тусга кириб бориши инсон маънавий оламининг ҳам бойиб бораётганлигидан далолат беради. Ганч ўймакорлиги маънавий мерос сифатида кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис – туйғусига таъсир этиб, улар

---

<sup>1</sup> Ўша асар 210- бет.

онгини бойитади, эстетик завқини оширади, ахлоқ – одобини эзгулик сари етаклайди.

Хуллас ганч ўймакорлиги қадриятга айланган моддий ва маънавий меросдир. Бу амалий санъат намуналари ҳам бошқа санъат намуналари каби ўзида моддий ва маънавий меросни жамлаб, уларни авлоддан – авлодга етказувчи, муқаддас анъаналарга эга бўлиб ҳисобланади. Ганч ўймакорлиги жамиятнинг келгуси тараққиётига, маънавий юксалишига хизмат қиладиган, унга ижобий таъсир қиладиган қадрият ва санъат бўлиб қолади.

### **Кулолчилик – маданий ва маънавий мероснинг ажралмас қисмидир.**

Қадимги Осиёда, жумладан, Марказий Осиёда ҳам илк санъат намуналари ўзининг узоқ тарихига эга. Албатта энг биринчи бўлиб, амалий санъат намуналари кўпроқ ривожланган, чунки амалий санъат ҳунармандчилик асосида келиб чиққан ва тараққий қилган. Ҳунармандчилик эса одамзотнинг азалий йўлдоши ва суянчиғидир. Ҳунармандчиликнинг энг қадимий ва оммавий тури кулолчилик ҳисобланади. Қадимги Шарқда илк шаҳар – давлатлар пайдо бўлган бир даврда Ўзбекистон ҳудудида сопол идишлар кўлда ясаиб, чизикча, нукта ва илонизи тасвирлар туширилган. Фарғона, Сурхондарё ва Амударё бўйи воҳаларидан топилган буюмлар учбурчак, ромбсимон, катаксимон қизил, қора, жигарранг чизиклар билан безалган. Кулолчилик Ўрта асрларда энг кенг тарқалган ва энг кўп соҳаларга эга бўлган ҳунармандчилик ҳисобланади.

Бинокорликда ишлатиладиган ранг– баранг кошинлар ва турли хилдаги бадий аҳамиятга эга уй –рўзғор буюмларини асрлар давомида яратиб келган кулолчилик санъати алоҳида аҳамият касб этади. Бу қадимий амалий санъат ўзининг бой анъаналари, нозик ва майин нақшлари ўзига хос миллийлиги билан инсонларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Ўзбек кулолчилигидаги бадий услуб узоқ давр мобайнида шаклланиб, айрим жойларда буюмлар турлари ва нақшларининг ўзига хослиги сақланиб келмоқда. Идишларга

бериладиган нақшлар, асосан қалам, чизма ва харрожи услубида амалга оширилган, баъзан улар биргаликда ишлатилган.

Кулолчилик Ўзбекистоннинг ҳамма жойида учрайди. Улар баъзан безаклари, ижодий тамойиллари, ўзигагина хос хусусиятларига эга бўлиши билан бирга асосий бадий умумийликни ҳам сақлаган. Хоразмда идишларга бериладиган гулли ва геометрик нақшлар, асосан, тўқ –яшил ва феруза, бироз кўк ва оқ ранглардан иборат. Риштон кулолларининг сирли идиш ва сопол буюмлари ўзининг нозик ва мураккаб нақшлари, бўёқлари, айниқса очиқ кўк ва феруза рангни бир неча тусдалиги билан ажралиб туради. Ҳозирги пайтда кулолчилик марказлари Риштон, Ғўримсарой, Ғиждувон, Ургут, Шахрисабз, Хива, Шеробод, Денов, Тошкент ҳисобланади.<sup>1</sup>

Мустақиллик маданий меросимизни ўзимизга қайтарди, унутилган, хўрланган, топталган маданий мерос намуналари ўрганилмоқда, сараланмоқда, умумлаштирилмоқда ва эл ўртасида намоёниш этилмоқда. Ўзбекистонда анъанавий қадриятларга эътиборнинг қаратилиши кулолчилик соҳасининг ривожланишини таъминлади. Ўзбекистон Республикасида анъанавий амалий санъат асарлари кўрғазмасига асос солинди. 1995- йилдаги Республика ярмаркасида барча кулолчилик мактаблари иштирок этди. Усталардан Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар (Ғиждувон), И. Комилов (Риштон), Р. Зухуров (Денов) ва бошқалар махсус тайёрланган “Уста гувоҳномаси”га сазовор бўлди.

Ўзбек кулолчилик санъати ҳам амалий санъатнинг бошқа соҳалари сингари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу нарса унинг хом – ашё, ишлаб чиқариш қуролларининг турлари, меҳнат тақсимооти, буюмларнинг шакл ва нақшлари кабиларда кўринади. Сопол идишларга туширилган нақшлар ҳаммаси бир – бирини тўлдиради, мукаммаллаштиради ва ўзига хос ҳусн бағишлайди.

---

<sup>1</sup> Ўша асар 214- бет.

Ҳозирги кунда маънавиятни юксалтириш, маънавий етук авлодни шакллантириш сув ва ҳаводек зарур бўлиб турган экан, демак, мана шу улугвор ва шарафли вазифани бажаришга маданий меросимизнинг аҳамияти ҳам юқори бўлиши аниқ. Шундай экан бадий ҳунармандчилик ва унинг замирида пайдо бўлган амалий – безак санъатини ёшларга ўргатиш, уларнинг касби – корига айлантириш ва шу орқали маънавий камолот сари етаклаш муҳим масала ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кулолчилик мерос сифатида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Сополлар нафақат илк санъат намуналари шу қаторда илк ёзув ашёлари ҳисобланади. Кулолчилик ёшларда чин дилдан меҳнат қилиш туйғусини ватанга ва унинг тупроғига муҳаббатни юксалтирувчи умуман олганда ватанпарварлик ва бошқа маънавий – рухий ҳислат ва фазилатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

### **Ёғоч ўймакорлигининг шахс маънавиятини шакллантиришдаги аҳамияти.**

Ўзбекистон ҳудудида ўрмонлар ва дарахтлар кам бўлишига қарамасдан амалий санъатнинг ёғоч ўймакорлиги ҳам қадимдан кенг тарқалган. Ёғоч ўймакорлигида диёримизда ўсадиган маҳаллий дарахтлар яъни қайрағоч, тут, арча, ёнғоқ, ўрик, тол, терак, чинорлардан кенг фойдаланилади. Ёғочдан турли хил усуллар билан жумладан кесиб, чизиб, ўйиб, заминини тешиб, нақш бўртма шакллар ҳосил қилиб, ёғоч тахтача ва бўлақларни бир –бирига улаб, ёпиштириб хандасавий шакллар, ўсимликсимон тасвирлар, ислимий нақшлар ҳосил қилинади. Мазкур ўймакорликка оид бўртиқ нақшлар меъморчиликда ва уй рўзғор буюмлари ясашда кенг қўлланилади. Ёғоч ўймакорлигида эшик, дарвоза, устунлар, ҳар хил тўсин, хонтахта, сандиқ, қутича ва бошқа нарсалар жуда моҳирона тарзда тайёрланади.

Илк ўрта асрларда Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Араблар истилосигача ҳар бир хонадонда ёғоч ҳайкаллар бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Санамлар ҳар бир уйнинг

эшигининг устида турган. Улар эскирса янгиси билан алмаштириб қўйилган. Эшик тепасида туриши хонадон соҳибларига яхши ишлар қилишини, ёмон ишлардан ўзларини тийишини, ҳеч бир жонзотга озор бермаслигини эслатиб турган бўлса ажаб эмас. Хонадон соҳибларини ҳалол меҳнат қилишга ундайдиган ва турмушда маънавий – руҳий қувват берувчи куч ҳисобланган бўлиши ҳам мумкин.<sup>4</sup>

Халқимизнинг ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиши ҳеч қачон тўхтаб қолмаган. Бу Қусам ибн Аббос мақбараси, Сайфиддин Боҳарзий мақбараси тўсинлари, Рухобод мақбараси, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек мадрасасидаги ва Хивадаги тош ҳовли айвонлари устунлари ва эшиклари безакларида кўзга ташланади. Булар асрлар оша ўтиб келаётганлиги, моддий ва маънавий мерос сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаганлигининг ўзи унинг муқаддас кадриятга айланганлигини кўрсатади. Ўзбекистон воҳаларида турлича услубдаги ёғоч ўймакорлиги бўлиб, бир-бирини такрорламайди. Бухоролик усталар ўйма нақшларни олтин ва кумуш суви билан беаганлар, Хивада нақшнинг майдалиги, заминнинг камлиги, ўйноқилиги билан ажралиб туради ва ёғочнинг табиийлигини сақлаш учун бўёқдан фойдаланишади. Бошқа воҳаларда ҳам турлича бўлган. Бу уларнинг моддий ва маънавий қарашлари, қизиқишлари турли хил бўлганлигини, ўз касби – кори билан дунёни билишдаги, уни тасвирлашдаги ва уни моддий ва маънавий жиҳатдан бойитишдаги интилишлари самарасида юксак санъат асари яратганини англатади.

Ўймакор усталар яратган нақш заминида қандайдир рамзий маъно, эзгу тилак, орзу ва гўзал ниятлар ифодаланган. Уларнинг нақшларида ҳатто тимсол, дуо – афсунлар анча кўп бўлган. Иш қуролларининг соддалиги, техникавий жиҳатдан қоқоқлигига қарамасдан, ўзбек ёғоч ўймакорлиги ниҳоятда юксак санъат намуналари яратган ажойиб амалий касб ҳунар соҳиблари сифатида танилган. Ўзбек халқи амалий безак санъатининг ёғоч

---

<sup>4</sup> Ўша асар 212 бет

ўймакорлиги намуналари халқаро кўргазмаларда мувоффақият билан қатнашиб келмоқда. 1937-йилда Парижда “Санъат ва техника ҳозирги кунда” деган кўргазмаларда қатнашиб иккита “Гран при”, иккита кумуш медал билан мукофатланган. Икки йилдан сўнг Нью-Йорк бўлган “Келажак олам” кўргазмасида дипломга сазовор бўлган. Бундан эса кўриниб турибдики ўзбек амалий санъати фақат Ўзбекистонда эмас, бутун жаҳонда ўз кадр- қимматига эга. Ўтган асрлар мобайнида халқ усталари ёғоч ўймакорлигини турли хил янги безаклар билан бойитиб борди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлганидек амалий санъатга, шу жумладан ёғоч ўймакорлигини ҳам ривожлантиришга катта эътибор билан қаралмоқда. Муқаддас қадамжоларимиз ҳисобланган Имом Бухорий мажмуаси, Имом Мотурудий мажмуаси, Исо ат-Термизий ва Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуаларида ёғоч ўймакорлигининг қадимги ва ҳозирги усулларида фойдаланилаётганлиги ҳам бунинг ёрқин исботидир.<sup>1</sup>

Ёғоч ўймакорлиги асарлари нафақат моддий маданият шу билан бирга маънавий маданият ва қадриятдир. Муқаддас қадамжоларимизга борар эканмиз, у ерда маънавий – руҳий қувват оламиз. Аждодларимиз учун қурилган мажмуалар билан фахрланамиз, уларга муносиб ворис бўлишга ҳаракат қиламиз. У ердаги амалий безак санъатлари завқлантиради, эстетик оламимизни бойитади. У ерда инсон кўрганлари, билганлари, ҳис қилганлари киши онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ – одобини эзгулик сари етаклайди. Кўзи билан кўрганлари уни гўзаллик сирларидан баҳраманд қилса, қалби билан ҳис қилганлари уни иймонини кўзғатиб, эътиқодини бақувват қилади ва инсонларни ўз олдига эзгу мақсадларни кўйиб уларни амалга ошириш учун интилишга, ҳаракат қилишга ундайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов санъат ҳақида тўхталиб шундай фикр билдиради: “Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбида йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз,

---

<sup>1</sup> Ўша асар 213 бет

хаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас”. Бу билан санъат ва маданиятнинг инсон қалбига ва эътиқодига кучли таъсир этишини ва тез кириб боришини эътироф этади. Ижодкор инсон қалбига йўл топишда ўз қарашлари, фикрларига эга эканлигини, уларга ҳалақит бериб бўлмаслигини айтиб ўтганлар.<sup>1</sup>

Хуллас, ёғоч ўймакорлиги амалий санъат сифатида инсон маънавияти ва маданиятида самарали хизмат қилади. Инсоннинг ботиний ва зоҳирий оламига эзгуликка, гўзалликка интилиш, ахлоқ-одобли, дид-фаросатли бўлишга ҳамда жисмоний ва ақлий баркамол бўлиши учун моддий, маънавий, эстетик озуқа бўлади. Ёшларни меҳнатсевар, тиришқоқ, қобилиятли қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

**Халқ амалий санъатининг инсон маънавиятига таъсири.** Мустақиллик йилларида миллий тикланишга алоҳида эътибор берилиб, барча соҳаларда самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада халқ бадий ҳунармандчиликларини ва амалий санъатини ривожлантириш учун катта имкониятлар берилган. Қасаначилик ва хонадон ҳунармандчилиги давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бизга маълумки халқимиз қадимдан деҳқончилик, чорвачилик билан бир қаторда ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланиб келган. Ҳунармандларимиз ўз буюмларини кундалик эҳтиёжлари учун тайёрлашсада, уларни санъат даражасига етказиб безашган. Ҳунармандларимиз яратган буюмлар бошқа халқларнинг буюмларидан шакли ва безаги билан тубдан фарқ қилади. Бундан билсак бўладики, безак санъати, амалий санъат ва тасвирий санъат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳозирги кунда ёки ўтмишда тайёрланганидан, айтилиши вақтда қаерда сақланаётганидан қатъий назар халқимиз томонидан яратилган нарса ва

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари. Т. 2008 йил. 65-бет.

буюмларни миллий хунармандчилигимиз, миллий санъатимиз, миллий қадриятимиз деб айтишга тўла ҳақлимиз.

Халқ амалий санъатида қадимдан тайёрланган ва иқлимимизга мос бўлган енгил бош кийими дўппи ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлса керак. Дўппи қадимдан Эрон ва Туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Ўзбек ва тожик халқларининг миллий кийимига айланган. Ҳар бир халқ дўппилари бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида турли хилдаги дўппилар тикилади. Улар шакл ва безаги билан фарқ қилади. Бу эса халқимизнинг маънавияти нақадар юксаклигини уларнинг қарашлари, фикрлари, урф-одатлари ранг-баранглигини кўрсатади. Зеро, маънавияти юксак халқнинг ишларининг самарадорлиги ва унуми ҳам шунча юқори бўлади.

Дўппи ўзимизнинг миллий матоларимиз: сатин, шойи, бахмалга ип, зар иплар билан кашта тикиб тайёрланади. Дўппи вилоятларда шунчалик хилма-хиллик билан безатилади-ки бир-бирини такрорламайди. Мамлакатимизда Чуст, Андижон, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари энг машҳурлари ҳисобланади. Улар орасида энг кўп тарқалгани Чуст дўпписи бўлиб, тўқ-яшил шойи ёки сатиндан тўрт каржли қилиб тайёрланади. Тепасининг ҳар бир томонида қалампирнусха ёки бодом шакли, кизагининг ҳар бир томонида тўрттадан ярим доира шаклли кашта билан сидирға қолаб, оқ ипда тикилади. Бойсуннинг думалоқ шаклли дўпписининг нақши содда, гуллари марказга томонга йўналган, қавиқ чоклари эса қовургади юзни ҳосил қилади. Тайёр ҳолга келган дўппи инсоннинг моддий оламини нафислаштиришга, эстетик бойитишга хизмат қилади.<sup>1</sup>

Шарқ халқларида қадимдан дўппи асосий бош кийим бўлиб келган. Дўппи кийган одамлар маънавий- руҳий пок, иймон-эътиқодли, ҳалол ҳисобланиб келинган.

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 223 бет.

Дўппидўзлик умуман барча ҳунарлар инсоннинг ишбилармонлик ҳислатларини оширади. Ҳунармандга хос бўлган серҳаракатлилик, маъсулиятлилик, инсофлилик, ишчанлик, тиришқоқлик ҳислатлари инсон маънавий оламига кучли таъсир қилиб, фидокорлик, самимийлик, жонкуярлик, инсонпарварлик каби ахлоқий қарашлар ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат асарлари инсон маънавий дунёсини бойитиш, гўзал нарсалардан баҳраманд қилиш хусусиятига эга ҳамда ички руҳий оламига эмоционал таъсир кўрсатади.

Дўппидўзлик ҳозирги вақтда Чуст, Тошкент “Шарқ гули”, Бухоро “Зардўз” акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарда ҳамда хонадонларда давом эттирилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки анъанавий амалий санъат ва бадий ҳунармандчилик халқимизнинг маънавий ва моддий мероси сифатида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ёшларимиз касби-кори бўлиб, авлоддан-авлодга ўтувчи миллий кадрият бўлиб қолади. Халқимизнинг табиий истеъдоди, машаққатли меҳнати, юқори диди туфайли пайдо бўлган ажойиб халқ амалий санъати ёдгорликлари, аждодларимиз яратган баркамол, бебаҳо ва ноёб санъат асарларининг намуналари ўзбек халқининг жаҳон маданиятига қўшган зўр ҳиссаси бўлса керак, албатта. Келажаги буюк давлатнинг маънавий маданияти ҳам шунга хос ва мос бўлиши даркор.

### **2.3. Маънавиятнинг санъатнинг бошқа турлари ривожлантиришдаги аҳамияти.**

Санъат турлари чексиз ва чегарасиздир. Улар ҳақида тўлиқ ва барафсил маълумот бериш қийин. Шундай экан уларнинг баъзи бирларига тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Санъат жумладан, бадиий адабиёт, ўзликни англаб етишнинг мустақил бир йўлидир.<sup>1</sup> Санъат турлари бехисоб, уларнинг ҳар бир воқеликда мавжуд муайян имконидан фойдаланади. Ҳайкалтарош тошни “жонлантиради”, муссабир ранглар товланишини ишга солади, муסיқа санъати қадимгилар ишончига кўра, инсон туйғуларига бевосита коинот уйғунлиги олиб кирувчи восита ҳисобланади. Аммо бадиий тафакурнинг энг қудратли имкониятлари чексиз воситаси, бадиий сўздир.

Инсон хатти-ҳаракат, имо-ишора билан ҳам кўп нарсани тушунтира олади. Аммо барибир сўз, инсон хулқи ахборот алмашувининг бош воситасидир. Санъатнинг ҳам аҳли башарнинг ўзига хос ахборот алмашув воситаларидан бири деб қаралса, сўз санъати ушбу бадиий дунёсида алоҳида мавқега эгадир.<sup>2</sup>

Адабиёт инсон тафакурининг, маънавиятнинг асоси ва бош озиғидир. Чунки унда ҳаёт акс этади. Аммо ўз холича, кўзгудагидек эмас, балки муаллиф мақсадига бўйсуниб, унинг нигоҳи орқали кўринади. Адабиёт ибрат мактаб, меҳрпарваришдир, мустақиллик йилларида бошқа фанлар каби адабиётга ҳам кенг ва атрофлича эътибор берилмоқда. Адабиёт ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шундай фикр билдирганлар “агар бир Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон

---

<sup>1</sup> Муҳаммаджон Имомназаров. “Миллий маънавиятимиз асослари”. Т. 2006. 332 бет.

<sup>2</sup> ўша китоб. 333-бет

айтгандек, адабиёт яшаса миллат яшайди”<sup>1</sup> бундан кўриниб турибдики, адабиёт миллат, халқ, давлат келажагининг муҳим таянчларидан бири ҳисобланади.

Бадиий адабиёт-санъат системасида алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, бадиий адабиётнинг асосий тасвири ифодали воситаси бўлиб хизмат қилади. Зеро унинг ўзаки сўз санъати деб бежиз айтмайдилар. Сўзли санъат икки кўринишда-оғзаки ва ёзма адабиёт орқали намоён бўлади. Сўзли санъатнинг дастлаби шакли сифатида оғзаки адабиёт юзага келган. Гарчанд ҳозирги бадиий маданият таркибида оғзаки адабиёт қадимги дунё ёки ўрта асрлардаги сингари улкан аҳамият касб этмаса ҳам, уни ҳисобдан чиқариб юбориш ҳали эртадир. Чунки биринчидан бир қатор халқлар ҳаётдан халқ эртақчилари ва бахшилар санъатида, иккинчидан у сахна санъати ва ойнаи жаҳоннинг мулоқот сўз турлари ўзига хос қайта туғилгандек амал қилмоқда. Бадиий сўз усталари (М.Ҳамидов, А.Турдиев, Ё. Аҳмедов, У.Тиллаев) ва аксиячилар ижодида оғзаки ҳикоялар, лавҳалар, бошқа митти бадиий матнлар ўқилиши ўзига хос нафис-завқ-шавқ бағишлайди, лекин бордию улар барчасини ёзма тарздаги баёни билан алмаштирилса, унда мазмун ва туйғу таъсири бир мунча пасайиб кетади. Оғзаки адабиётда сўз билан идрокни ажратиб бўлмайди. Чунки бир вақтнинг ўзида муаллиф билан ижрочи бирлашиб кетади, бинобарин сўзда ифодаланган асар ижро ва бевосита идрок учун яратилган бўлади. Ёзма адабиёт эса ижро талаб қилмайди ва эшитувчига эмас, балки ўқувчига мўлжаллангандир.

Оғзаки ва ёзма адабиёт ўртасидаги фарқ уларнинг инсонга турлича таъсир ўтказишда ҳам намоён бўлади. Айтилган сўз эшитишга, ёзилганни кўришга ва ўқишга мўлжаллангандан ташқари энг муҳими шундаки, ёзма адабиётнинг идроклаш субъектидан кўпроқ ижодий фаолликни ва

---

1. И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т., “Маънавият”. 2008. 140-бет.

мустақилликни, адабий матндан дунёси ва ҳаётини тажрибаси билан қиёслаш талаб қилади. Оғзаки ва ёзма адабиёт фарқини билишда идрокнинг роли жуда катта чунки оғзаки адабиётни идроклаш одатда жамоа тарзида бўлса, ёзма адабиётни идроклаш яқка сирдош, шахсий тарзда содир бўлади.

Ўзбек миллий оғзаки адабиёти юксак бадиий анъаналарга эга бўлиб, аския, очиқ сахна, тўй томошалар орқали Юсуфжон қизик, Охунжон қизик, Ижроқум бува, Расул қори, Фаржилла ва бошқа ижросида сайқал топган ва улкан шухрат қозонган эди. Муסיқали оғзаки дoston айтишда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Қозок, Қорақалпоқ ва Қирғиз охунларининг маҳоратлари туркий забон халқлардан юксак эъзозланиб келинганлиги ҳаммага маълум.

Ўзбек халқ миллий маданияти таркибида ҳали ҳам салмоқли ўрин эгаллаб турган оғзаки адабиёт ижод қилинадиган латифа, лаха, қизикчилар кўринишлари, оғзаки сўз баҳси, ўткир сўз ва ҳозиржавоб ҳажв, интермедия ва бошқалар жамоа ижодини содир бўлишини тақозо этади ва бу жанрлар жамоа идрок қилишга мўлжалланган бўлади. Булар оғзаки адабиётнинг кўринишларидек. Улар ҳозирги давр ўзбек ёзма адабиётига, драма асарларига, ҳажв жанрларига, журналистика ёзмаларига ҳам катта таъсир ўтказмоқда.

Ёзма адабиётнинг ҳам асосий-моддий қуроли, тасвирий-ифодавий воситаси сўздир. Сўз фикр ифодаси фикр баёни бўлиб, сўз орқали одамларнинг билиш фаолиятлари қоғозга тушади, мияга ўрнашиб қолади. Сўз туфайли инсоният жамлаган ақлий бойликлар келажак авлодларга етиб келади. Сўз инсоният маданиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг воситасида моддий ва маънавий тус олган ёзма адабиёт санъатнинг тўйинтирилган турига айланди. Моддий ва маънавий олам, инсоннинг ақлий, маънавий дунёси ёзма адабиётда энг теран ва ҳар томонлама акс этади.

Бадиий адабиёт воқеликни ҳар томонлама акс этириш имкониятлари кенглиги туфайли инсон маънавий дунёсини бутунлайича, энг муҳими, унинг

харакатдаги ва ривожланиш ҳолатлари билан бирга қамраб олади. Ёзма сўзнинг буюк соҳиблари (ўз адабиётида А.Навоий, Машраб, Қодирий, Ойбек, Чўлпон ва бошқалар) инсон ички дунёсининг бутун ранго-ранглиги, бойлиги, мураккаблиги ажойиб маҳорат билан ифодалаш қобилиятига эга бўлганликлари билан ифодалаш қобилиятига эга бўлганликлари маълум.

Инсон маънавият олами ўзига хос яхлит бирликни ташкил этган бўлиб, унинг доирасида фикр ва туйғу, оқил ва сезги томонлар чамбарчас чирмашиб кетган бўлади. Будий адабиёт бу алоқадорликни сезгирлик билан фаҳмлаб олади ва одамларга бадий ифода воситаларида етказиб беради. Санъат турлари театр ҳам муҳим аҳамият касб этади. Театр юнонча сўз бўлиб “томошахона”, “томошалар учун жой” деган маънони билдиради.

Театр, очик сахна, цирк, кино, ойнаи жахон кўринишларини қоришмалик билан бирга “ўйин” ҳам бирлаштириб туради. Бу санъат турларининг одамларни бирлаштириш, уларнинг фаол ҳамкорлик ва ижодкорликка тортиш қобилияти уларни ахлоқий эстетик таъсир ўтказишнинг энг қудратли воситасига айлантиради. Техника, алоқа воситалари, техник жиҳозлар тараққиётининг ҳозирги босқичи туфайди театрнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Қадимги Турон ва Эрон масхарабозлари, ҳинд дайди актёрлари Италиян ниқоб комедияси актёрлари амалда ҳеч қандай драматургиядан фойдаланишмаган. Уларда “ўйин” асосини шу заҳотиёқ тўқиб ижро этиш ташкил қилган.

Театр сахнасидаги актёр билан яшаётган, севадиган, азоб тортаётган, қувонаётган одам ўртасида тўғридан-тўғри, бевосита алоқа-мулоқат содир бўлади. Бу алоқа-мулоқатсиз театр сахнасида томоша содир бўлмайди. Томошабин театрдан бетакрор эстетик роҳат олади, ҳаётни мушоҳада этиш билан бирга, бадий ижодий жараёнига ҳам аралашади. Сахна аҳамиятига томошабин муайян руҳий муҳитни келтириш, ўз муносабатини билдириш орқали спектакл матнига ва сахналаштириш услубига жиддий тузатишлар

киритгани ҳақида мисоллар учрайди. У ёки бу давр, мамлакат, шаҳар театрининг равнақ даражаси худди мана шу томошабин маданияти даражаси билан чамбарчас боғлиқ.

Театрнинг ўзига хос “тили”-ҳаракатдир. Театр, санъати, энг аввало, сахна харакати санъатидир. Шу боис спектакл ижрочиларини “ҳаракатдаги шахслар” деб атайдилар. Саҳна характи асосини драматик ҳаракат ташкил этади. Драматик ҳаракат ички ҳаракатдан ташкил топади. “Ички” ҳаракат инсон руҳий жараёнларини қамраб олади ва унинг воқелик билан хилма-хил муносабатлари табиатини очиб беради.

XX асрга келиб ўзбек театр санъати янгитдан-юртимиз ва жаҳон миқёсида шаклланган, даврлар синовидан ўтиб келаётган анъана ва тажрибалар асосида вужудга келгани ва камол топганини эътироф этиш зарур. <sup>1</sup> Марказий Осиё мамлакатларининг энг йирик “наврўз” халқаро “Шарқ-Ғарб“, “Илҳом-XX” энг яхши спектакллар фестиваллари, энг яхши актёрлик ишларининг кўрик-танлови, кўғирчоқ театрларининг, Тошкент театрларининг “Баҳор чоррахасида” фестивали машҳур бўлиб кетди.

Ўзбекистон маданияти-ўзига хослигини авайлаб асрайдиган. Айни вақтда миллий сарҳадлар билан чекланмайдиган, сахийлик билан дунёга ўз маънавий қадриятларини тақдим этадиган, инсониятнинг энг яхши маданий ютуқларини қабул қилиш учун ҳар доим ҳозир у нозир бўлган ноёб маданиятдирки, замонавий театримиз ана шу маданият уйғун равишда ривожланаётганини яққол намоёиш этмоқда.<sup>2</sup> Бундай ижодий изланишлар “Майсаранинг қизи”, “Искандар”, “Соҳибқирон”, “От кишнаган оқшомда”, “Тошкентга сайёҳат”, “Бобур”, “Собиқ Термизий” ва “Шайх Санъон” каби спектаклларда ўз аксини топган.

Ўзбекистонда малакали театр ҳодимлари-режиссёрлар, актёрлар, сценографлар, хореографлар, балет артислари, якканавоз хонандалар,

---

<sup>1</sup> Ўша китоб. 144 бет.

<sup>2</sup> Нурислом Тўхлиев, Алла Кременсова “Ўзбекистон Республикаси: энциклопедик маълумотнома”. Т.. 2002 йил 455-бет.

муסיқачилар, санъатшунослар тайёрлаш иши билан Маннон Уйғур номли давлат санъат институти, Мухтар Ашрафий номли консерватория, Миллий рақс ва хореография олий мактаби, Абдулла Қодирий номли санъат институти шуғулланади.

Ҳозирги бадиий маданият тизимида кино санъати муҳим ўрин тутди. Бир вақтлар кўча майдонларида моҳирлик билан намоёниш қилинган ўйин-кулги ва кўз бойлағич кўринишларидан бошлаб, ҳозирги мураккаб ҳаётий зиддиятлар ва муносабатларни акс эттираётган кино санъати XX аср фан-техника тараққиёти мўъжизасига айланди. Кино фақат илмий техника тараққиёти мўъжизасига айланади. Кино фақат илмий-техника тараққиёт меваси бўлибгина қолмай, балки фан-техника намоён бўлишининг шаклларида биридир. Кино санъати кинематографик техника воситасида намоён бўлиш шаклларида биридир. Кинонинг техник воситалари оддий кинокамера, ҳаракатланувчи кинокамера, овоз ранг, фазоли овоз, кенг экран, ўта сезгир киноплёнка, ҳажмли тасвир маиший ҳаёт соҳаларининг чуқур қатламларини акс эттириш имкониятларига эга.

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳам ҳар томонлама ривожланиш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда.<sup>1</sup> XX асрнинг 90-йиллари охирида Ш.Аббосов, И.Эргашев, М.Абзалов, З.Мусоқов, Р.Маликов каби режиссёрлар яратган “Амир Темур”, “Ўткан кунлар”, “Марғиёна”, “Отамдан қолган далалар”, “Дилхирож”, каби турли хил тарихий ва замонавий мавзуларда ўнлаб ҳужжатли фильмлар яратилди.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т., “Маънавият”. 2008. 146-бет.

XX асрнинг иккинчи ярмида санъатнинг телевидение тури равнак топди. Телевидения ҳам илмий-техник инқилоб маҳсулидир. Телевединия ўзининг ижтимоий аҳамияти жиҳатидан кенгроқ миқёсидаги санъат бўлиб, у сиёсий, илмий-техник, эстетик ва бошқа ахборотни тезроқ етказиб беришнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Санъат турлари ичида мусиқа ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мусиқа кўриш орқали эмас, балки эшитиш воситасида акс эттиради. Мусиқа ўз хусусиятига кўра, инсон ва воқеликдаги барча томонларни қамраб олгани учун, энг аввало, инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятини ифодалайди. Мусиқа мураккаб ижтимоий туйғуларни, энг аввало, ҳаётдаги нутқ оҳанглари ёки ҳаракат вазнлари акс этадиган ахлоқий ҳис-туйғулар, чунончи, Севги, Нафрат, Гурур, Қўрқув, эстетик санъат ёки табиат нафосати, улугворлик, фожиали, кулгили туйғуларни ифодалайди.

Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларини ифода этади. Машҳур тарихчи Шарофиддин Али Яздий ўзининг “Зарафнома” китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб. “Яхши овозли” хонандалар куйлашни бошлаб, ғазал-у нақш айтур эдилар ва турк-у мўғул, хитой-у араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди” деган маълумотларни келтиради.<sup>1</sup>

Мусиқа санъатнинг рақс, кўшиқ турлари билан кўшилганда етакчилик қилса, саҳна, кино, “ойнаи жаҳон” асарларида ёрдамчи восита сифатида келади. Мусиқа инсон фаолиятининг энг муҳим соҳалари билан алоқага киришади, меҳнат жараёнлари ва маросимларда қатнашади, маиший ҳаётнинг муҳим қисми сифатида одамларни бирон мақсад-ниятига сафарбар этади. Уларни ягона туйғу ва ғайрат атрофида бирлаштиради. “Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига караганда кўпроқ ва

---

<sup>1</sup> Ўша китоб. 140-бет

кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”<sup>2</sup> деб таъкидлаган эди-Президент И.А.Каримов. Муסיқа инсон бадий-эстетик тарбиялаш нафосат дини ва орзулар ҳосил қилади.

Шунингдек инсон маънавиятини, дунёқарашини шакллантиришда ва ривожлантиришда меъморчилик, рақс, балет, цирк кабилар ҳам салмоқли ҳисса қўшадилар. Инсон ҳеч қачон санъатсиз яшай олмайди. Санъат инсон қарашлари, орзу-умидлари, армонлари умуман ҳис туйғуларининг намоён бўлиш шакли сифатида майдонга чиқади.

---

<sup>2</sup> Ўша китоб. 141-бет

### **III. БОБ. Миллий – маънавий тикланиш ва санъат.**

#### **3.1. Мустақиллик йилларида маънавият ва санъатга муносабат.**

Ўзбекистон республикаси мустақаллик қўлга киритгандан кейин тарихан қисқа вақт ичида мамлакатда иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жудда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқларнинг барчасига Президент И.А.Каримовнинг томонидан чиқилган демократик жамият куриш концепцияси назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Президент И.А.Каримов мамлакатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалар билан бир қаторда маънавий-маърифий соҳага ҳам алоҳида эътибор берди.

Мустақилликдан кейинги баъзи бир олим ва файласуфлар иқтисодни биринчи ўринга қўйиб, фақат иқтисодни кўтаришни асосий вазифа деб билди. Лекин И.А.Каримов бу қарашларга қарши чиқди. Чунки бу фақат иқтисодга эътибор бериш бир ёқлама қараш эди. Бу эса танганинг бир томонига эътибор бериб, иккинчи томонини эътиборсиз қолдириш ёки инсоннинг ташқари кўринишини биринчи ўринга қўйиб, унинг ички ҳис туйғуларини, қарашларини инобатга олмасликка ўхшарди. Президент И.А.Каримов ўз асарлари орқали маънавият ва иқтисодни алоҳида-алоҳида эмас балки уларни уйғунликда ривожлантириш лозимлигини асослаб берди. Бу ҳақида “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида тўхталиб, шундай дейди. “Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли хаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак ўйлайманки, ўринли бўлади”.<sup>1</sup>

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлар бири ҳисобланади. Чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққиёт этади. Маънавият ва маърифатни ривожлантириш учун бир қатор Президент

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари. Т. 2008 йил. 67-бет.

фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари Олий Мажлис қарор ва қонунлари қабул қилинди. Жумладан, Республика Президенти 1994 йил 23-апрелда “Маънавият ва маърифат жамоат марказини ташкил этиш тўғрисида” 1996 йил 9-сентябр “Маънавият ва маърифат” маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” 1999 йил 3-сентябрда “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлар чиқарди. 1996 йил 9-сентябрдаги фармонда “маънавий-маърифий ислоҳатлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши, деб ҳисоблансин” деб белгиланди.

1998 йил 24 июлида Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий-маърифий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора тадбирлар тўғрисида” ги қарор қабул қилинди. Олий Мажлиснинг 25-чақириқ 1-сессиясида ҳам жамият маънавиятини янада юксалтириш ислоҳатларни амалга оширишда давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги яна бир қайд этилди.

Президентимиз И.А.Каримов миллий тикланиш, миллий тараққиёт ва миллий мерос, тарих, дин ва буларни тиклашда алоҳида этибор берди.

Миллий тараққиёт-эволюцион характерга эга. У пастдан юқорига томон кўтарилишдан иборат бўлган жараён дир. У миллатнинг шаклланиши каби узлуксиз жараён сифатида намоён бўлади. Маънавият миллий тараққиётдаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган: “маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушиниб этишга суянганда янада қудратли кучга айланади”. Кўриниб турибтики, маънавият миллий тараққиётга асосий ва етакчи ўрин тутди.

Миллий тикланиш-у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар қадриятлардан маҳрум этилган, тарихий-хотираси топталган, миллий ўзлигини англаш чекланган, манфаатли, мақсадлари,

хуқуқлари поймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичга келиб эса ўз мустақилигини қўлга киритиш натижасида миллий ривожланиш борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга йўналтиришга қаратилган умумиллий фаолият ҳисобланади.<sup>1</sup>

Миллий тараққиёт ва миллий тикланиш миллий меросни тиклаш миллат маънавиятини юксалтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади.

- Маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўзини-ўзи англашга эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;
- Мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айлантиришга эриши;
- Таълим тизимини ислоҳ қилиш Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри, соғлом, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;
- Миллий маънавият салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология, ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;
- Ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялар билан бойитиб бориш улар онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш;

---

<sup>1</sup> С.Отамуродов, С.Хусанов, Ж.Раматов “Маънавият асослари” Т. 2002 йил. 10 бет.

- Инсониятнинг асрлар давомига яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларни миллий маънавият салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир.

И.А.Каримов Миллий тикланиш маънавий ва маданий меросни тиклаш тарихини қайда жонлантиришни ўз асарларида мукамал асослаб берган “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида шундай ёзади: “албатта ҳар қайси халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятлар айро ҳолда тасавур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.<sup>1</sup> Мустақиллик йилларида маънавият ва санъатга алоҳида эътибор берилмоқда экан, табиийки маънавият нима: у қандай тушунча? деган савол пайдо бўлади. Маънавият ҳақида тарихчилар файласуфлар кўплаб таърифлар беришмоқда. Лекин ҳозирча тўлиқ ва аниқ вариант айтилганча йўқ. Бу маънавият тушунчаси жуда кенг ва серқирра тушунча эканлиги билан изоҳланади.

Маънавият (арабча “маънавият” маънолар мажмуи)- кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Одамзод пайдо бўлиб кўп минг йиллик тараққиёт жараёнида ўзини ўраб олган табиатни, турли ҳодисалар, воқеалар, ҳаётий жараёнларнинг кузатган унинг сабаблари ва қонуниятлари тўғрисида мушоҳада қилган турли тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиб келганлар.

Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшадиган, идрок ва ақл-заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган воситадир. Маънавият ва маънавий бойликлар, қадриятлар давлатнинг, халқнинг, миллатнинг, жамиятнинг айрим шахсларнинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир.

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 30-бет.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий илмий маданий ва диний меросини ўрганиш, унда халқнинг умумий ва бебаҳо мулк сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Мустақиллик даврида миллий истиқлол маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйғуларни, ғурурни ватанпарварликни ўстириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларининг кишилар онгига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингишга боғлиқдир. Мустақил тараққиёт йўлида миллий онг миллий ўз-ўзини англаш, маънавий камолотнинг асосий негизидир.

Маънавиятга шундай таъриф берганлар, “маънавият-инсоннинг рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон, эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс, куч, унинг барча қарашлари мезонидир. Маънавият шахсга, жамиятга давлат, миллат умуминсоният учун сув ва ҳаводек зарур ҳисобланади.

Маънавият ҳақида файласуфлар, марифатпарварлар турли хил таърифлар беришмоқдалар.

М.Имомназаров “Маънавият инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, суфиёна рамзий таърифдир. Зотан бошқа таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўйади” деб ёзади.

Т.Махмудов “маънавият-инсоннинг маълум даражасидаги жисмоний, ақлий ва рухий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир” деб таъриф берган.

А.Эркаев фикрича “Маънавият-инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват орномус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат,

ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир. Маънавият бундай таърифлар кўплаб берилган ва берилмоқда. Маънавият нафақат ижобий ҳислатлар мажмуи, шу билан бирга ташқи, салбий, таъсирларга иммунитет ҳосил қилувчи ҳодиса ҳамда инсон руҳий оламидаги муайян ижобий ижтимоий аҳамият касб эта оладиган фазилатларгина маънавият деб аталади.

Мустақиллик йилларида улуғ аждодлар юбилейлари, кўплаб шаҳарлар минг йилликларининг нишонланиши маънавий меросимизнинг тикланиши ҳисобланиб, уларнинг шарафига очилган музей, боғлар, хиёбонларда, уларнинг муҳташам ҳайкалларида маънавият ва санъат биргаликда ривожланганини кўринади.

Тасаввуф илмининг етук намоёндаси Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари таваллудининг 675 йилиги 1993 йил кенг нишонланди. Президент Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида “ота боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос кўйиб уни “Баҳоуддини балогардон деб” деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг “Дилинг Оллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилганидек жаранглайди деган фикрларни билдирганлар.

1994-йил Улуғбек йили деб эълон қилиниб, таваллудининг 600 йиллиги нишонланди, асарлари нашр этилиб, у бапро этган расадхона таъмирланди.

Улуғбек буюк давлат арбоби. Ўрта асрнинг буюк астрономи олими, илм-фан, санъати ташкилотчиси ва ҳомийси сифатида из қолдирган. 1996 йил мамлакатда ва жаҳон миқёсида А.Темур йили сифатида нишонланди. Ўша йили 18-октябр муҳташам Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди. Бу эса аждодлар руҳини шод этиш, уларнинг муборак номларини ёд этиш ва тарихий хотирани тиклашнинг яққол исботидир. Шу ўринда соҳибқирон

Амир Темур портретига тўғрисида тўхталсак муболаға бўлмаса керак. Баъзи бир миниатюра асарларини ҳисобга олмаганда ўз вақтида Амир Темурнинг портрет-сурати чизилмаган, лекин ушбу миниатюралр буюк Амир Темурнинг бетакрор шахсиятини ҳар томонлама тўлиқ ва ҳаққоний акс эттира олмаслигини тушуниш қийин эмас. Чунки бу расмларнинг бирида Соҳибқирон мўғулга яна бирида ҳиндга, учинчисида бошқа бир миллат вакилига ўхшатиб тасвирланади. Шу тўғрисида биз унинг асл қиёфаси қандай бўлгани ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эдик. Кўпчилигимиз уни шўролар даврда антропологик-ҳайкалтарошлик М. Герасимов яратган “кўрқинчли бюст орқали билардик, холос. Мустақиллик йилларида Президент И.А.Каримов ташаббуслари билан А.Темур портретини чизишга киришилди. Бу ҳақида тарихчи олимлар адиб ва рассомлар жамоатчилиқ вакиллари муҳокамаси ўтказилиб умумий хулосага келинди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ана шу фикрлар асосида портретни қайта ишлади ва бутунлай бошқа сиймо-бугунги кунда бутун халқимизда яхши маълум бўлган Соҳибқироннинг мумтоз қиёфаси пайдо бўлди. Айнан ана шу сиймо кейинчалик юртимизда А.Темур бобомизга атаб барпо этилган барча ҳайкаллар учун асос бўлиб хизмат қилди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев Амир Темур сиймосини яратиш учун 50 йил умрини бағишлайди. Ҳиндистон Бомбей, Калкутта, Эроннинг Техрон, Исфаҳон Туркиянинг Истанбул, Кўнё, Измир, Англия, Франция, Испаниянинг шаҳарларидаги музейлардаги миниатюра мактабларининг Амир Темур портретларини ўрганиб чиқади.

1993 йил Тошкентда, 1996 йил Самарқанд ва Шахрисабзда Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратди. Кўплаб шаҳарлар, қишлоқлар, кўчалар, мактаблар, хиёбонлар, Амир Темурнинг муборак номи билан аталмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 152-бет.

Бутун дунёда туркий ва форсий халқлар Алишер Навоийни танишмасликлари мумкин эмас. Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир, кўрсатган улуғ зотлардан биридир. Агар бу улуғ зотни авлиё десак у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккирлари, шоир десак, шоирларнинг султонидир.<sup>1</sup>

Мустақиллик йилларида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги, Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги, Имом ал-Бухорийнинг 1225-йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200- йилиги, Имом ал Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурхониддин Марғилоний таваллудининг 910-йиллиги. Огахийнинг 190-йиллиги, Бердақнинг 170-йиллиги ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг таваллудлари нишонланди уларга атаб бюстлар, ҳайкаллар ясалди ва муборак номлари ёд этилди.

Кўпгина шаҳарларнинг минг йилликлари нишонланди. Хива, Бухоро ва Хива шаҳарларнинг 2500 йиллиги Шахрисабз шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги каби юбилейлар жаҳон миқёсида кенг нишонланди. “Алпомиш” достонининг 1000 йилиги, “Авесто” ёдгорлигининг 2700 йиллиги нишонланиши тарихий-маънавий тикланишнинг самараси десак бўлади.

Мустақиллик йилларида адабиёт соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Шукур Холмирзаевнинг “Наврўз-Наврўз”, Нормурод Норқобиловнинг “Орият”, “Қувончлик кун” ҳикояларида анъанавий тасвирлаш усули моҳирона қўлланиб, замондошларнинг жонли образлари гавдалантирилган. Шоим Бўтаевнинг “шўродан қолган одамлар” қиссасида, Хуршид Дўсмухаммаднинг “Жазман”, ҳикоясида, Тоғай Мурод “Отамдан қолган далалар” романида услубнинг анъанавийлиги жаҳон адабиётига хос янги тамойиллар билан уйғунлашган.

---

<sup>1</sup> Ўша асар 147-бет

90-йиллар жуда муҳим тарихий ўзгаришлар даври, яъни маънавият маконининг шаклланиш даври бўлди. Бунда минтақа халқларининг мустақиллиги, миллий анъаналарини тиклаш ғоялари устуворлик қилди. Мазкур халқнинг бой ижодий меросини ўзлаштириш сари қадам қўйилди, ёш ижодкорларнинг бадиий онгида туб ижодкорларнинг бадиий онгида туб ўзгаришлар содир бўлди.<sup>1</sup>

90-йиллар охирида келиб Республика тасвирий санъатида муҳим ютуқларга эришилди. Ўзбекистон бадиий академияси ташкил бўлди. Санъатга шунчаки бир хунар деб қараш аста-секин барҳам топаётир. Фалсафий фикрлаш даври бошланди. Кўпгина ёш истеъдодли рассомлар шаклланди. Ўрта ва кекса авлод ҳам баракали ижод этмоқда. Услубий йўналишлар ва жанрларга хос тасвирлаш доираси анча кенгайди. Хайкалтарошлар ва графиклар ижодий фаоллик кўрсатмоқда. Мустақиллик, ижод билан шуғуланувчи кишиларга эркинлик берди. Турли хил тасвирлардан халос бўлиш имкониятини яратди. Рассомларда расмий портрет жанрига илгари унутилиб кетган тарихий шахсларга катта қизиқиш уйғонди. Кейинги йилларда Республика бадиий зўр жонланиш кузатилмоқда. Ўзбекистон бадиий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида “Энг улуғ, энг азиз” деб аталган республика бадиий рангтасвир дизайн, халқ ва амалий санъат, графика ва хайкалтарошлик кўрғазмалари ишлаб терибди.

Умуман санъатнинг барча соҳаларида театр, мусика, рақс, балет, кино, цирк кабилар ҳам кенг ва атрофлича эътибор берилмоқда. Бу эса мустақиллик йилларида маънавият ва санъат ўзаро уйғунликда ривожланаётганлигини кўрсатмоқда. Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлигида, кишилар ички-руҳий дунёсига эмоционал таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ана шу ҳусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

---

<sup>1</sup> Н.Тўхтаев, А.Кременцова. “Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома”. Т.2002 йил. 419 бет.

### **3.2. Маънавий камолот ва унинг санъатдаги инъикоси.**

Маънавий камолот ва унинг санъатдаги инъикоси ҳақида гап кетар экан, аввало комил инсон, комиллик ва камолотга интилиш каби тушунчаларни ўрганмоқ лозим. Комил инсон тушунчаси Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири ҳисобланади. Чунки ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш асосий мақсад ва вазифа ҳисобланади.

Жисмонан ва маънан етук, ўзини кимлигини англаган инсон комил инсондир. Комил инсон ва баркамол авлод тушунчалари битта нарса эмас, лекин улар бир – бирларини тўлдирувчи бўлиб ҳисобланади. Президент Ислон Абдуғаниевич Каримов баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, шундай таъриф берган: “Баркамол авлод жисмонан бақувват, ақлан теран ва маънан етук бўлмоғи лозим”.

Комил инсон ўзининг кимлигини англаган, ҳаёт сабоқларидан чуқур хулоса чиқарган, ўзгаларга қандай муомала – муносабатда бўлишни биладиган, аҳдига вафо қиладиган, камтарлик хислатларига эга, олийжаноб фазилатларни ўзига жо қилган шахсдир.

Баркамол авлод тарбияси учун ақлан ва маънан етуклик билан биргаликда жисмонан бақувват бўлиш ҳам лозим экан, мустақил Ўзбекистон Республикасида баркамол авлодни жисмонан соғлом бўлиши учун бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Бир қатор янги қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Жумладан , 2000 –йил 27 –июлда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. 2002 – йил 24 –октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида ” ги фармони эълон қилинди. 2004 – йил 27 –сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Мустақиллик йилларида спортни ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор ва қонунлари қабул қилинган.

Республикада ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш учун ўқувчи ва талабалар ўртасида уч босқични спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” каби мусобақалар ўтказилиши ҳам баркамол авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президент Ислон Абдуғаниевич Каримов соғлом авлоднинг жисмоний камолоти ҳақида шундай фикрларни билдирган: “Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади”,<sup>1</sup> “Спорт – фарзандларимизнинг характерини тоблайти, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради”,<sup>2</sup> “ Мамлакатни ҳеч нарса спорт каби тез танита олмайди” каби иборалари билан спортнинг соғлом авлод тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида урғу берганлар. Спорт билан бир қаторда маънавият ва санъат ҳам давлатни дунёга танитишда муҳим ўрин тутати.

Инсон оила муҳити, маҳалла куй, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртларида таълим – тарбия воситасида комиллик хусусиятларини ўзлаштиради ва шакллантиради. Албатта, соғлом оила – соғлом ва баркамол авлодни тарбиялайди. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар ўғити билан бирга сингади. Маълумки, шахс шаклланишида учта нарса муҳим ўрин тутати.

1. Ирсият (биологик) орқали ўтадиган хусусият.
2. Ижтимоий муҳит таъсиридаги хусусиятлар.
3. Таълим – тарбия жараёнидаги хусусиятлар.

Бундан билиниб турибдики оналар, аёллар фақат бешикларнигина эмас, балки дунёни тебратиб турган шахслардир. Ота яхши бўлса, эзгу ишлар билан шуғулланса ва оила - аъзоларига меҳрибон бўлса фарзанд ундан андоза олади ва унга ўхшашга ҳаракат қилади. Демак, комил инсонни

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Ватан ва халқ мангу қолади” Т. 2010 йил. 128-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 129-бет

тарбиялашда ота – она ва оила биринчи ўринда туради. Ўзбек халқида бир болага етти маҳалла ота – она деган иборасидан ҳам кўриниб турибдики оиладан кейинги тарбия ўчоғи маҳалла ҳисобланади. Ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади.

Таълим тўғрисидаги қонунга кўра мактабгача таълимда яъни боғчада энг яхши кўникмалар, тасаввурлар шакллантирилиши лозим. Мактабдаги бошланғич таълимда (1- 4 синф) асосий билимлар берилиши лозим. Чунки фундаментсиз пойдевор қуриб бўлмайди. Шундай экан бошланғич таълимга жиддий эътибор берилиб қолмай, унинг янада жадаллаштириш ва ривожлантириш лозим. Ўрта таълимда ( 5 – 9 синф) ҳаётга боғлиқ, ҳаётни назорат қиладиган, ўрганадиган фанлар ўрганилади. География, тарих, физика, кимё, алгебра, ҳуқуқ, маънавият, она тили ва адабиёт каби фанлар ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, мустақил ҳаётга қадам қўйиб бўлмайди. Президент И. А. Каримов бу фанлар ҳақида тўхталиб шундай фикр билдирганлар: “Тарих – халқ маънавиятининг асосидир”,<sup>1</sup> “Ўзликни англаш тарихни англашдан бошланади”, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор”.<sup>2</sup> Бундан кўриниб турибдики, юқоридаги фанларни ўрганиш қайсидир даражада ҳаётни ўрганиш демакдир. Кейинги босқичларда Касб – ҳунар коллежлари ва Академик лицейларида ёшлар ўз касблари ёки ихтисосликларини танлаш имкониятига эга бўлади. Олий ўқув юртларида ( университетлар, институтлар, академиялар) шахс миллатга, жамиятга, давлатга фидойи, жонкуяр, талабчан кадр бўлиб етишмоғи лозим. Бундай узлуксиз таълим жараёнида шахс комиллик сари интилади ва изланади.

Демак комил инсон оқ ва қора, яхшилик ва ёмонлик, поклик ва нопоклик моҳиятини жуда яхши тушунган бўлади. Комил инсон умидворлик ҳисси билан яшайди. Умидворлик – истикболни равшан кўрсатувчи ойнаи

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Ватан ва халқ мангу қолади”. Т. 2010 йил. 88-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 89-бет.

жаҳондир. Инсон ўзлигини, ўзининг фаолияти йўналишини тўғри англаса, умидворликни қадрига етади. Умидворлик тиббий дори – дармондан юз чандон, керак бўлса минг чандон кучли таъсир қилади. Комил инсон ўзгаларга қувонч бағишлайдиган, ўзгаларнинг бахтидан қувона оладиган, одамларни хурсанд қиладиган қобилиятларга эга бўлади. Ўзга кишиларнинг кўнглини шод эта оладиган одам жаҳонни эгаллаган, дунёни, коинотни забт этган билан баробардир. Бу ҳақида шеърят мулкининг султони А.Навоий куйидаги байтни келтирганлар.

Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлағай

Онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.<sup>1</sup>

Яъни бу ёруғ дунёда бир кўнгли ўксик инсонга шодлик бағишлаш оллох Каъбасини, бузулиб кетган бўлса, қайтадан обод қилишга тенгдир. Бу билан яхши инсон кўнгил Каъбасини тошдан тикланган Каъбадан улуғ биладилар.

Ўзбекистон давлати халқи олдида турган асосий мақсадлардан бири баркамол инсонни тарбиялашдир. Унинг асосий шартларидан бири билимдонликдир. Президент И.А.Каримов баркамол инсоннинг тўрт жиҳатига урғу беради:

– ўз ҳақ – ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;

– ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб самарасини кўрсин;

– атрофида содир бўлаётган воқеаларга мустақил муносабат билдира олсин;

– шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин.<sup>2</sup>

Комиллик ўз камчиликларини тузатишдан бошланади. Кўпинча инсонлар ўз хатоларини билиб қилишади, бу кўрлик эмас тубанликдир. Кўзингни юмгин, кўзга айлнасан эй кўнгил, деган – Жалололдин Румий. Бу

<sup>1</sup> А.Навоий “Ҳазойин ул маоний” 3 жилд. Тошкент. 1960. 621-Б.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. “Маънавий юксалиш” Т.1998 йил. 28-бет.

иборанинг замирида олам – олам маъно бор. Инсон ҳеч қачон ўз хатоларига кўз юмиб яшамаслиги лозим. Акс ҳолда унинг ижтимоий мавжудот эканлигига путур етиши ҳеч гап эмас.

Комил инсон ҳақида кўплаб буюк сиймолар ва алломалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Хусайн Воиз Қошифий “Футувватномаи султония” асарида, ёшлиқдан инсон руҳини парвариш қилиш орқали гўзал хулқ-атвор ва фазилатларни шакллантириш комиллик калити эканлигини ёзади.

Инсон ёшлигидан тарбияланиб эзгу ҳислатлар ва фазилатларни ўзида мужжасам этиб борган сари комилликка яқинлашади. Алишер Навоий ўз асарлари қаҳрамонларининг камолот ва фозиллик сари интилишларини мукаммал яратиб берган. “Фарход ва Ширин” романини Алишер Навоий ўз устозларидан фарқли ўлароқ шоҳ Хусравни буткул салбий тимсол сифатида талқин этди ва олдинги дostonларда идеал ошиқ, аммо иккинчи даражали қаҳрамон мавқеида турган Фарходга асосий диққатни қаратди. Ушбу ўзгаришнинг бош сабаби, Чин шаҳзодасининг маънавиятидаги етакчи фазилат унинг ўзлиги (шаҳзодалиги ва отаси хоқон мулкига ворислиги) дан буткул воз кечиб, пок ошиқлик ва элга наф етказиш йўлини тутганлиги (Тошкесар ва наққошлик хунарини касб қилиб олганлиги) бўлди. Демак комил инсон халқ корига ярайдиган, унинг оғирини енгил қиладиган, бу йўлда барча қобилиятини ишга соладиган шахсдир.

Азизиддин Насафий шундай таъриф берган: “Комил инсон шундай инсондурким, унда қуйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ, ва маъориф”.<sup>1</sup> Бу тўрт сифатларга эга бўлган инсон ҳеч қачон оғир ахволга тушиб қолмайди, аксинча ўзгаларга ёрдам бериб хурмати, обрў-эътибори ошади. “Комил инсон деганда-дейди Президент И.А.Каримов-аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори

---

<sup>1</sup> Азизиддин Насафий. “зубдат ул ҳақойик”. Т.1995 йил. 28-бет.

билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”<sup>1</sup>

Абу Наср Фаробий ёзади: “Камолотга эришувчи унинг ҳаракатларига, билим ва фозил жамиятда яшашига боғлиқ”.<sup>2</sup> Демак инсон комилликка, камолотга интилиб яшаши, билим олиши ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун курашмоғи лозим. Камолотга интилиш ички эҳтиёж мевасидир. Чунки, инсон ўз камчилик ва нуқсонларини, нафсини енга олса баркамолликка етишади. Бу биринчи галда, ўз – ўзини тарбиялашдан ва устозлар берган билимни қалбига жо қилишдан бошланадиган жараён дир. Комилликка йўл ҳар бир инсоннинг ўзидан бошланади. Жамиятда комил инсонлар кўпайиб борган сари мамлакат гуллаб яшнади.

Маънавий камолот ва санъат булар бир – бирини тўлдирувчи, ҳаракатлантирувчи, бой этувчи тушунчалар дир. Маънавий камолот ва санъат ҳар бири инсон билан боғлиқ. Инсонни эзгуликка етакловчи омил дир. Инсон буюк санъаткор деган ибора бекорга айтилган эмас. Европа уйғониш даври инглиз драмматурги У. Шекспирь инсонни ўраб турган оламини саҳнага, инсонларни эса актёрларга таққослайди. Бу эса инсон табиатни, жамиятни, давлатни бошқаришини ўзи ҳам бир санъатлигидан далолат беради.

Санъат – ҳар қандай вазиятда, ҳоҳ тушқунликда, ҳоҳ ривожланишда бўлмасин миллатнинг, халқнинг маънавий оламини бойитиш, бинобарин умуминсоний эзгуликка даъват этишни олий мақсад қилиб олади. Санъат тарих давомида ҳеч қачон бир тоифага эмас, халқ оммасининг барча табақаларига хизмат қилиб келган. Ўз халқи, ватани ва миллати санъатига бефарқ инсонни топиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам санъатни миллат кўзгуси ва маънавий манбалардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Санъат ҳам ғоя ва мафкура каби бир инсоннинг қалбида пайдо бўлади. У халққа тақдим этилиши билан халқ қалбига жо бўлади. Агар у халққа манзур бўлса,

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Маънавият юксалиш йўлида” Т. 1998 йил.

<sup>2</sup> Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри”. Т. 1991 йил 87 бет.

халқнинг ҳис – туйғуларига мос келса, таъсирчанлигини уйғота олса халқ онгига сингади ва унинг мулкига айланади.

Санъат – миллат кўзгуси. Аслида ҳар бир санъат асари, у қайси турда бўлмасин, аввало ўзи мансуб миллатнинг руҳини ифода этади ва шу билан қимматлидир. Миллий руҳини, фазилатларини йўқотган санъат асари ҳеч қачон миллат кўзгуси бўла олмайди.<sup>1</sup> Санъатнинг миллийлиги маънавиятнинг миллийлиги билан бевосита боғлиқлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Санъат маънавиятнинг, айниқса, миллий маънавиятни шаклланишига энг кучли таъсир этувчи манбалардан биридир. Ҳар бир санъат асари – театр, кино, ҳикоя, роман, расм, меъморчилик намунаси, аввало, ёшлар қалбида миллий маънавиятнинг шакллантириш учун хизмат қилади. Булар инсон онгига, қалбига бошқа воситалардан кўра тезроқ етиб боради. Ҳар бир инсон айрим кино, театрдаги ҳолатларга эргашиб, сўзларни такрорлаб юриши, кўшиқларни айтиши, рақсига тушиши табиий ҳол. Шу ҳолатнинг ўзиёқ санъат миллатнинг кўзгуси ва миллий маънавиятини шакллантириш, ривожлантириш, ниҳоят, худди ўша миллий фазилатлари билан жаҳон миқёсига эл – юртни танитиш воситаларидан бири бўлиб қолади.

Қолаверса, ҳар йили кўшиқлар байрами ўтказиш, ўзбек миллий санъатини ривожлантиришга оид қатор махсус қарорлар чиқарилаётгани, бу соҳага алоҳида эътибор берилаётгани бекорга эмас. Миллий санъат ўзлигини дунё миқёсида қанча кўпроқ танитса, эл – юртнинг маънавий қиёфаси ҳам шунча намоён бўлади. Бу соҳада ёшлар ўртасида олиб бориладиган таълим – тарбия ишлари, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг асл истеъдодлари миллий санъатни пухта эгаллашга жалб этилса, уларда миллий маънавиятнинг тезроқ ва кучлироқ ривожланишига йўл очилади. Зеро, миллат, миллий маънавият бир – бирининг қони, бир – бирини яшаш ва ривожланиш тарзидир.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Аҳмад Алиев. “Маънавият, Қадрият ва Баддият” Т. “Академия” нашриёти. 30-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 36-бет.

Ҳозирги вақтда хориж киноларига, мусиқа ва кўшиқларига ёшлар жиддий қизиқмоқда ва ўзлаштирмоқда. Бу ижобийми ёки салбийми деган савол туғилиши аниқ. Албатта бу билан хориж ҳаёти, кино ва мусиқаси билан танишиш яхши ҳисобланади. Лекин уларни кўр – кўрона ўзлаштириш яхши оқибат эмас. Миллийликни барибир ёддан чиқармаслик лозим. Мустақиллик йилларида машҳур созанда Турғун Алиматов ва хонанда Муножот Йўлчиевалар Америка, Франция сингари ривожланган мамлакатларга бориб концерт берганлар. Улар томошабинлар қалбида улуғ таассурот қолдирганлар. Ҳар икки санъаткорнинг ҳамма куй кўшиқларида фақат ўзбек мумтоз санъати замин экани маълум. Бир гуруҳ ёш санъаткорлар Германияга боришганда, аввал европача мусиқа, кўшиқлардан кейин миллий кўшиқ, яқка созлар – доира, найда ижро этилган миллий куйларни немис томошабинлари бошқалардан кўра зўр қониқиш билан қабул қилганлари, бир неча дақиқа чапак чалиб, санъаткорларни қутлаганлари ўзбек миллий санъатига нисбатан фахрланиш туйғусини янада кучлироқ уйғотади. Маънавий камолот интилиш, изланиш, билим олиш билан етилса, санъат ҳам билим ва интилиш билан рўёбга чиқади. Демак инсонни маънавий камолот сари етаклайдиган яна бир куч санъат ҳисобланади. Санъат ҳам маънавият сингари одамни эзгуликка, покликка, ҳалолликка етаклайди. Юқорида айтиланидек, комил инсон ўзгаларга шодлик улаша билиши керак. Демак санъат аҳли ўз санъати билан ўзгалар дардини, изтиробини олади, уларга қувонч ва шодлик бахшида этади. Бу билан баркамолликка, камолотга интилади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги глобаллашаётган дунёда юксак маънавиятли шахслар жуда ҳам зарур. Чунки умуминсоний, минтақавий ва миллий муаммолар уларни бартараф этиш шартлари ва талабларини фақат ўзига ишонган, халқ манфаатини ўз манфаати билан баб-баравар қўя оладиган, юксак билим ва савияга эга бўлган, ўзгаларнинг қалбига йўл топа оладиган инсонларгина ўз зиммасига олиши мумкин. Юксак маънавиятли шахсларгина инсоният ҳаётини ижобий ишлари билан бойитиб, янада жонлантиради. Инсоният маънавиятсиз яшай олмаганидек санъатсиз ҳам яшаши мумкин эмас. Алломалардан бири бу ҳақда шундай фикр билдирган эди: “Санъатсиз ҳаёт вахшийликдир”. Демак инсоният маънавият ва санъатсиз яшай олмайди.

Ўз ўрнида юксак маънавият санъат тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бир қаторда юксак савияли, юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашда санъат ҳам ўзининг катта ҳиссасини қўшади. Санъат инсон маънавий оламини, эстетик табиатини ривожлантиради. Инсон қалбидаги улуғворлик, меҳрибонлик эзгулик, иймонлилик, ор-номус, виждон, диёнат каби туйғулар маънавият ва санъат орқали озуқа олади. Жамиятда комил инсонларни тарбиялашда санъат ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Санъатнинг асосий таъсир кучи инсон маънавий дунёсига, унинг фикр мулоҳазалари ва хис туйғуларига, фалсафаники ақл идрокка, маънавий талаб эҳтиёжларни қондиришга, маънавий маданиятни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Инсон маънавий оламининг бир қисми бўлган мафкура ҳам санъат билан бевосита боғлиқ. Санъат табиатан умуминсоний манфаатлар ва интилишларни ифода этганлиги боис ҳеч қачон ёлғиз у ёки бу мафкура, у ёки бу қарашнинг ифодаси бўла олмайди. Мафкура кишиларнинг диний ахлоқий, эстетик қарашлари тизимида эстетик орзуга айлансагина, у

санъатда рўёбга чиқади. Санъат ва дин ижтимоий онгининг анъанавий – амалий шакллари билан бўлгани боис ақидавий яхлитликни ташкил этади. Санъат ва дин заминида ётган хис туйғулар бир хил маънога эга эмас. Диний ифодалар маросимлар санъат билан ташкил этилиб, инсон онгига хис туйғусига кучли таъсир ўтказади.

Санъат ва маънавий ахлоқнинг бош мавзуси – инсондир. Санъат яхши ва ёмон ҳодисаларни ибрат қилиб кўрсатиш асосида ахлоқий покликка, раҳм шафқатга, дардкашликка айна вақтда ахлоқий камолотга даъват этади.

Тасвирий санъат санъат турлари ичида ўзининг ҳақчиллиги ва тушунарлилиги билан катта аҳамиятга эга дастлабки тасвирий санъат намунаси бўлган қоятошлардан бугунги юксак ривожланган санъат асарларига узок йиллар ўтган. Тасвирий санъат асарлари ибтидоий даврда бўладими, ўрта асрларда, уйғониш даврида ёки бугунги ахборот ва техника асрида бўладими инсониятни эзгуликка, ҳамжихатлилиқ ва ахилликка ҳаёт гўзалликларидан завқ олишга ва улардан хулоса чиқаришга тарғиб қилади.

Тасвирий санъатнинг хайкалторошлиқ, графика санъати, ранг тасвир турлари ривож топган. Тасвирий санъат жанрлари орасида портрет жанри алоҳида ўрин топади. Ранг тасвирга портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб инсоннинг анатомик тузилишидан тортиб, ички рухий, маънавий, шунингдек ташқи кўринишидаги барча жихатларини акс эттириши билан санъат даражасидаги асар бўлиши мумкин. Натюрморт жанри орқали жонсиз нарсалар, сабзавот ва мевалар каби нарсалар чизилади. Манзара жанри – табиатнинг турли кўринишларини тасвирий санъатда акс эттирилишидир. Тарихий жанрдаги асарларда тарихий воқеалар, тарихий образлар акс эттирилади. Батал жанрида тарихий жанг воқеалари, ҳарбий образлар тасвирланади. Буларнинг барчаси орқали инсон маънавий-эстетик олами буёқларга эзгу мақсадлар сари интилишига ундайди. Заргарлик амалий санъати ўзбек халқининг қон – қонига сингиб кетган бўлиб, кўп

қиррали ва бой анъаналарга эга ва ниҳоятда ранг – баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб, бемисл ва бетакрор намуналаридан бири ҳисобланади. Миллий – эстетик таъб ва диднинг ўзига хослиги заргарлик соҳасида ҳамда бошқа маънавий маданият соҳаларида ўз ифодасини топган. Заргарлик авлоддан – авлодга ўтиб, сайқалланиб, тараққий этиб, инсонларнинг эстетик завқи, ижодий кучи ва қобилиятларини ҳам ўзгартириб боради. Зардўзлик ҳунармандчилик ва амалий безак санъати сифатида ўзбек этнографияси, маданияти ва маънавияти тарихидан муносиб ўрин олган. Бу эса ёшларга бу ҳунарни мукаммал эгаллаб, уни замонавий шакл ва мазмунан ўзгартириб, бойитиб боришига имкон беради. Ўз навбатида бу ҳунармандчилик инсонни тўғрилиққа, ҳалоллиққа, тиришқоқликка, уздабуронликка, эпчилликка, ишчанликка умуман олганда маънавий етукликка етакловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки инсон маънавияти ва онгини ривожлантиришда меҳнат асосий ўрин эгаллайди. Ганч ўймакорлиги қадриятга айланган моддий ва маънавий меросдир. Бу амалий санъат намуналари ҳам бошқа санъат намуналари каби ўзида моддий ва маънавий меросни жамлаб, уларни авлоддан – авлодга етказувчи, муқаддас анъаналарга эга бўлиб ҳисобланади. Ганч ўймакорлиги жамиятнинг келгуси тараққиётига, маънавий юксалишига хизмат қиладиган, унга ижобий таъсир қиладиган қадрият ва санъат бўлиб қолади. Кулолчилик мерос сифатида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Сополлар нафақат илк санъат намуналари шу қаторда илк ёзув ашёлари ҳисобланади. Кулолчилик ёшларда чин дилдан меҳнат қилиш туйғусини ватанга ва унинг тупроғига муҳаббатни юксалтирувчи умуман олганда ватанпарварлик ва бошқа маънавий – руҳий ҳислат ва фазилатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ёғоч ўймакорлиги амалий санъат сифатида инсон маънавияти ва маданиятида самарали хизмат қилади. Инсоннинг ботиний ва зоҳирий оламига эзгуликка, гўзалликка интилиш, ахлоқ-одобли, дид-фаросатли бўлишга ҳамда жисмоний ва ақлий баркамол бўлиши учун моддий, маънавий, эстетик озуқа бўлади. Ёшларни

меҳнатсевар, тиришқоқ, қобилиятли қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Санъат турлари ичида бадий адабиёт таъсирчанлиги ва тез таъсир қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Бадий адабиёт ўз ўрнида ёзма ва оғзаки адабиётга бўлинади. Оғзаки адабиёт аجدодлардан авлодларга ўтган сайин ўз аҳамиятини йўқотмай аксинча янги босқичга кўтарилиб, мукаммаллашиб келмоқда. Инсон маънавий олами ўзига хос яхлит бирликни ташкил этган бўлиб, унинг доирасида фикр ва туйғу, ақл ва сезгили томонлар чамбарчас чирмашиб кетган бўлади. Бадий адабиётнинг таъсир куч- қудрати шундаки, кечинмалар ва хис туйғулар оқимини ҳаммадан олдин фахмлаб олади. Уларни умумлашган, сараланган ва мужассамлашган тарзда намоён қилади. Муסיқа инсон туйғуларини куй асосида очиб беради. Муסיқа мураккаб ижтимоий туйғуларни, энг аввало ҳаётдаги нутқ оханглари ёки ҳаракат вазнлари акс этган ахлоқий хис - туйғулар, чунончи, севги, нафрат, ғурур, кўрқув, эстетик санъат ёки эстетик санъат ва табиат нафосати, улуғворлик, фожиали кулгули туйғуларни ифодалайди. Театр санъат турларининг одамларни бирлаштириш, уларнинг фаол ҳамкорлик ва ижодкорликка тортиш қобилияти уларни ахлоқий эстетик таъсир ўтказишнинг энг қудратли воситасига айлантиради.

Мустақиллик йилларида маънавият ва санъатга муносабат тубдан ўзгарди. Аждодларимизнинг таваллуд айёмлари кўплаб, шаҳарларнинг юбилейлари аждодларимизга хайкаллар, бюстлар тикланди. Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз Амир Темурга, Тошкент ва Навоийда А.Навоийга, Фарғонада А.Фарғонийга, Термизда Алпомишга, Урганчда Ж.Мангубердига Авесто ёдгорлиги, Андижонда Бобурга хайкал қўйилди. Бу эса аждодларимизга бўлган улкан эҳтиромни билдиради. Ҳар бир санъат соҳасида ижодий ишлар қилинмоқда. “Шарқ тароналари”, “Ўзбекистон Ватаним маним”, “Ниҳол” каби қўшиқ фестиваллари бунинг исботидир.

Маънавий камолот ўз ўрнида санъат билан бевосита боғлиқ.

Чунки маънавий камолот сари интилган инсон бевосита дунё янгиликларидан хабардор бўлади. Бу эса санъат асарларининг нафислиги ва гўзаллигидан баҳра олишга имкон беради. Баҳра олиш билан бир қаторда уша асарда маънавий озуқа олади. Ўзининг маънавий оламини бойитади. Комил инсон барча билимлар каби санъат соҳасида ҳам ўзининг қизиқишларига (ҳеч бўлмаса тингловчи бўлиб) эга бўлиши даркор. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагилар таклиф ва тавсиялар сифатида берилади:

- юксак маънавияти орқали санъатнинг жозибадорлигини, таъсирчанлигини, ишончлилигини ошириш мақсадга мувофиқ;
- санъатнинг маънавият ва бошқа соҳалар билан алоқадорлигини чуқур ва атрофлича ўрганиш зарур;
- юксак маънавиятнинг санъат тараққиётида ва уни ривожлантиришдаги аҳамиятини оширишга имкон бериш;
- тасвирий санъатни янада ривожлантириш уни жаҳон майдонидаги кўргазмалар залида кўпроқ намойиш этиш мақсадга мувофиқ;
- амалий безак санъатини оммалаштириш, бунинг учун хонадон хунармандчилиги ва касаначиликга эътибор бермоқ зарур;
- санъат турларини ривожлантириш учун етук ва тажрибали кадрлар тайёрлаш зарур;
- инсон маънавий камолотини ошириш учун таълим-тарбия билан бир қаторда уларга санъат сирларини ўргатиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

-таълим жараёнларида санъат ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги, санъатнинг маънавий асослари ҳақида дарслар ўтилиши лозим.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Расмий ҳужжатлар ва раҳбарий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.  
-Т.: “Ўзбекистон “, 2010.
2. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони//Халқ, сўзи, 1994, 24 апрель.
3. “Таълим тўғрисидаги “ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонуни .-Т.:” Ўзбекистон “, 1997.
4. Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури . –Т: “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли .- Т.:”Ўзбекистон “, 1992.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон –келажаги буюк давлат . –Т.:”Ўзбекистон “, 1992.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бусафасида :  
Хавфсизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари .  
Т.: “Ўзбекистон “ . 1997 .
8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин . –Т . : “Ўзбекистон “ 1998.
9. Каримов И.А. Баркамол авлод –Ўзбекистон таррақиётининг пойдевори .Т.:” Ўзбекистон “ , 1997.
10. Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда –Т.: “Ўзбекистон 1999.
11. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси –халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.:” Ўзбекистон “ 2000.
12. Каримов И, А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т. “Маънавият “, 2008.
13. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга ,келадакга эътибор - Т. ”Ўзбекистон “. , 2009.

## Асосий адабиётлар

14. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши . Т. ” Шарқ” . , 2000
7. Бобоев Ҳ. Ғафуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тарихи.: Т. “янги аср авлоди “, 2001.
8. Ватан ва миллат муқаддасдир .Т.” маънавият “. 2000.
9. Ватан юракдаги жавохир .Т. “Уқитувчи “. 2001.
10. Жалолов А.Мустақиллик маъсуляти. –Т : ” Ўқитувчи “, 1996.
11. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар...-Т: “Шарқ”, 1999.
12. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси .-Т “Ўзбекистон “, 1996.
13. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари . –Т. : ”Шарқ “, 1996.
14. Имомназаров М. Миллий Маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: ”Шарқ “, 1996.
15. Исматуллох Абдуллох. Маънавият ва маърифат // Миллий тикланиш //, 1996,12-ноябрь.
16. Каримов И .Миллат шаъни . –Т .: “янги аср авлоди “,2005.
17. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси . –Т: “Ўзбекистон”, 2008.
18. Миллий ғоя ва раҳбар маънавияти . –Т.:2007
19. Мустақиллик .Изоҳли илмий- оммабобп луғат, -Т.:2009.
20. Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий- рухий тикланиши. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2003.
21. Тўленов Ж. Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. –Т.: “Ўзбекистон”. 1996.
22. Эркаев А. Маънавият- миллат нишони. –Т.: ”маънавият”:, 1999.
23. Эркаев А.Миллий ғоя ва маънавият. –Т.: ”Маънавият”. 2002.
31. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Т.: Маънавият, 2008 й

32. Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2005 й.
33. Қуронов М. Миллий тарбия. – Т.: Маънавият, 2006 й.
34. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат – Т.: Янги аср авлоди, 2008 й.
35. Отамуродов С ва бошқ. Маънавият асослари. – Т.: 2002 й.
36. Қодиров С. Илм ва маънавият. – Т., М., 2004 й
37. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари, – Т., 2006й.
38. Ортиқхўжаев М. Маънавий уйғунлик, – Т., М., 2006й
39. Жабборов И. Ўзбеклар, – Т., Ш., 2008 й
40. Абдуллаев Н. Санъат тарихи, – Т., 2001й.
41. Кабиров Ж. Сармишсой қоя тошларидаги расмлар, – Т., Ў., 1976й.
42. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар, – Т., Ў., 1997 й.
43. Холмирзаев А. Зараутсой тилсимлари, – Т., Ш., 2003й.
44. Алиев А. Маънавият, Қадрият ва Бадиият, – Т., А., 2000й.
45. Умаров Э. Санъатнинг маънавий асослари, – Т., 2008 й.
46. Тўхтаев Н. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома, – Т., 2002й.
47. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб, Т., Ў., 1997й.

### **Журналлардаги мақолалар**

48. Оқилова К. “Тошкент анъанавий бадиий ҳунармандчилиги: ўтмишда, бугун ва келажакда” Санъат журнали, Т., 2-сон, 2007й.
49. Ўлмасов А. “Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари”, Санъат журнали, Т., 2-сон, 2006й.
50. Исмоилова Ж. “Варахша саройи ганч безаклари”, Санъат журнали, Т., 3-4-сон, 2008й.
51. Қурбонова Г. “Ўзбек халқи маънавий ҳаётида тарихий-маданий ёдгорликларнинг аҳамияти”, Мозийдан садо журнали, Т., 4-сон, 1999й.
52. Патиев Х. “Маънавият инсоний фазилат ва ахлоқийлик ифодаси” Ёш куч журнали, Т., 4-сон, 2010
53. Патиев Х. “Зараутсой тасвирлари аждодларимиз маънавияти мезони” Ёш куч журнали, Термиз., 2011й.

## Мундарижа

I. Кириш.....	.....
II. Адабиётлар таҳлили.....	.....
III. Асосий қисм:.....	.....
1-БОБ. Санъат тараққиётида маънавий омил ва унинг назарий методологик асослари.....	.....
1.1. Санъат – ижтимоий-маънавий ва эстетик ҳодиса.....	.....
1.2. Маънавий ва санъат. уларнинг ўзаро нисбати.....	.....
2-БОБ. Маънавий такомил босқичларида санъат тараққиёти.....	.....
2.1. Маънавийнинг тасвирий санъат такомил босқичларидаги аҳамияти. (қадимдан XX асрнинг 90-йилларигача).....	.....
2.2. Маънавийнинг амалий безак санъатини ривожлантиришдаги ўрни.....	.....
2.3. Маънавийнинг санъатнинг бошқа турлари ривожлантиришдаги аҳамияти.....	.....
III. БОБ. Миллий – маънавий тикланиш ва санъат.....	.....
3.1. Мустақиллик йилларида маънавий ва санъатга муносабат.....	.....
3.2. Маънавий камолот ва унинг санъатдаги инъикоси.....	.....
IV. Хулоса.....	.....
V. Фойдаланилган адабиётлар.....	.....

Термиз давлат университети Тарих факультети 4-босқич кундузги бўлим битирувчиси Патиев Холдор 5120300- Миллий ғоя: маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун **“Юксак маънавият санъат тараққиётининг муҳим омилли (И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч ” асари асосида )”** мавзусидаги битирув малакавий иши муаллифлик

## АННОТАЦИЯСИ

**Мавзунинг долзарблиги:**

---

---

---

**Ишнинг мақсади ва вазифалари:**

---

---

---

---

**Тадқиқот объекти ва предмети:**

---

---

---

---

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси, амалий аҳамияти ва тадбиғи:**

---

---

---

---

---

**Ишнинг тузилиши ва таркиби:**

---

---

---

---

**Олинган асосий натижалар:**

---

---

---

---

---

**Иқтисодий самарадорлиги:**

---

---

---

---

---

**Хулоса ва таклифлар:**

---

---

---

---

---

*Раҳбар* \_\_\_\_\_

Талаба \_\_\_\_\_

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Йўналиш: Миллий ғоя маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими

«Тасдиқлайман»

Факультет декани \_\_\_\_\_

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2012 йил

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ**

Талаба \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Ишнинг мавзуси \_\_\_\_\_

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил кафедра мажлисида  
маъқулланган.

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил ректорнинг № \_\_\_\_\_ -  
сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Ишни топшириш муддати \_\_\_\_\_

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

5. Адабиётлар таҳлили ва рўйхати:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_



## ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

### Тарих факультети

\_\_\_\_\_ таълим йўналиши

Битирувчиси \_\_\_\_\_ нинг  
(Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_ мавзуидаги битирув малакавий ишига ДАКнинг

### ХУЛОСАСИ

Термиз давлат университети ДАК Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги БМИ ни бажариш ҳақида 31.12.98. йил 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан қуйидагиларни аниқлади:

1. БМИнинг хажми ва талаб бўйичарасмийлаштирилганлиги (меёр: тиббий йўналишлар-50 бетдан, ижтимоий-гуманитар-70 бетдан кам бўлмаслиги керак): талабга жавоб беради-\_\_\_\_\_ балл
2. талабга қисман жавоб беради-\_\_\_\_\_ балл
3. талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд \_\_\_\_\_ балл
4. Мавзунинг давлат ва университет грант дастури асосида ёки долзарб муаммолар бўйича танлаганлиги: давлат дастурига кирган \_\_\_\_\_ балл
5. Грант лойиҳаси бўйича \_\_\_\_\_ балл
6. ТерДУ дастури бўйича \_\_\_\_\_ балл
7. долзарб муаммолар бўйича \_\_\_\_\_ балл
8. Мавзунинг долзарблиги асосланганлиги: етарли даражада асосланган \_\_\_\_\_ балл
9. етарли даражада асосланмаган \_\_\_\_\_ балл
10. ноаниқ \_\_\_\_\_ балл
11. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ ифодаланганлиги: аниқ - \_\_\_\_\_ балл,
12. тўлиқ аниқ эмас – \_\_\_\_\_ балл,
13. аниқ эмас – \_\_\_\_\_ балл,
14. БМИ бажаришда илмий текшириш методлардан фойдаланганлик даражаси тўла \_\_\_\_\_ балл
15. қисман \_\_\_\_\_ балл
16. етарли эмас \_\_\_\_\_ балл
17. Олдинги натижаларнинг янгилиги ва ишончилиги даражаси натижа янги \_\_\_\_\_ балал
18. илгари олинган \_\_\_\_\_ балл
19. тўла ишончли эмас \_\_\_\_\_ балл

20. БМИнинг хулоса қисмида ишлаб чиқаришга тавсия берилганлиги: бевосита ишлаб чиқаришга тавсия бор \_\_\_\_\_ балл
21. ижтимоий соҳада қўллашга (таълим, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий..) тавсия қилинган \_\_\_\_\_ балл
22. тавсия йўқ \_\_\_\_\_ балл
23. Битирувчининг мавзу бўйича олинган натижаларини танқидий баҳолаганлиги даражаси: аниқ \_\_\_\_\_ балл
24. тўла аниқ эмас \_\_\_\_\_ балл
25. танқидий баҳоланмаган \_\_\_\_\_ балл
26. Ишнинг илмий ҳарактери: илмий тадқиқотлар асосида \_\_\_\_\_ балл
27. аралаш шаклда \_\_\_\_\_ балл
28. Рефератив ҳарактерда \_\_\_\_\_ балл
29. Адабиётлардан фойдаланганлик даражаси: илмий-амалий журналлар, монография, етакчи олимлар асарларидан тўла фойдаланганлиги \_\_\_\_\_ балл
30. фақат дарслик маъруза матнлари, ўқув қўлланма ва маълумотномалардагина фойдаланилган \_\_\_\_\_ балл
31. Битирувчининг маърузасига баҳо, аъло \_\_\_\_\_ балл
32. яхши \_\_\_\_\_ балл
33. қониқарли \_\_\_\_\_ балл
34. Берилган саволларга жавоблари: тўлиқ \_\_\_\_\_ балл
35. ўрта \_\_\_\_\_ балл
36. қониқарли \_\_\_\_\_ балл
37. БМИни ташқи тақризчи томонидан баҳоланиши: аъло \_\_\_\_\_ балл
38. яхши \_\_\_\_\_ балл
39. қониқарли \_\_\_\_\_ балл
40. БМИга қўйилган якуний балл \_\_\_\_\_

(100 балл)

**Эслатма:** ҳар бир банд бўйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади.

ДАК раиси \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. имзо

Аъзолари \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

(муҳр ўрни)

Сана « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 йил